6 ЯНВ 1990

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

1991

4 ЯНВАРЬ № 1 (3105) ЖУМА

УМИД ШУЪЛАСИ

ҲАЁТДАН НОРОЗИ бўлиб юрганлар кўп. Мамлакатдан чиқиб кетаётганлар ҳам кўп. Ҳали яна кўпаяди. Одамларнинг яхши яшагиси, яхши кийингиси, яхши еб-ичгиси, яхши тургиси, болаларини яхши тарбиялагиси келяпти. Бир сўз билан айтганда, яхши яшаш кимга ёқмайди. Турмушнинг аччиқ-чучугини хўб татиган бир олим дўстим олтмишни тўлдириб турган пайтида шундай деди: Шунча йил яшадим. Лекин бир кун ҳам бемалол кун кўрмадим. Бир кун ҳам ўзимни хотиржам сезмадим. Ҳар куни тонгда ташвиш билан уйғондим. Ташвишлар билан кунни қаритдим. Ташвиш билан уйқуга ётдим. Энди бири ўн, ўни юз бўлган ташвишларим — қизларим, ўғилларим, куёвларимга ўтди. Худо шоҳид: Мендан яшашни истайсанми, ёки сўрасалар, менинг битганга шартим бор эди: Агар набираларим ва улар оша бошқа насларим мен кўрган ташвишларни кўрмасалар, улар бошига мен ва отам кўрган шўришлар тушмаса, давлатнинг ваъдаси билан умрларини кеч қилмасалар, ана шундагина жонжон деб яна яшардим. Одам боласига набиралар бахт-саодати, равнақини кўришдан кўра ортиқ лаззат йўқ дунёда...

Назаримда, олим дўстим бутун бир авлодларнинг кўнглидан кечган ва кечиб турган фикрни ифодалагандай бўлди. Рост, ҳаётимизда қийинчиликлар беҳад кўп. Улар ҳали-вери тугайдиганга ўхшамайди. Лекин назаримда, энди, ҳа, мен энди деб айтяпман, умид қилса бўлади. Энди умидсизликка асос йўқ. Олам ҳам, одамлар ҳам орқага қайтмайдиган бўлиб ўзгармоқда. Ўтгизинчи, эллигинчи ва ундан олдинги йиллардаги кўз кўриб қулоқ эшитмаган фожиалар ва адолатсизликларни айтмай қўя қолай. Орқага кўп қараган кўп қоқилади. Лекин, олтмишинчи йилларда бой ва йўқ, тўкис ва бут эдикми? Етмишинчи йилларда-чи? Ҳозирги ёшларимизга рўшнолик кирганмиди саксонинчи йилларнинг бошларида? Рўшнолик кетидан қувганлар турли-туман қаллобгарчиликларга дуч келмадиларми? Эл бошида турганларнинг рўшноликлари нималарга айланди? Ўша пайтларда ҳам ҳозиргига қараганда ўн, балки йигирма баравар ортиқ қашшоқ эдик. Қашшоқ бўлмасак, уйларимизнинг бари-бари бир текисда барак тусида қурилармиди? Уларнинг биронтасига қараб дилингизга бир туккина бўлсин илҳом ва завқ ёр бўлмайди. Бўлмаса, меъморчилик ва айниқса, ўзимизнинг Шарқ, Ўрта Осиё меъморчилиги юракларни завқ ва шоирона ҳислар билан тўлдирадиган меъморчилик каби дунёга келган, улуғвор обидалар яратган.

Кўп фожиалар ҳақида гапириш мумкин. Лекин улар ичида биттаси менга фожиаларнинг фожиаси бўлиб туюлади. У ҳам бўлса кўпчилик — партиявий тил билан айтганда, омма ўзининг қашшоқлигини англамас, ҳаёт ва унинг қадриятлари ҳақидаги тушунчалари бутунлай чалғиб кетган, сароб мўлжаллар ва чўпчакларга берилиб яшарди. Чунки, «омма» бошқа ҳаётни кўрмаган эди. Халқ деган сўз, чунончи ўзбек деган сўз бир гуруҳ томонидан ишлатилган «омма», «халқлар устидан» тушунчалари билан алмаштирила бошлаган эди. «Омма» нима ўзи? — деб ҳеч ким ҳайрон бўлмаси эди. Халқ десангиз, равшан. Номи бор, давлатчилиги бор, узоқ-яқин тарихи бор, феъл-атвори, табиати, расм-русуми турли синовдан ўтган эканлари бор... Лекин «омма» десангиз, бу энди тамомасонга, бошқа гап. Негаки, «омма»нинг на қиёфаси, на номи, на тарихи, на анъаналари, на бошқа биронта аёнлиги бор. «Омма» — бошсиз, ёқасиз бир тушунча. Лекин у тоталитар тузум учун беҳоя қулай эди. Маълум бир, тоталитар тузум ҳаммани чалғитиши, унинг қўлини пуч ёнғоққа тўлдириши мумкину, лекин ҳеч қачон уни енголмайди, ҳеч қачон уни ер тишлатолмайди. Лекин, «омма»ни тоталитар тузум истаган қўйга солиши, истаган йўриғига йўрғалатиши, бошида макр-найранглар ўйнатиши, озодлигини, мустақиллигини, фикрини тортиб олиши мумкин. «Омма»-истаганча ишлов бериш мумкин. «Омма» бироз ғоҳ-ғувур қилади. Шундан ўзига ўтмайди. Босилади. Ҳеч нарсани талаб қилмайди. Руҳнинг йўриғи бўйича яшайди. Руҳнинг амри билан ўз ичида қирғин ясайди. Сўнг бу «оммавий қирғин» ва «оммавий жиноят»нинг ҳақиқатини тополмайди. Заҳарли бўлган умрлар учун ҳеч ким жавоб бермайди ва ҳаттоки ўз ихтиёри билан истеъфога ҳам чиқмайди. Саксон еттинчи йилда қайта қуриш «Омма»нинг кўзини очди. «Омма» мана олти йилдан бери ўзининг халқ эканлиги, миллат эканлиги, жаҳоннинг бошқа озод халқлари қаторида ўрни борлигини англашга ўринади. Халқ: Мен ўз ақлим, ўз кучувватим, ўз иқтидорим, ўз тарихим, ўз миллий анъаналарим, истеъдодим, ҳунарпарварлигим, давлатчилигим билан яшашга ҳақлиман, деган ақидага келди.

Шунинг учун ҳам, халқларимиз қачалик қашшоқ бўлмасинлар, бу қашшоқлик ҳеч гап эмас. Ҳар қандай қашшоқликни бир зўр бериб енгиш мумкин ва бошқа ҳеч қачон қашшоқликка дуч келмаслик мумкин. Халқлар ўз ерларини англаётганлари, демократия, озодлик, инсон ҳуқуқлари учун курашаётганлари. Иттифоқ ҳукумати шу ҳуқуқларни мустаҳкамлайдиган муҳим халқаро шартномаларга қўшилаётгани ва уларга қўл қўяётгани қайта қуриш халқларга берган чексиз бойликдир. Зотан, шуларга эришган ҳар бир халқ, ҳар бир инсон ҳамма нарсага эришади.

Ўзбек халқи ҳам қийналакийнала шу улуғ жараён, шу улуғ йўлга кириб бормоқда. Унинг юрагида яшаш маърифати уйғонаётгани кўриниб турибди. Меҳнат қилиб ҳазина топган халқ ҳазинани қандай тасарруф қилишни ҳам билиши керак. Ҳазина топган ва унга биринчи навбатда маърифат олган халқнинг ҳазинасига ҳазина қўшилаверади. Чунки маърифатга олиб бормаган ёки маърифат учун хизмат қилмаган меҳнат — меҳнат эмас, қулчиликдир. Тирикчилик ўтказиш учунгина эртадан кечгача тер тўкиш жаҳолатнинг ўзидир. Неча замонлар жаҳолатда яшаб кўрмадикми? Унинг аччиқ, аянчли тажрибалари бизга етмайдими? Вакти келса, на Навоий, на Ҳамза, на Қодирий, на Чўлпон сўзига қулоқ тутдик. Охир-оқибат ҳар бир хонадон тешик тоғорали бўлди. Чунки меҳнатимиз маърифатга айланмади. Маърифатни мутлақо менсимадик. Энди-энди ҳамма бир оғиздан: Бундай яшаб бўлмайди! — деяпти. Шу фикрга келганимиз бизнинг бугунги ва эртанги бойлигимиз. Ҳолбуки, лозкал шу хулосага ҳам ҳали узоқ-узоқ замонлар келмаслик мумкин эди.

ЖУМҲУРИЯТ халқларида куч-қувват етарли. Жумҳуриятларида ҳазиналар ҳам етарли. Жумҳуриятда энди бизни жаҳон бозорига олиб чиқадиган ва энг илғор мамлакатлар билан яхши маънода рақобатга ярайдиган обрўли, ишончли, юксак малакадор саноатларни вужудга келтирмоқ керак. Нега шунча замонлардан бери жумҳуриятда автомобиль саноати, велосипедлар саноати, қоғоз саноати, ва бошқа жаҳонга зарур тайёр маҳсулотлар етказиб берадиган саноатлар яратилмади? Халқ ҳаётининг жиловини демагогларга ва ҳамма нарсани нотўғри мўлжал қиладиган кишиларга ёки гуруҳларга бериб қўйса, ўзи ҳамма нарсадан маҳрум бўлади. Сўнг айбни бошқалардан қидиришнинг кераги йўқ. Япония Ўзбекистончалик боммикин? Миср Ўзбекистончалик боммикин? Сингапур Ўзбекистончалик боммикин? Унда нега биз қашшоқ бўламизу улар бадавлатдан бадавлат яшайди? Афтидан улар демагогларга эмас ўз ақлларига ишонса, лар ва ўз ақллари билан иш олиб борсалар керак. Улар одамнинг ақли ва озодлигини энг буюк бойлик деб билсалар, кишининг олижаноб ихтиёрини ҳеч чекламасалар керак. Шунинг учун улар доим бойдир ва бойлиги доим яна бойлик туғадигандир.

Ўзбекистонимни мен яқин йиллар ичида буюк ҳунармандчилик диёрига айланганлигини кўргим келади. Ҳунарманд халқ ҳеч қачон қашшоқ бўлмайди. Қарам ҳам бўлмайди. Ўйлайманки, бу орзуда юрган бир мен эмас. Бу орзу тагсиз хаёлий ҳам эмас. Унинг жуда катта ҳаётий ва тарихий, маданий асоси мавжуд. Икки юздан ортиқ ҳаёт учун зарур, лекин бугун унутилиб кетган ҳунарларни тиклаш учун қучлар, талантлар ҳам етарли. Эрта-индин бу ишга завқ-шавқ билан киришадиган одамлар ҳам албатта етишиб чиқади.

1991 йилга кириб борарканмиз, шу орзу-хаёлларим билан ўртоқлашгим келди. Келинг, жиллақурса, қаршимизда очилган улуғ фикр майдонига тушайлик. Ахир бу майдон биз учун очилган. Нега бу майдонни ҳувиллатиб ташлаб қўямиз? Келинг, тинимсиз фикрлашайлик. Қўлимиз ишда бошимиз фикрда бўлсин. 1991 йил адабиёт газетангиз учун ҳам жиддий синов йили бўлади. Қоғоз қимматлашгани баҳонасида газетангизнинг баҳоси ҳам икки баравардан ортиқ қимматлади. Ва газета оз эмас-кўп эмас уч юз минг ўқувчисидан айрилди. Лекин уч юз минг садоқатли ва муҳаббатли, бағирдош ўқувчимиз бор экан, шундан бизнинг бошимиз кўкда. Уч юз минг одам билан фикрлашиб турсак деймиз. Газета ўқувчини, ўқувчи — газетани яратади ва шакллантиради. Ер бўлмаса — қуёшнинг, қуёш бўлмаса — ернинг маъноси йўқ. Сиз билан биргаликда ҳафталикни бугунги куннинг маънавий, маданий, ижтимоий ойнасига айлантириш йўлида ҳар канча тер тўксак, ижодий кучларимизни ишга солсак арзийди. Гаплашадиган гапларимиз эса шу қадар кўп, шу қадар йиғилиб қолганки...

ЎЗИМИЗНИ КАТТА халқнинг фарзанди билиб, шу халқ учун ишлашга ўрганайлик. Негадир тўқсон биринчи йилни халқимиз ўз шан-шарафини тиклашга киришадиган йил дегим келади. Ахир тўқсон биринчи йил — Мир Алишер Навоий йили. Бир бобомиз беш юзу элликка, бошқа бир бобомиз эса мингга киради. Халқимизнинг бошини кўркам қилган бундай боболар оз эмас. Халқимга маърифатли боболар руҳи мададкор бўлгай!

Иброҳим ҒАФУРОВ

НИЯТИМНИ ЎРТОҚЛАШСАМ

Ҳаёт ҳаёт-да, бир куни хуш, бир куни нохуш. Иккиёки учта боласи бор, 6—7 йил бирга яшаган ёш оилалар баъзан муросалари тўғри келмай, у-бу сабаблар билан ажралишаркан, молмулкни бўлиш пайтида жанжалнинг яна бир қирраси очилади. Масалан, машина нима бўлади? Ҳовли ёки квартира кимники? Болалар-чи? Аёлнинг талабига қулоқ солиш керакми? Бу ҳақда қонунда нима дейилган? Меҳнат стажи тўлиқ бўлмаганлар қай миқдорда пенсия олади? Ишламаганлар-чи?

Ҳуқуқшунос бўлганим учунмикин бундай чигал саволлар билан жуда кўп хотин-қизлар менга мурожаат қилиб мактублар йўллашади, қўнғироқ қилишади. Редакция почтасида ҳам шу таҳлит хатлар оз эмас экан. Агар янги йилда ҳафталикнинг саҳифаларидан жой ажратилса, шундай муаммоларнинг қонун асосида ҳал қилиниши билан боғлиқ мавзудаги мақоламни газетхонлар билан ўртоқлашиш ниятим бор. Эҳтимол, бошқа касбдошларим мени қўллаб-қувватлашар.

Оминахон КАРИМОВА,
ҳуқуқшунослик фанлари номзоди

ЯНГИ РУБРИКА:

ЯНГИ ЙИЛ СУҲБАТЛАРИ

Тарих саҳнасидан 1991 йил ҳам ўрин олди. Ғалабаларга ва мағлубиятларга, қувонч ва ташвишларга тўла XX аср сўнгги ўн йиллигининг дастлабки йили бошланди. Ўтган йил бошқа соҳалардаги каби адабий жабҳаларда ҳам воқеаларга бой бўлди. Романлар яратилди, ўнлаб қиссалар, достонлар китобхонларнинг манъавий мулкига айланди. Адабиётда бир гуруҳ истеъдодли ёшлар ўз иқтидорларини намоён қилдилар. Бадиий ижод соҳасида кўп йиллардан бери тақиқланиб келинган асарлар китобхонлар қўлига тегди, номлари ноҳақ қораланган ижодкорларнинг ҳаёт ва ижод йўллари ёритила бошланди. Халқимиз ҳаёти ҳақида ёзилган энг яхши асарлар турли мукофотлар билан тақдирланди.

Лекин ҳали ташвишлар, қилинадиган ишлар, режалар ҳам оз эмас. Ҳаётимизда рўй бераётган улкан воқеалар, ўзгаришлар, янгиланишлар адабиётда тўла аксини топа олаётгани йўқ. Ижодий ташкилотлар ишлари ҳам давр талаблари даражасида эмас. Ҳали изланишлар давом этади.

Янги йилнинг дастлабки кунларида Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров ва ёш шоирлар Қўчқор Норқобилов, Хосият Рустамовадан ўтган йил якунлари, сабоқлари ҳамда бу йилги ўйлари тўғрисида фикрларини сўрадик.

ШУКРУЛЛО:

— Ҳар бир ёзувчи бирор асарга кўл ураркан, албатта у яхши умидлар билан яшайди. Китобхон фикри ўз йўлига, аммо у, энг аввало, адабиёт аҳли — ўз ҳамкасбларининг мулоҳазаларини кутади. Албатта, қуш тилига қуш тушунади. Лекин, афсуслар бўлсинким, кейинги йилларда ёзувчилар орасида бир-бири билан кўришганда аввалгидек ижод ҳақида сўзлашиш, ким қандай асар ёзаётганини сўраб-суриштириш, фикрлашиш йўқ бўлиб кетди. Балки, бу давр тақозосидир? Бироқ менга маълум бўлгани шуки, ким билан кўришмай, ким билан сўзлашмай, агар хато қилмасам, гап ё рўзнома ва ойномаларда босилган публицистик мақолалар устида, ё маъмурий масалалар, яъни қайси ижодкор қандай амалга эришгани, ким қаерда ишлаши лозимлиги, ким қандай мукофот олиши кераклиги ҳақида борадиган бўлиб қолди. Бу ҳам ҳақиқат, лекин аччиқ ҳақиқат! Ваҳоланки, 1989—1990 йилларда назмда ҳам, насрда ҳам, ҳатто драматургияда ҳам истеъдодли ёшларимиз тилга олиб гапирса бўладиган бадиий асарлар яратдилар. Аммо улар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар қани? Эндиликда ёзувчи учун энг катта амал, боқий қоладиган мерос бу — ижод, яхши асар эканлигини чуқурроқ англайдиган пайт келди.

Ўтган йилни эркинлик шабадаси эса бошлаган, бу шабада озгина бўлса-да, халқимиз кўкрагига теккан йил деб баҳолаш мумкин. Уни яхшироқ билиш, ҳис қилиш учун эркимиз топталган йилларни эслашимиз, унинг даҳшатларидан хабардор бўлишимиз керак. Афсуски, босиб ўтган йилларимизнинг асл ҳақиқати ҳали ҳам тўла юзага чиққани йўқ. Биз чала ҳақиқатлар ичида яшаётгандаймиз.

Тўғри, босиб ўтилган йўл ҳеч кимга ҳам осон бўлган эмас. Лекин у қамоқдагилар учун икки-уч, ҳатто ўн карра даҳшатли кечди. Инсон табиати мураккаб! Ҳамма даврларда ноҳақлик азобларига чидолмай ўзини-ўзи ўлдирганлар ҳам, очлик, машаққатли, тинкани қуритувчи меҳнатдан ўлим топганлар ҳам бўлди. Ҳатто ўз ҳаёти учун қамоқда ҳам хоинлик қилиб, бировлар бахтсизлиги эвазига ўз бахтини қуриб яшаганлар бўлди. Буларнинг барини қайтадан эсламоқ нақадар даҳшат! Бошдан кечирган у даҳшатли кунлар ҳақида асар ёзмоқ эса ундан ҳам оғир. Ахир бунинг учун терговчиларнинг ҳақоратларини, ноҳақ, туҳматдан иборат айбларни, ваҳшиёна қийноқларни, очликни — ҳаммаҳаммасини қайтадан хотирангда тирилтириб, бошингдан кечиришинг керак.

Бу — осон иш эмас. Аммо ўз авлодинг тақдири, унинг келажаги йўлидаги масъулият, халқ бошига тушадиган ана ўшандай фожиаларнинг олдини олиш, орзиқиб кутилган эркинлик нафасининг ҳар дақиқасини қадрлаш туйғуси ижодкорларимиздан бу борада фаол бўлишни талаб қилади. Ахир тенгдошлар орасида ҳали қанчасининг қалбида кафансиз кўмилганларнинг хотиралари, орзулари кўмилиб ётибди. Агар уларнинг даҳшатлари тўла очилмас экан, халқимиз яна «пахта иши», Ўш, Фарғона, Бўка, Намангандаги сингари фожиаларга гирифтор бўлмаслигига ким кафолат беради? Шунинг учун, бошимиздан ўтган барча воқеалар тўла ҳақиқати билан асарларимизга муҳрланса, дейман. Бу йилдан умидларим шу.

Янги йилда севикли китобхонларим ва ҳурматли ҳамкасбларимни табриклар эканман, буюк ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг «Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик», деган ҳикматини эсладим. Истардимки, янги йилда тарихни ёритишда устоднинг маҳорати барча ижодкорларимизга насиб этсин!

Қўчқор НОРҚОБИЛОВ:

— Ҳаёт — илдизлари бардош сувини симираётган мангуликнинг улкан дарахти. Гарчанд ёзиғига абадийлик битилган эрса-да, вақт ҳукмига биноан муайян пайтда биттадан япроғи чирт этиб узиларкан. Тирикликнинг бир йилини ана шу япроққа қиёс қилсак, унинг тимсолий сиймоси ортиқ шуурримизда қай ҳолда қоларкин?

Чиндан 1990 номли бу япроқнинг кўргулиги кўп экан. Қурултойу чақириқлар, тўғлардай залворли қонун ва буйруқларни елкалаб видолашяпти биз билан. Кўпгина юмушлари кейинга сурилаётгани, натижалар ўз даврида интиҳо топмагани боис бетаскин. Ҳадикли томони, элу-элатлар орасидаги қирғинлар, зўравонлик, оқибатсизлик, йироқлашаётган меҳрсизлик келаси йилга ҳам қолганмикин? Ҳали тўлиқ ечимини топмаган армия муаммолари-чи?...

Ҳар соҳада ишлар йил сўнггида якунини топади. Бироқ адабиётда бошқача. Дейлик, йиллар мобайнида ёруғлик кўрмаган, соф маънодаги руҳий изтироб маҳсули бўлган асарлар асрлар ўтиб қалб қоронғулигини ёритиши мумкин. Чин ва умрбоқий китобларни ҳеч нарса — на сиёсат, на бидъат йўқ қилолмайди. Шу сабабли, жиддийроқ қаралганда асрлар қучоғидан юлқиб олинган бир йилда фалон асар яратилди, бу ўтган даврдагилардан яхши ёки ёмон дейиш бирёқламаликдир. Чунки ҳар қандай яхши асар ўша йилнинг ўзидаёқ ёзиб ташланмайди.

Ҳаммамиз гувоҳ: ўтаётган йилимизда публицистика етакчилик қилди. Ойномаю рўзномаларнинг эл дарди қоришиқ мавзулар билан бағри тўлди. Бироқ бу бадиий асар қадрини туширши имконини олди дегани эмас... Мен чин адабиётни инсон руҳини инъикос этувчи тиниқ кўзгу деб тушунаман. Ҳеч қачон бадиий ижод учун мавзу қидирилмайди. У ижодкорнинг ботиний оламида ўз-ўзидан дунёга келади.

Қисқароқ қилганда, 90-йилда фақат минбарлар бағри тўлиб қолди. Сўзлар ўқ янглиг беиз ва бенишон отилаверди. Сўз йили бўлди, назаримда. Афсуски, сўзнинг расми йўқ, 1990 рақами атрофига чизиб қўйгудай.

Биз сиғинадиган, кўз-кўз қиладиган бадиий асарнинг дунёга келиши эса бу йилнинг пешонасига ёзилмаган экан...

Шеърият ҳақида... Очиғи, бу йил поэзиямиз публицистик тўн кийиб қад кўрсатди. Оролнинг қуриши, ички миллий низолар ва ҳоказолар қуруқкина шеър шаклини олди. Хўш, 90-йилда чоп этилган қайси тўпламда руҳий силсила маҳсули, фақатгина шеъриятга хослик ҳукмрон деб атаймиз.

Мен шеър деганда бор нарсанинг изоҳини эмас, олислардаги, қуюқ туман қўйнида ёлқинлашаётган руҳий дунёни тушунаман. Уни англаш ёки англамаслик ҳар кимнинг кўнгил кўзига боғлиқ. Илоё, янги йилда кўнгил кўзларимиз теранлашиб, руҳиятимиз ёруғлашсин...

Пиримқул ҚОДИРОВ:

— «Қут» сўзи азалдан бахт барака маъноларини билдириб келади. Мана шу кенг маънода барча китобхонлар учун, адабиёт ва санъатимизнинг ҳамма мухлислари учун янги 1991 йил қутлуғ бўлсин!

Умримиз дарё каби тинимсиз оқиб ўтмоқда. Дарё тўлқинлари қирғоқларга урилади, иложи бўлса ўзанидан чиқиб, ҳудудсиз кенгликларга ёйилиб кетгиси келади. Лекин дарё ўзига тақдир қилган ўзан шаклига кириб оқмаса, денгизга етиб бормайди, шаклсиз тошқинга айланиб, қумларга сингиб, ҳайф бўлиб кетади.

Ҳозирги маънавий уйғонишлар, эркинлик ва ошкораликлар ҳаётимиз дарёсининг қуриб ётган ирмоқларини тирилтиргани, қўлмакдай тўхтаб қолган жойларини ҳаракатга келтиргани, саёз оқимларини теранлаштиргани шубҳасиз. Баҳор пайтида қорлар эриб, жала қуйиб, сойлар тўлиб-тошиб оқади. Шунда биз тошқиндан қўрқиб, баҳор сувларининг йўлини тўссак, қирғоқларини бузиб кетиши аниқ.

Тажрибали деҳқонлар баҳор сувларининг йўлини катароқ очади, ариқ ўзанларини кенгайтиради. Тошқин селлар сув омборларига йиғилса, ёзда экин суғоришга асқотади.

Ҳозирги кунда эркинлик ва ошкораликдан келиб чиқадиган баъзи тошқин жараёнларга ҳам мана шундай бағрикенглик билан, дадил ва оқилона муносабатда бўлганимиз яхши. Фақат бебош кучлар дарёнинг ўзанини қўпориб бузиб кетмоқчи бўлганда бунга йўл бермаслигимиз керак. Чунки ўзан йўқолса, дарёнинг дарёлиги қолмайди. Дарёга шакл бериб, уни денгизга етказиб борадиган ўзан асрлар давомида сайқал топган тартиб ва саранжомлик тимсолидир. Одамни инсонийлик қиёфасига солиб шакллантирадиган ахлоқ, одоб, имон, эътиқод ва ички маданият ҳам худди дарё ўзани каби кишини ўз меҳвари атрофида тартибга солиб тутиб туради, беҳуда сочилиб, тўкилиб кетгани қўймайди.

Мен янги йилда ёзмоқчи бўлган асар, эҳтимол, «Меҳвар» деб аталар. Ҳар қалай, кўпчиликни энг қаттиқ ўйлантириб турган нарса — эркинлик, мустақиллик, ошкоралик неъматларини чин инсонийлик меҳвари атрофига йиғиб тартибга сола олиш муаммосидир. Агар улар меҳваридан чиқиб кетса, ўзанни бузиб кетган дарёдай хатарли бўлади.

Адабий жараён ҳам асрлар ва ўн йилликлар давомида шаклланган яхши анъаналар ва ижодий янгиланишлар ўзанидан оқиб, яхши манзилларга етиб бормоқда. Мен адабиётимизнинг бугунги аҳволи кечагисидан яхшироқ деб ҳисоблайман. Бироқ ҳаммамизнинг олдимизда ҳали ечилмаган жуда улкан бадиий муаммо турибди. Илгари турли таъқиқлар ва чеклашлар орасидан йўл топиб ўтар эдик. Адабий жараённи яна ўша дарё оқимига ўхшатсак, қирғоқни мўлжалга олиб сузиш денгизда сузишдан кўра қулайроқ туйилар эди. Энди сўз эркинлиги берилгандан сўнг бирдан чексиз уммон кенгликларига чиққан дарё кемасининг аҳволига тушиб қоляпмиз. Яқин орада чамага олиб сузадиган одатий қирғоқлар йўқ. Истаган томонига қараб сузаверган одам уммонда адашиб, сув ости тошларига урилиб кетиши мумкин. Уммонда сузишнинг ҳам қатъий тартиб-қоидалари бор. Уларга риоя қилиш, денгиз ва уммон хариталарини беш қўлдай билиш, кундуз қуёшни, кечаси ою юлдузларни чамага олиб сузишни ўрганиш керак.

Хуллас, янги йилда ўзимга ҳам, ҳамкасбларимга ҳам айтадиган энг зўр тилагим — сўз эркинлиги берган уммон кенгликларида адашмай, қўрқмай сузиш, уммон кемаларидай дунё миқёсига чиқиш ва ҳаёт денгизлари бағрида яшириниб ётган адабий гавҳарларни кашф этишдир.

Хосият РУСТАМОВА:

— Мана, яна бир йил ҳам ниҳоясига етди. Янги йилга ошкоралик, эркинлик деган сўзлардан қулоқларимиз том битиб етиб келдик. Биз қоғозларга, анжуманларга кўп ишондик. Улар эса бизни алдади. Эркинлик деган сўз амалда эмас, қоғозларда шиорга айланиб қолди. Давримиз қанчадан-қанча фожиаларни бошидан кечирмоқда, қонли воқеалар юз бермоқда. Қаерга қараманг руҳсизлик... Бундан оталаримиз қадди тик эмас. Жафолардан оналаримиз қалби пора.

Ўзбек аёллари эса ҳануз далада. Бекаларнинг сочлари ҳамон эгатларда оқараётир. Яхши кунларни кўзларида илинж билан кутиб яшаётган онажонларим, опажонларим, сингилжонларимга қараб бардошлари тоғдай эканлигига амин бўламан.

— Шаҳарларда болалар етимхоналарда оналарини излаб гирён. Қишлоқларда кўп болали оилаларда эса улар халқимиз қашшоқлиги туфайли юпун, ночор. Улар отаонасиз Ватаннинг етим болаларига ўхшайди...

Оғриқлар сизган заминнинг минг бир азобларига дош бераётган аёл яна оиласи қайғуларини ҳам етаклаб бораётир. Ўйлаб қоламан, ахир шунча оғриқлардан тошлар ёрилиши, тоғлар қулаши мумкин-ку...

Эҳтимол, адабиётимиз ўзининг абадий илҳом париси бўлган аёлнинг бугунги фожиавий қисмати сабабли бироз қадди долдир. Эҳтимол...

Бу билан 1990 йилда ўзбек адабиёти ғарибликка, мискинликка юз тутди демоқчи эмасман... Насрнинг оқсаганини рост. Яъни, аниқроқ айтсак, бу йил шов-шув бўларли даражадаги насрий асар яратилмади, ҳисоб. Бироқ поэзия ҳақида... Чиндан, шеъриятимизнинг бағри турфа оҳангларга тўлиб бораяпти. Бир гина шу йилнинг ўзида юзлаб ирмоқларнинг улкан дарёга қўшилаётганининг гувоҳи бўлдик. Ёш ижодкорларнинг VI семинарида 100 дан ортиқ қаламкашнинг ҳар бири оқ-қорани таниган, таниқли шоир ва ёзувчилар назаридан четда қолмади. Ҳар ҳолда, қозонда бори чўмичга чиқди. Тан олиш керак, ўтган йил ўзбек адабиёти равнақи учун тўла имкониятлар йили бўлди. Бу йил шу имкониятларни амалга оширишимиз лозим.

Эндиликда қуруқ мадҳиялар, ҳамду санолар адабиёт учун ёт хислат эканлиги оддий китобхон учун ҳам маълум. Шундай бўлгач, асарларимизда инсон қадри, руҳий кечинмаларини юксак бадиийлик мезонидан туриб яратишимиз керак.

НАВОИЙХОНЛИК БОШЛАНДИ

Бу йил адабиётимиз, маданиятимиз, умуман халкимиз учун улкан тўй йили. Улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг 550 йиллиги жумҳуриятимизда кенг нишонланади. Тантаналар янги йилнинг дастлабки кунларидан бошланди. Бугун Тошкентда «Ўзбекбирлашув»нинг мажлислар залида Алишер Навоий юбилейи қўмитаси, Ўзбекистон Халқ таълими нозирлиги, жумҳурият ўқув-методика маркази ва «Китобхон» жамиятининг ҳамкорликдаги Навоийхонлик анжуманни очилади.

Алишер Навоий ижодида умуминсоний қадриятлар, «Хамса»нинг тадқиқот муаммолари, шоир ижодий меросини мактабда ўрганишнинг муҳим масалалари хусусида филология фанлари докторлари А. Ҳайитметов, А. Каюмов, А. Ҳожиаҳмедовнинг маърузалари тингланади. Шунингдек, бир гуруҳ олимлар шоирнинг китоблари — «Мажолис ун-нафоис», «Насойим ул-муҳаббат», «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Тарихи мулуки Ажам», «Вақфия», «Муншаот», «Маҳбуб ул-қулуб», «Арбаин», «Назмул жавоҳир» ҳақида докладлар қиладилар. Шоир асарларининг қорақалпоқ тилига таржималари тўғрисида ва унинг асарларига тузилган қўлёзма луғатлар борасида илмий ахборотлар берилади.

Навоийхонликда асосий эътибор улуғ шоир ижодий меросини мактабда ўрганиш муаммоларига каратилади.

ЯНГИ РУБРИКА:

ҲИСОБЛИ ДУНЁ

ИККИ ДАРЁ ОРАЛИҒИДА...

ШОИР ВА ОЛИМ МУСОҲАБАСИ

Нурислом ТУХЛИЕВ, Мирзо КЕНЖАБЕК

Шоир: Улуғ аллома Ал-Форобий Афлотун хулосасидан келиб чиқиб, халқ агар жоҳил бўлса, уни ҳокимиятга бўйсундирмоқ тўғридир, деган эканлар. Алам қиларлик жойи шундаки, баъзан халқни ҳокимиятга сўзсиз бўйсундирмоқ учун жоҳилият сунъий равишда махсус яратилар экан. Инсоният имкониятидаги барча истибдод унсурларини Афлотун ҳам назарда тутмаган, шекилли.

Олим: Тарих халқнинг ҳеч қачон йўқотиб бўлмайдиган давлатидир. Бироқ фақат тарихдангина таскин излаб бўлмайди. Эл-юртни истиқбол умиди билан руҳлантирмоғимиз ҳам лозим. Бошбошдоқлик ва мустабид давлатчилик, қуллик ва исёнкорлик, умуминсонийлик ва қабилачилик бизнинг халқимизга ҳам хос хусусиятлардир.

Қадимий ипак йўли Урта Осиёдан ўтганлиги жаҳонга маълум. Қарангки, бу кунга келиб ҳамма шу қадимий ипак йўлига қизиқиб қолди. Нега? Чунки у умуминсоний мақсадларга хизмат қилган. Моваройннаҳр ҳамма вақт Осиё билан Оврупони бирлаштириб турган кўприк вазифасини ўтаган. Антик маданият ўлгандан сўнг Урта Осиёда маданият, илм-фан гуллаб яшнади. Бу давр бизда христиан ўрта аср маданияти ва Уйғониш маданиятидан ҳам илгари ўтганлигининг ўзи Шарқ мўъжизотига далилдир.

Биз ўзимизда ҳам осиёвий мустабидликни, ҳам оврупоча демократик хусусиятларни мужассамлаштирганмиз. Масалан, Амир Темур мустабид саналишига қарамай, ўз «тузуклари»да давлатни идора этишнинг энг демократик, энг илғор усулларини асослаб берди.

Ҳозир ҳам бизнинг қадимий юртимиз олдида икки йўл бор: демократик унсурларни ривожлантириб, Оврупо йўлидан кетамизми, ёки бўлмаса... доҳийпарастлик йўлидан борамизми?

Шоир: Менимча, йўл танлаш ихтиёри халқимизнинг, юртимизнинг ўзига берилса, буюк аждод руҳи танимизда уйғониб, қайси йўлдан боришни белгилаб олишга имкон топган бўлур эдик. «Мустақиллик декларацияси» эса ҳали қоғозда...

Масалан, Сиз ўзбекнинг бир олими сифатида ўз тараққиёт йўлимизни белгилашнинг қандай имконияти бор, деб ҳисоблайсиз?

Олим: Ҳозир жаҳон тараққиётини белгилайдиган бешта нуқта мавжуд: АҚШ, СССР, Япония, Хитой ва Марказий Оврупо. Ана шуларнинг деярли ҳаммаси Тинч океанига туташ нуқталардир. Келажак тараққиётининг тақдирини ана шу беш нуқта белгилаши аниқ. Жуғрофий ҳудуди Ўзбекистон ҳудудидан бир неча баробар кичик бўлган Япония ўз тараққиётини оврупоча юксак фан-техника ютуқлари билан қўшиб юборгани учун ҳам жаҳон миқёсига чиқди. Хитой эса ҳали сўнгги сўзини айтгани йўқ. Америка ҳам ана шу Тинч океани омилини ҳисобга олиб, иш кўраётир. АҚШнинг Тинч океани армияси тузилмоқда. Келгусида юз берадиган ҳар қандай улкан ҳодиса ана шу беш нуқтанинг иштирокисиз бўлмайди. Буюк океан юртларни, халқларни бир-бирлари билан яқинлаштирмоқда.

Демак, Ўзбекистон ҳам бу омиллар ва тажрибалар билан ҳисоблашиб, ўз тараққиёт йўлини белгилаши лозим; бу иш эса миллий иқтисодиётимизни жаҳон бозорига туташтирмоғимизга кўп жиҳатлардан боғлиқдир.

Шоир: Сўзи ҳали «ичида» бўлган Хитойни эсладингиз. Бизнинг улуғ мақсадимиз — халқимизнинг омонлиги. Ҳозир туркий халқларга муносабат бобида бизнинг сиёсатимиз билан Хитой сиёсатида муайян ўхшашлик бор. Фитналар, комендантлик соатлари, демографик муаммолар, инсонлар ва миллатлар ўртасидаги муаммолар — улар шунчалик кўпки, ҳар қандай шоир ҳам, ҳар қандай файласуф ҳам умумий гаплардан, қуруқ сафсаталардан, юксак самовий хаёллар салтанатидан пастга тушиб, замин садоларига қулоқ солишга мажбур. Кўнглимдагини очиқ айтаман, бетобликлар авж олган бир пайтда ҳаким (врач) эмаслигим, қирғин ва фитна уюштиришлар газак олган бир кезда ҳуқуқшунос эмаслигим, ва айниқса, иқтисодий муносабатлар издан чиқиб кетган бир паллада иқтисодчи эмаслигим менга кўп алам қилади...

Олим: Шоир эмаслигимиз баъзан бизга ҳам алам қилади. Чунки халқ шоирларга эргашади, сўзига қулоқ солади. Олимлар эса ҳамиша ҳам кўнглидагини ўз элига етказа олмайди. Мана, Сиз, иқтисодчи алломаларимиз ўз бурч ва вазифаларини кўнгилдагидек бажармаяпти, демоқчисиз, назаримда. Бироқ, биз бу мустаҳкам қалъа ичида бирлашсаккина бир иш қила олишимиз мумкин. Агар айбдорни ахтариб, «алвастиларни овлайдиган» бўлсак, узоққа кетиб қоламиз.

Шоир: Қаранг, бизнинг аҳволимизга доир ҳозир икки хил фикр бор: биринчиси — биз энг қашшоқ ўлкамиз (ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан), иккинчиси — биз гўё энг бой жумҳуриятмиз. Масалан, Россияда гўё егани ҳеч нарса йўқ. бизда эса, худога шукр, бор. Бозорлар илгаригидек файзли бўлмаса ҳам, егулик нарсаларни топиш мумкин.

Олим: Аслида биз ҳар жиҳатдан энг қашшоқ жумҳуриятлардан биримиз. Мен Сизга Ўзбекистон иқтисодий аҳволининг энг аниқ манзарасини қизиқ таққосда кўрсатаман. Мамлакат бўйича иқтисодий тараққиёт даражаси тўрт «минтақа»га бўлинади. Биринчи минтақага Болтиқ бўйи жумҳуриятлари ва Белоруссия киради. Иккинчи минтақага РСФСР, Украина ва Молдова, учинчи минтақага Қозоғистон, Арманистон ва Гуржистон жумҳуриятлари, тўртинчи минтақага эса Озарбайжон ва Ўрта Осиё жумҳуриятлари киради. Тасаввур қилинг, биз ана шу охирги минтақанинг ҳам энг сўнгги ўринларидан бирида турамиз.

Яна бир даҳшатли мисол. Колхозчиларга жумҳуриятимиздаги (1988 йилда) тўланадиган меҳнат ҳақи мамлакат бўйича колхозчиларга тўланадиган ўртача меҳнат ҳақидан 21,5 фоизга камдир, РСФСР дагидан 34,0, Белоруссиядагидан 29,0, Қозоғистондагидан 33,2, Литвадагидан 49,6, Латвиядагидан 62,5 фойизга, Эстониядагидан эса 2 мартадан ҳам кам бўлди. Нима, бу ерда ҳам демографик омилларнинг роли борми? Ёки бизнинг колхозчиларимиз бошқалардан оз ишлаяптиларми?

Шоир: Бундай қора кунга қолишимизнинг ижтимоий-сиёсий сабаблари талқин этилмоғи зарур. Энгельс: истилочи халқ агар маданиятсиз бўлса, забт этилган ўлкаларда иқтисодий муносабатлар чалкашиб, издан чиқиб кетади, деган фикрни айтган. Биз эл-юртга бу рақамлар ортидаги эрксизлик, ҳуқуқсизликни англатмас эканмиз, жоҳилиятдан қутула олмаймиз. Бошқарув усулида агар маданият бўлмаса, халқлар шунақа хонавайрон бўлар экан.

Кейинги пайтларда иқтисод брасида айрим хайрли ишлар қилиняпти, аҳолининг қорнини тўйғазишга уринишлар бўляпти. Аммо иқтисодий ислоҳотнинг ўзи билангина элни таназзулдан чиқариб бўлмайди-ку. Шу савоб ишлар орасида баъзан халқни қорни тўқ мардикорга айлантириш тамойиллари ҳам юз кўрсатиб турибди. Маънавият борасида ишлар оқсаяпти. Халқимизни бутун дунёнинг зарур ахбороти билангина эмас, ҳатто мамлакатнинг муҳим тарихий ва ҳозирги замон ахбороти билан таъминлашга ҳам йўл қўйилмаётир. Эсланг, бир гуруҳ адиб, олим ва жамоат арбобларининг СССР президентига йўлланган хатида маданият масалалари назардан соқит бўлаётганига урғу берилди, кейинги пайтларда қабул қилинган бирон-бир қонун ва фармойишларда маданият масаласи кўрилмагани қайд этилди. Бу бонг бежиз эмас. Ахир, маънавиятсиз иқтисоднинг инсониятга қандай нафи бор? Сиз инсоният тарихида халқни бешафқат эзиб ишлатишда матбуот кучидан бунчалик фирибгарлик билан фойдаланган бирон-бир салтанатни эслайсизми? Бунақасини фақат бизда кўриш мумкин.

Олим: Иқтисоднинг ўзи маданият белгисидир. Иқтисодни эгполмаган халқ маданиятсиз халқ деб аталишга ҳақли. Ҳа, албатта, агар ўша иқтисод ўша одамнинг ёки ўша халқнинг ўз эрку ихтиёрида бўлса.

Ҳаммага маълумки, кейинги даврда бизнинг халқимизга, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларига отилаётган таъна тошлари чекдан ошди. Охир-оқибат бундай тўхтамга келдик: биз ўз иқтисодиётимизни тикламасак, маънавиятимизни тиклай олмаймиз. Мен шу фикр тарафдориман. Қолаверса, биз ўз иқтисодиётимизни тиклаб олсак, турли маломат тошларидан ҳам ўзимизни қутқарамиз. Эсингиздадир, ҳатто ҳақиқатпарастликда шуҳрат қозонган машҳур ёзувчи А. Солженицин ҳам Ўрта Осиё ва Қозоғистонни менсимай биз улардан халос бўлишимиз керак, дейишгача етди.

Шоир: Мен Солженициннинг бундай ҳақоратларидан ажабланмайман. Чунки ўз иқтидори билан шуҳрат топган Верешчагин деган мусаввирнинг туркий халқларга нисбатан қилган ғайриинсоний ёвузликларини ўқиб билганман. Лениннинг энг севимли шоири ҳисобланган Тютчев (заминнинг энг буюк лирик шоири) эса ўлим тўшагида ётиб сўнгги лаҳзаларида ҳам инқиллаб, «Хива олиндими?», «Хива босилдими?» деб жон узган. Бировлар Ватанини топташ эвазига ўз Ватанини бойитиш ҳисси бундайларнинг қонида бор. Рус давлати ҳудудининг Иван Грозний давридагига нисбатан бир минг беш юз марта кўпайганлиги бундайларни фахрлантиради.

Иқтисод ва маънавият, афтидан, чамбарчас боғлиқ. Мен бу икки зарур тадбирни айни бир вақтда қўшиб олиб борсак, бўлмасмикин, деган қайғудаман. Расмий рўзномалар, радио ва ойнаижаҳон элнинг маърифати ва маънавиятини зиёда қиладиган даражада ёқимлироқ оҳангларда ҳам сайрасалар бўлмасмикин. Кўп ҳофизларнинг оғзидан «меҳнат», «бахт» «бахтиёрлик» сўзлари тушмайди. Бутун халқ қийналиб ётганда булар бунча «бахт»га қандай чидаб, қандай саломат юрганларидан ҳайратдаман.

Олим: Албатта, сохта «бахтиёрлик»лар ҳаммаларнинг ҳам жонига теккан. Лекин иқтисод борасидаги маломатларнинг асл таг заминини ҳамма ҳам билмайди. Рақамлар бешафқат. Мен Сизга табиатан шундай бой жумҳуриятимизнинг қашшоқлик сирларидан яна бирини айтаман. Бутун мамлакат аҳолисининг 7 фоизини ташкил этган жумҳуриятимиз мамлакат ялпи ижтимоий маҳсулотининг 3,5 фоизини етказиб беряпти. Афсус, биз бу далилдан кўз юмолмаймиз. Аммо жумҳуриятимизда ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромаднинг асосан қайта ишлаш саноати марказларида яратилиши бор гап-ку. Ўзбекистонда ялпи ижтимоий маҳсулот тузугида саноатнинг ҳиссаси 54,3 фоиздир, мамлакат бўйича эса саноат ҳиссаси 60,5 фоиз.

Гап яна бизнинг асосан «пахтакор-деҳқон» эканлигимизга бориб тақалади. Демак, биз саноат тараққиётини жадаллаштирмоғимиз, қишлоқ хўжалиги тармоғининг тузугини эса жиддий ўзгартирмоғимиз керак. Халқ хўжалиги тузугини такомиллаштиришнинг икки асосий омили бор: биринчиси — фан-техника инқилоби ютуқларидан унумли фойдаланиш, иккинчиси — бозор муносабатларига ўтиш. Сизга маълумки, бизда ҳар икки механизм ҳам жуда заифдир.

Шоир: Саноатнинг хароблиги жумҳуриятнинг сиёсий аҳволидан даракдир. Келинг, тарихга мурожаат қилайлик. Бизга таниқли рус адиби Юрий Папоровнинг талқинларидан аёнки, Туркистонда гўё инқилоб ғалабасини мустаҳкамлайдиган, гўё Совет ҳокимиятини ўрнатадиган Қизил Армия отрядлари асосан дашноқлардан, яъни арман буржуа миллатчилик партиясининг ваҳший, қонхўр тўдаларидан иборат эди. Бу отрядлар ҳамма жойда масжидларга ҳужум қилиб, ҳатто намоз ўқиб ўтирган эшонлар ва уламолар устига ўқлар ёғдирди, тўплар отди, бомбалар ташлади. Кейинроқ, 1921-1922 йилларда ғалла яккаҳукмронлиги ва озиқ-овқат тақсимоти баҳонасида ўзи қашшоқ бўлган аҳолидан борйўқ ғаллани ҳам тортиб олдилар. Ва сўнг махсус яратилган сунъий очлик, қирғин оқибатида аҳолининг учдан бир қисми қирилиб кетди. Биз Совет деб атаган тузум ана шундай барпо бўлганди. Натижада барча деҳқонлар ва ҳунармандлар, кўп йиллар давомида «босмачилар» деб айбланиб келган миллат ва ватан мудофаачиларига қўшилиб кетдилар. Лекин бундай «қўшилиш»нинг сабаби фақат бу эмас, энг даҳшати шундаки, давлат арбобининг махсус декрети билан бутун ерлар ва энг кичик ҳунармандчилик корхоналаригача мусодара қилинди, тортиб олинди. «Инқилоб»нинг дастлабки даврларида пахта тозалаш заводлари буткул беркитилган эди. Аҳоли ёппасига Россияга ҳом ашё етказиб берувчи қулга айлантирилди, тараққиёт чекланди. Ҳолбуки, Туркистон ўзига хос саноати билан жаҳон бозорига чиқар эди. Шундай қилиб, юртимиз саноати қайта бош кўтара олмайдиган даражада ер билан яксон қилинди.

Саноати йўқ халқ, бунинг устига, тупроққа — қишлоқ хўжалигига ботиб қолган халқ, ҳар қанча меҳнат қилмасин, косаси оқармас экан, бировнинг қўлига қараб, фақат «етказиб берувчи», «давлатга топширувчи» вазифасида қолишга маҳкум экан. Лекин қайси давлатга, кимнинг давлатига етказиб бераётганини ўйлашга вақти бўлмас экан. Шунга қарамай, Туркистон халқини тупроқдан чиқариш истаклари кўринмаётир.

Олим: Тарих инсониятга мангу сабоқдир. Мен тарихни очиқ, лекин асосли талқин этиш тарафдориман. Сизнинг барча фикрингизга қўшилиш қийин бўлса-да, Юрий Николаевичнинг асосли тадқиқидан кўз юмиб бўлмайди.

Гап шундаки, кейинги даврда жумҳурият ҳудудидаги ишлаб чиқариш кучларининг ривожи марказдан туриб белгиланади. Бу ҳаммага маълум. Масалан, жумҳуриятнинг табиий, иқтисодий ва миллий шарт-шароитига мутлақо мос келмайдиган завод-фабрикалар Ўзбекистонга жойлаштирилди; улардан айримларининг маҳсулоти қарийб юз фоизи жумҳурият ташқарисига олиб кетилишини нима деб изоҳлайсиз?! Бу энди фақат беписандлик эмас, жумҳуриятнинг ҳалқига нисбатан беҳад ҳурматсизлик ҳамдир. Энди эса барча иллатларда, ҳатто саноат соҳасидаги бирёқламликларда, ўзимиз ношудликда айбланмоқдамиз. Ахир, қўллари боғланган жумҳуриятни ҳақиқий идора қилувчилар бошқалар эди-ку. Ўтган йили Москвадан чиқадиган «Новое время» журнали мен ҳам ўзбекни қалтаклашдан четда қолмай деб, маъносини тушунибми-тушунмаймми, юртимизни «XX аср сатрапияси» деб атади. Тарихдан маълумки, эрамиздан олдинги VI—IV асрларда Ўрта Осиёни эронлик ахмонийлар босиб олганди. Улар бу ўлкани сатраплиқларга (ҳозирги вилоятларга тўғри келади) бўлиб идора қилганди. Ҳар бир сатраплик тепасида сатрап турарди ва унинг эронлик шоҳ оиласидан бўлиши шарт эди. Жумҳуриятни ҳам амалда кремлнинг сатраплари, у ердан тайинланган, уларнинг чизган чизиғидан чиқмайдиган, ҳар бир ишни ипидан игнасигача келишиб ҳал қиладиган кишилар бошқарди-ку.

Шоир: Миллий ишчи кадрлар тайёрлаш муаммоси ҳамон силжиётгани йўқ-ку.

Олим: Бу энди заруратга боғлиқ-да. Биз шу маҳалгача бу заруратни марказий музофотлардан ишчи таклиф қилиб ҳал этдик. Энди... саноатимизнинг ўзи ўлда-жўлда бўлса, ишчи кадрлар тайёрлашни қандай қилиб ўлик нуқтадан силжитиш мумкин? Бизда кўпчилик саноат корхоналари хўжалигимизнинг анъанавий йўналишларига қаратилган, миллий заминимизга асосланган бўлса эди... Хўш эртанги кунимиз қандай бўлиши керак? Менинг назаримда, бу масалани яна икки йўл билан ҳал этиш мумкин. Биринчи, жумҳуриятда саноатни тубдан қайта қурмоқ лозим. Иккинчи, Сизга маълумки, пахта яккаҳокимлиги якка қобилиятни тарбиялаб келди, одамларни бир хил қолипга солиб келди; пахта етиштириш учун юксак маънавият ёки алоҳида ақл-фаросат шарт эмас экан; лекин замонавий комплекс механизациялаштирилган, автоматлаштирилган мураккаб технологияни бошқариш учун теран билим, ақл-заковат ва пухта тайёргарлик керак; демак пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш билан бирга бозор муносабатларига ўтиш ҳам бу соҳада ўз тузатишларини киритади, деб ишонаман.

Шоир: Демак, барибир, эркинлик, мустақиллик, ростгўйлик зарур бўлади. Аммо биз, етиштириладиган толанинг миқдорини рақам қилиб, «пахта яккаҳокимлигига барҳам бердик» деб халқни алдамоқдамиз. Бунинг устига яна эски ура-урачиликка, офаринбозликка қайтдик.

«Мажбурият» деган сўзнинг ўзи эрксизликни ифода қилади. Тағин, «Пахта миллий ифтихоримиз», «миллий бойлигимиз» деган васваса тирилиб, халқ маънавиятига ҳужум бошлади. Ахир, элнинг миллий тафаккури — бу тафаккурни белгилайдиган зотлар, улуғ адиблар, атоқли алломалар, чин халқпарвар арбоб ва шахслар миллий ифтихор бўлиши мумкин. Лекин ҳеч замонда маҳсулот, бунинг устига ҳом ашё ҳам миллий ифтихор бўлиши мумкинми?! Бу қандай жоҳилият!

Олим: Пахта тирикчилик манбаларидан бирига бўлиши мумкин, холос. Унинг «миллий ғурур»лигини мен ақлимга сиғдиролмайман. Матбуотимиздаги ушбу сўзларга эътибор қилинг: «Пахта— рўшнолигимиз, пахта — фаровонлигимиз, пахта — бахтиёрлигимиз манбаи»... Воажаб. Ахир, кечагина бахтиқаролигимизнинг, экологик инқирозимизнинг, иқтисодий ночорлигимизнинг, юпунлигимиз, қашшоқлигимизнинг сабаби — пахта яккаҳокимлиги, деб эътироф этиб, дод-фарёд кўтарган эдик-ку.

Шоир: Нурислом ака, Сиз икки дафъа таназзулдан қутулиш йўлларидан бири сифатида «бозор муносабатлари»ни тилга олдингиз, навбатдаги сиёсий найранглардан бири шуки, халқни бозордан қўрқитиш кайфияти сезилмоқда. Одамлар: бу бозор дегани нима бало бўлди экан, деб ҳайрон. Ҳолбуки, савдо-тижорат ишлари туркий халққа ғўдакликдан аён. Ҳолбуки, бизда «Отанг — бозор, онанг — бозор.» деган иқтисодга доир энг зўр мақол бор. Таассуфки, бу бозор муносабатларининг энг тўғри йўл эканлигини лўнда, содда, халқчил қилиб тушунтириб берадиган аллома топилмаяпти.

Олим: Дарҳақиқат, илгари биз одамларни капитализм тажовузидан қўрқитар эдик. Энди эса бозордан қўрқитяпмиз.

Бозор деганда кўпинча оммавий ишсизлик хавфини, баҳоларнинг кескин ошиб кетишини рўкач қилмоқдалар. Шу важдан, бозор иқтисодиётини баҳоларни оширишдан бошламаслик керак, ёки уни меҳнаткашлар ҳисобидан эмас, давлат ҳисобидан амалга оширмоқ керак, деб насиҳат қилувчилар ҳам бор. Ҳар бир юртнинг, ҳар бир халқнинг бозорга ўтишда ўз анъаналари, ўз хусусиятларига келадиган бўлсак, бу бор гап. Уни ҳисобга олмаслик хато бўлади. Бу хусусиятлар С. Шаталин дастурига айнан мос келмаслиги мумкин. Биз академикни истаганча сўкишимиз мумкин. Лекин бундан наф йўқ. У барибир улуғ ислоҳатчи бўлиб тарихга кирди. Масаланинг ойдин бўлгани яхши. Биз шуни хоҳлаймизми, йўқми, ўтиш даври қийинчиликлардан, кескин тангликлардан ҳоли бўлмайди. Давлат ҳисобидан дегани меҳнаткашлар, меҳнат жамоалари чўнтагидан дегани. Айтайлик, ишсизлик учун нафақа тўлаш. Давлат бу фонд учун маблағни қаердан олади? Бу фонд корхоналардан, фуқаролар даромадидан ихтиёрий тўловлар ҳисобига шакллананди. Кўпчилик ижтимоий ҳимоя воситаларининг манбаи бюджет. Бюджет эса асосан аҳоли ва меҳнат жамоаларидан ундириладиган даромад ва оборот солиқларидан ҳосил бўлади. Миллий хусусиятлардан ташқари бозор йўлини танлаган барчага баробар умумий қоидалар ҳам бор. Уларга хўжалик фаолияти учун максимал эркинлик яратиш, соҳибкорликка тадбиркорликка ва рақобатга кенг йўл очиш, иқтисодий фаолият натижалари учун хўжалик ташкилотлари ва корхона эгаларининг тўла жавобгарлигини ошириш, эркин нарх белгилашга ўтиш, давлатдан хўжалик фаолиятини ажратиш, мулкни хусусийлаштириш (приватизация), умуман мулк плюрализмини ривожлантириш, иқтисодиётнинг очиқлигини ва ниҳоят фуқаролар ижтимоий кафолатини таъминлаш. Мана шу умумий қонуниятларсиз бозор учун шарт-шароит ҳам, тўлақонли бозорнинг ўзи ҳам йўқ. Мақсад аниқ бўлмоғи керак. Биз бозорга ўтамизми, йўқми?

Иқтисодиётда пастга қараб сирпаниш давом этяпти, уни соғломлаштирадиган, муаммони тезроқ ҳал этишни таъминлайдиган мукаммал андоза йўқ. Аммо ҳозир муаммони бошқача қўймоқ лозим: умуман, иқтисодиётни инқироздан қутқаришнинг имконияти борми? Бозор муносабатларига бир жойда ўтамиз, бир жойда ўтмаймиз, ёки хоҳласак ўтказамиз, хохламасак йўқ дейиш, бир ерда тонг отиб, қуёш чиқишини ёки фалон жойда ой ботишини кечиктираман, ёхуд фалон ерда ёмғир ёғишини тўхтатиб қоламан дейиш билан баробар. Табиат қонунларига инсон зоти даҳл қилолмайди. Бозор табиий умуминсоний жараёндир.

Шоир: Биздаги талмовсирашнинг «нимкоса»си бор шекилли: ҳозирча меҳнаткаш халқимизнинг қўлида сотиб олмоқ учун пул йўқ, сотмоқ учун эса ҳеч вақо йўқ. Бу хусусийлик муаммоси. Аммо, менимча, жумҳурият учун бозор иқтисодиётининг мушкулроқ томони шундаки, «Ўзбекистон ССР» етмиш йил ичида ҳеч қандай мустақил ташқи сиёсат юргизган эмас. Уни ҳатто Польша ҳам алдаб, пахтасини арзонга олиб Италияга қимматроқ қилиб сотди. Қолаверса, мол ишлаб чиқарадиган саноатнинг ўзи йўқ.

Олим: Барча сиёсатдонлар ва иқтисодчи олимларнинг боши бирикса, бундай тижоратни уддалаш мумкин. Лекин ташқи эмас, ички аҳволимиздан хавфсираш яққолроқ сезилаётир. Айримлар, бозор муносабати жорий қилиниши билан жуда кўп миқдорда ишсизлик вужудга келади, деётишмоқда. Аммо бунга тўла асос йўқ. Тўғри, биринчи босқичда айрим саноат корхоналарининг бошқа соҳага — бозор талабларига мослашуви сабабли, ишсизлик вужудга келиши мумкин. Бироқ жуда кўплаб майда корхоналар, хусусий савдо, озиқ-овқат, умумий овқатланиш корхоналари ҳужудга келиши билан барча ишсизларни ўз бағрига тортади. Гап шундаки, биргина бизнинг жумҳуриятимизда бир неча ўн минг майда корхоналарни ташкил этиш, мавжудларининг эса катта қисмини хусусийлаштириш мумкин. Бундай корхоналарнинг барига ишчи, хизматчи керак.

Шоир: Қўрқув, балки, шундандир. Лекин сиёсатга ёқмайдиган жиҳати шуки, бозор халқнинг кўзини очиб қўйиши мумкин. Ҳордиқ нелигини билмай, далада хор бўлиб арзимаган ойликка ишлаётганлар хусусий корхоналарга ўтиб кетиши, тирикликнинг шафқатлироқ йўлини топиши, оқибатда пахтачилик оқсаши мумкин. Текин олиб ўрганган зотларга тайёр мардикорлардан ажралиб қолмаслик ёқармиди?! Тағин, халойиқнинг [illegible] ўтиб қолса, илм-маърифатга, фан-техника [illegible] интилиш бор. Бозор борасидаги сиёсий [illegible]нинг асосий сабаблари шу, менимча.

Олим: Ишсизликнинг иккинчи босқичи бозор тўғал жорий қилинганидан сўнг, яъни саккиз ўн йилдан кейин рақобатга бардош беролмаган, жаҳон мезони талабларига жавоб беролмайдиган корхоналарнинг синиши оқибатида юзага келиши мумкин. Аммо бу вақтда давлатнинг қўлида ҳам, жамоа корхоналарида ҳам, хусусий қўлларда ҳам жиддий жамғарма ҳосил бўлган бўлади. Ишсизларга яхши нафақа тўлаш имконияти вужудга келади.

Шоир: Аммо бир нарса тушуниксиздир, Нурислом ака: мана, талабаларнинг стипендиялари, қарилик, ногиронлик нафақалари оширилди. Лекин бундай стипендия, нафақа ва имтиёзлар жумҳурия давлат ва маҳаллий ғазналардан (бюджетлардан) тўланади. Маҳаллий ғазна кимда — рамжрокўмда бўлиши мумкин. Ахир, у ғариблар маблағни қаёқдан топади? Ғазнасида пул бўлса эди, улар шифохоналар, мактаблар, боқчалар қурмасмиди? Йўллар солиб, кўприклар тузатмасмиди? Ва шу йўл билан маҳаллий раҳбарлар халқ орасида сиёсий «капитал» ишламасмиди?

Олим: Мен бу хусусдаги фармони олийларнинг фақат халқ манфаатларига бўйсундирилганлигига заррача шубҳа қилмайман. Бу фармонлар ижросси учун мен тўғри айтасиз, жумҳуриятга маҳаллий ғазналардан ажратилади. Давлат ғазнеси ва маҳаллий ғазналардан кўпчилигининг ночорлиги ҳам аён. Лекин бу масалани тубдан ҳал этишнинг моддий асоси — ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда, молиявий аҳволни соғломлаштиришда. Яъни фақат бозор иқтисодиётига ўтиш натижасида жамоа ва шахслардан, соҳибкорлар даромадидан ундириладиган солиқларнинг ҳиссасини оширишнинг йўли билан бу муаммо ҳал этилади. Демак, тақсимот эмас, ишлаб чиқариш биринчи навбатга чиқиши керак. Бозор натижасида оқибат бўлса-да, ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг, ҳалқ фаоллигини, ташаббускорлигини оширишнинг, қобилиятларни рўёбга чиқаришнинг қудратли воситасидир.

Бозор муносабатларига ўтиш арафасида ҳаракатдаги иқтисодиёт корчалонлари чўнтакларини яна бир ва охирги марта тўлдириб қолиш учун фойдаланмоқда. Шу боисдан бу босқични — ўтиш даврининг муддатини имкони борича қисқартирмоқ керак.

Бозор милий чегараларни бузади, у ўз характерига кўра байналмилалдир, деб Маркс билан Энгельс кўп бор таъкидлашган. Бизда эса ажралиб чиқиш («апаратчилик) кайфияти авж олятпти. Умумийликдан алоҳидаликка қараб кетяпмиз. Оврупода эса алоҳидаликдан умумийликка ўтиш кучаймоқда. Бу ўринда ҳам бозор асосий дастак бўлиб хизмат қилаётир.

Бунда бир нарсани унутмаслик лозим: маданийлашган мамлакатлар умумийликка тараққиётнинг юқори босқичига кўтарилгандан кейин келишяпти. Биз эса олдин «умумийлашиб» олиб, тараққиётни таъминлай олмасдан, ундан ҳавфсаламираб бўлиб, миллий «ин»ларимизга уриб кетяпмиз. Бозор — олдин умуммиллий, кейин эса умумжаҳоний жараёндир. Бизда эса ички бозорнинг ўзи йўқ. Ана энди юксак маданийлашган халқларда ниёз учун Буюк ипак йўлига қизиқиш бунчалик кучли эканлиги равшанлашади. Бу йўл қадимда халқларни жаҳон бозори билан, умуминсоний қадриятлар билан туташтирувчи йўл эди.

Шоир: Суҳбатимиз яна Буюк ипак йўлига туташди. Лекин менинг кўнглимни тирнаб ётган яна бир мулоҳаза бор. Халқимиз бошига тушган чексиз бахтиқароликлар фақат пахта яккаҳокимлигининг эмас, балки партиявий яккаҳукмронлиги-нинг ҳам оқибатидир. Энди фақат бозор эл-юртни қутқаролмайди. Ижтимоий-сиёсий эркинликка эришмас эканмиз, халқимиз худди тушлаганидек отдек юраверади. Юқоридан ёки узоқдан қараган кимсага у озод кўриниши мумкин. Яккаҳукмронлик, назаримда, тобора мавқени мустаҳкамлоқда.

Олим: Биз ҳалиҳа иқтисодий яккаҳукмронликни бозор муносабатларига тўсиқ деб ҳисоблаймиз. Аммо иқтисодий яккаҳукмронлик оқилона доирада бўлса, унинг ижобий томонлари ҳам бўлади. Классикларимиз: рақобат албатта монополияни келтириб чиқаради деб айтганлар. Монополия янги йирик тармоқ ва тармоқлараро тузукларнинг шакланишига олиб келади. Аммо сиёсий монополия иқтисодий монополиядан кўра хавфлироқ. Чунки у монополлашган ишлаб чиқаришни эмас, балки ўз қобиғида бикиниб қолишни, масъулиятсизликни, манманликни келтириб чиқаради. Буларнинг ҳаммасининг оқибати стагнация, ботқоқликдан бошқа нарса эмас. Амалда иқтисодиётни киши эмас, сўм (пул) бошқариши керак. Чунки, инсон — инсон-да, у қанчалик комил бўлмасин, субъективизмга, ноҳолисликка йўл қўяди. Сўм эса юзинг-рангинг демайди, ошна-оғайнигарчиликни, ота-болаликни билмайди.

Алқисса, бозор иқтисодиёти сиёсий монополияга барҳам беришга ҳам хизмат қилади. Қолаверса, бутун дунёга таралган ҳаётбахш шамоллар икки дарё оралиғига ҳам ёйилмай қолмайди. Чунки ҳеч бир маданият изсиз учиб кетмайди. Қадимги шарқ маданияти унсурлари бизнинг аҳлоқимизда, урф-одатларимизда, анъаналаримизда қолган.

ЯНГИ РУБРИКА:

Бўрибой АҲМЕДОВ:

Атоқли тарихшунос олимимиз, Беруний мукофоти соҳиби Бўрибой Аҳмедов шифохонада даволанаётган эканлар. У кишини янги йил билан қутлаб, бир-икки савол билан мурожаат қилдик.

АМИРНИНГ ҚИЛИЧИ ҚАЕРДА?

— Машҳур кишилар ҳаётидан ёзган «Улуғбек» эссенгиз она тарихимизни ўрганишга чанқоқ кишилар учун ажойиб туҳфа бўлган эди. Темур ҳақидаги китобингиз қачон чиқади?

— Ҳозир академик Галина Пугаченкова ва профессор Розия Муқминова билан ҳамкорликда «Моваройннаҳр»нинг Темур давридаги ҳаёти» деган рисола устида иш олиб боряпмиз. Бундан ташқари, «Амир Темур» деган эссе ёзиш ниятим ҳам бор. Ишнинг қийин ва машаққатли томони шундаки, Темур улуғ ва мураккаб шахс. У фақат Урта Осиё ва Шарқ тарихида эмас, балки Ғарб мамлакатлари тарихида ҳам муҳим аҳамият касб этган. Негаки, у Олтин Ўрдага 1391 ва 1395 йилларда қилган икки бор юриши туфайли Россиянинг Олтин Ўрда, мўғуллар зулмидан озод бўлишини 200—300 йил тезлаштирди. 1402 йили Анқарада Темур султони Боязидни енгиб, Болқон мамлакатларини усмонли турклар асоратидан қутқарди. Уни фақат боскинчи, золим деб таърифлаш жаҳонгирнинг буюклигини кўра олмасликдан келиб чиққан уйдирма, бирёқламаликдир.

Темурнинг Ўрта Осиё учун тутган ўрни эса беқиёс. У, биринчидан, бу юртда мўғул феодалларининг боскинчилигини тугатди. Иккинчидан, майда давлатчаларга бўлиниб, бир-бирини қиришларга барҳам берди. Бундай урушларнинг алоқаларнинг ривожланишига йўл очди.

Унинг Ҳиндистон ва Озарбойжон, Эрон, Араб мамлакатларига бўлган юришларига келсак, бу ўша даврнинг феодал давлатчилик сиёсати билан боғлиқ. Беклар ва амирлар мана шундай юришларни талаб қилар эдилар. Амалдорлар юрт босиб, бойишга ўрганиб қолишган. Агар уларнинг қорни шу йўсинда тўйғазиб турилмаса, давлатга хизмат қилмай қўярдилар. Миллатидан қатъий назар, ўша даврда ўтган барча феодал ҳукмдорлар шундай йўл тутишга мажбур бўлганлар. Ёзаётган асаримда буларнинг ҳаммасини кенгроқ қамраб олиш ниятидаман.

— Ўтган йили Темур мавзуи қайта юз очди. Тарихчи олим сифатида бу ҳол Сизни қувонтирадими?

— Темур кўп киррали буюк шахс эканини айтдик. Шунинг учун ҳам унинг ҳамма қирраларини тўкис ёзишимиз керак. Шу маънода ўтган йилларда бошланган ҳаракатни олдиндаги катта тадқиқотларнинг дебочаси дейиш мумкин. Яна бир истагим, Темур, бинобарин, ўтмиш тарихи ҳақидаги оддий мақоладан тортиб, катта тадқиқотларгача ҳаммаси тарихни биладиган ҳақиқий мутахассислар томонидан ёзилса. Бородин сингари тарихни сохталаштирувчиларнинг китобларидан андоза олинмаса, кўчирмакашлик қилинм

ЯНГИ РУБРИКА:

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Сиз нима дейсиз — бозор иқтисодида шеърнинг бозори касод бўлмасмикан! «Социалистик реализм»ни байроқ қилиб кўтарган адабиётшунослар хатоларига иқрор бўлишармикан — Сиз нима дейсиз!..

Хуллас, ғаройиб бир даврки, жавобдан кўра савол кўп. Замона зайли шундай: эски йилдан янгисига талай муаммолар «мерос» бўлиб ўтди. Янги йилда улар сони ошса ошадики, камайишига ишониш қийин. Начора, замон бизга боқмаса-да, биз унга пешвоз чиқиб, аччиқни аччиқ кесади, деганларидек, саволга савол билан жавоб топишга уриниб кўрмоқни ният қилдик. Ва янги — «Сиз нима дейсиз!» деб номланган рукнни адабиётимизнинг навқирон авлоди вакиллари билан қисқа мулоқотлардан бошладик.

Ҳар қалай, ижодкорлар бу йил ҳам фақат шеър ёки роман хаёли билангина яшай олмасликлари аниқ. Ёзувчилар азалдан эркка, ҳақиқий маънодаги сўз эркинлигига [ошкораликкагина эмас] ташна халқ. Бироқ бу борада ҳам ҳар бир ижодкорнинг ўз тошу тарозиси бор. Мана, ҳурматли муштарийлар, ўқиб, ўзингиз мулоҳаза юритинг!

Иброҳим ҲАҚҚУЛ:

«Мен сиёсатчи эмасман. Лекин сиёсат шундай нарсаки, унга аралашмасанг ҳам, у сени четда қолдирмайди».

МУХБИР:— Сиёсат қозонида қайнаган Адабиётнинг «самараси»ни кўриб турибсиз... Энди, сиздай фаол адабиётчининг сиёсий фаолиятга берилиб кетишингиздан танқидга зарар етмасмикан, балки бундан сиёсат наф кўрар?

И. ҲАҚҚУЛ (адабиётшунос, «Эрк» рўзномасининг муҳаррири):— Ҳар қандай сиёсий партия газетасига сиёсатчи муҳаррир бўлмоғи лозим, албатта. «Эрк» газетаси ҳозирча бундан мустасно. Сиёсат илм ва ижод кишиларини севимли меҳнатидан узоқлаштиргани таассуфли ҳол. Чунки, қандай изоҳланишидан қатъий назар, ундай ёзувчи, шоир ёки олимнинг дилидан Шайтон эркин қўниб, учмоққа қўналга топган бўлади. Ва уларни «аҳли маъни»дан кўра, «аҳли суврат»га маслакдош ҳисоблайверинг. Бу дунё ўзи кенглигини, илоҳий осудалигини айтарли бой бериб бўлган. Сиёсат уни янада торайтиради, нохушроқ ва зерикарлироқ ҳодисотларга маҳкум этади. «Эрк» демократик партиясида сиёсатни маърифат ва миллий руҳ бошқармаганида, унинг рўзномасида узоқ ишламасдим. Наҳотки, эркин ва мустақил Ватанда яшашни истамайсиз? Ватан ва халқ қисматида ўзгариш бўлиши мумкин бир вазиятда наҳотки «ўз иши» билан шуғулланишдан нарига ўтмасликка Руҳ кўнса? Истангистаманг, сиёсат билан юзма-юз келишга мажбурсиз. Ахир Нодирабегим ҳам:

Мақсад на эди жаҳона келдинг?

Кайфиятини баён этиб кет,—

деганлар-ку! Бу ҳам сиёсат. Қолаверса, сиёсат «қозони»да, адабиётники осмонда қайнамайди. Тўғри, сиёсат «қозони»да қайнаган адабиёт санъат тури сифатида ўз қадрати ва хусусиятларидан ажралади. Наинки, адабиёт, адабий танқид учун ҳам бундан ортиқ буҳрон йўқ. Афсуски, фожиалар юзага қалқиган замонамизда ана шундай фожиага ҳам гувоҳ бўлиб турибмиз. Журъат ва жасорат билан ёзилган асарлар чиқаётир деб қувонишади. Фавқулодда қувончли томони йўқ. Ҳокимият ва сиёсатнинг «фотиҳа» беришини кутмоқ адабиёт феълига тўғри келмайди. Бу — салтанат пойига бош урмаса, қалами тебранмайдиган хушомадгўй, мукофотсевар ижодкорларга хос собирлик. Тоталитар тузум ёзувчи, шоир, олим, санъаткорни ҳам сиёсат «тегирмони»га сув қуймоққа мажбур қилиб келди. Бу ишга ҳисса қўшмаган ижодкорлар четга сурилди ёки душман, деб эълон қилинди. Тоталитар давлатнинг парчаланиб яксон бўлаётгани рост бўлсин. Акс ҳолда тўни ўзгариб, қомати сал тикланган ўша адабиёт, ўша танқид сиёсат ортидан лўкиллашда давом этаверади.

МУХБИР:— «Янги концепция» қидираётганлар нимани излашяпти? Увадаси чиқиб қолган методологияни инкор этиб, жами ижодкорга бирранг янги тўн бичишга эҳтиёж борми? Мен эса орзу қиламан, Сизнинг ўз концепциянгиз бўлса, менинг ўз.., унинг ўз...

И. ҲАҚҚУЛ:— Айтишларича, қадим юнон олимларидан бири тунда осмон ёритқичларини кузатгани чиқибди. Қарангки, оёғи остига боқмасдан қудуққа тушиб кетибди. Шунда хизматкори унга: «Сен оёғинг остидагини кўрмайсану, осмонда нимани кўрардинг?» — деган экан. Марксизм-ленинизм таълимотини адабий танқиднинг «йўлчи юлдузи», танқидий тафаккур «тараққиёти»нинг бош манбаи ва мезони, деб юрган адабиётшунос ҳамда мунаққидларнинг аҳволи ўша юнон олиминикига яқин бўлиб қолди. Энг ибратли сабоқ — ўзинг бош қўшган хатолардан чиқариб олган хулосанг. Яқин йилларда дея олмайман, бироқ ўзбек адабий танқиди ва адабиётшунослигида тубдан янгиланиш бўлажак. Албатта, бунинг учун методологияга муносабатни тубдан ўзгартириш керак. Мазкур методологиянинг ҳаётбахшлигидан баҳс юритиб келган олимлар, ҳеч бўлмаганда, адабиёт илми тараққиётига етказган зиёнлари ҳақида ҳам гапирсалар, бу — олимлик виждонига мувофиқ иш бўлур эди.

Янги илмий-назарий «концепция» қидиришни, умуман, маъқуллаш лозим. Бироқ бундай даъвони илгари сураётганларнинг ўзлари уни аниқ тасаввур қила оладилар, дейиш қийин. Ҳамманинг бошини яна «бир охур»га тиқадиган «концепция»нинг асло ҳожати йўқ. Танқид ижодий, маъруфий, фалсафий ишга айланса, у бадиий матн таркиби ва қонуниятларини текширса шубҳасиз, ҳар бир мунаққиднинг истеъдод имконияти ва ўзига хос таҳлил услуби ёрқин намоён бўлади.

Шавкат РАҲМОН:

«Мен кимман,
нимаман,
баҳайбат қуртдай
ўрмалаб ўтарман
замон тошидан,
бутун борлиғи-ла хом
ашё юртда
мен ҳам одамзотнинг
хом ашёсиман».

МУХБИР:— Юқоридаги сатрларингизни такрор-такрор ўқидим. Маҳзун кайфиятнинг боисини сўрашга ботинолмай турибман...

Ш. РАҲМОН:— Бир-икки бор раъйингизни қайтарувдим, майли, сазангиз ўлмасин, аслида, суҳбатлашадиган кайфиятдамасман, адабиёт, адабиёт ясаётган ижодкорлар ҳақида анчадан буён ўйламай қўйдим. Ўш воқеаларидан кейин сиёсатгаям, сиёсатнинг катта-кичик пешволаригаям шубҳа билан қарайдиган бўлдим. Дастлабки йилларда рухсатсиз йиғилган оломон террор қилинарди, Ўшда эса рухсат билан йиғилган оломон қатағон қилинди. Айтинг-чи, бесамар юриш оқибати — афғон жароҳати ҳали азоб бериб турганда, бугун ўз фуқароларига қурол ўқталган салтанатга ишонмасликка ҳақим борми? Ўш фожиаларини энг тепадагилар олдиндан билмаганини менга исбот қилиб беринг... Қайсарлигимга қарамай, ноҳақ бўлсам, борса келмасгаям бориб кечирим сўраб келадиганманман бор. Кечагина Ўшдан беш-олти оқсоқол келиб расмий идорамиз девонбегисидан «Ўш бошқа республикага қарайди. Андижондан келганларни раҳбаримиз қабул қилиши мумкин», деган гапни эшитиб кетди. Шулар ичида тоғда ари боқадиган уч ўғлини олти ой қидириб, учаласининг бир боғлам суягини топиб, адойи тамом бўлган Сулаймонжон ака бир тишлам нон кавшаб туриб, ёмон йиғлади. «Қотилларни олти ой деганда ўзим ушладим,— дейди, — Масковгача бордим, иш тўққизта терговчи орасида сарсон бўлди, бунақа ўйинни кўрмаганман». Фарғона фожиаларидан кейин ҳукуматга нафрати кучайган фарғоналикларга бу йил ўшликлар қўшилди. Эртага қайси вилоят аҳолиси қўшиларкан? Буни ёлғиз худо билан олий пешволар билади. Еримизда ибратли фуқаролар эмас, мужоҳидлар ундиришга «астойдил киришганлар» мақсадларига етади, илло, ҳар ким экканини ўради, интилганига етади, демишлар улуғлар.

МУХБИР:— Бугунги ҳаёт мисоли буҳрон. Эртанги кунга нима қолади?

Ш. РАҲМОН:— Охирги шеърни қачон ёзувдим, билмайман олти ойда «дарё бўйларида ётиб йиғларман», деган биргина сатр бехосдан тилимга тушди. Кўп шеър келди, селдай келди, ёзмадим, кўз ёшни, ичкаридан узилган бир лахтак ёвуз товушни қандай ичга ютган бўлсам, шеърниям шундай ютдим. Ҳеч қачон имон ҳақида, инсон ҳақида, сиёсат билан аралашиб кетган жиноят ҳақида бунчалик қаттиқ ўйлаганим эмасман. Олти йилдан буён конституциядаги 6-модданинг олиниши, озгина ошкораликни ҳисобга олмаганда ҳаётимизда қандай муборак ўзгаришлар бўлди? Наполеон «хаёлчилар инқилобни тайёрлайди, жаллодлар амалга оширади, муттаҳамлар ҳузурини кўради», деганида доҳийлигини намоён қилган эди. Ҳар қандай инқилоб, агар у манъанавият ривожига хизмат этмаса, зарарлидир. Бу — инсонпарварликдан бошқа бирор мафкуранинг қонли этакларини ушламаган шеъриятнинг шиоридир. Қайта қуриш бўладими, қайта бузиш бўладими, барибир, фақат мангуликка хизмат қиладиган, адолатга хизмат қиладиган баланд шеърият борлигини, қолажагини биламан.

МУХБИР:— Ижодни йиғиштириб, «Халқ учун!», «Ватан учун!» курашга бел боғлаганлар ҳам, бундай курашдан четда, «Ёзувчининг иши — асар ёзиш!» деган ақидани маҳкам тутганлар ҳам ҳар бири ўзича ҳақ бўлиши мумкин, зеро, ҳар кимнинг кўнгли — ўзига подшо, деган гап бор...

Ш. РАҲМОН:— Бугунги иқтисодий, сиёсий, маънавий аҳволимиз ҳаммага аён, буларни яна бир бор санаш ортиқча. Халқимизнинг кўзлари юмилмайдиган даражада очилган, фақат уни шу аҳволда кўчага обчиқиш қимматга тушади, халқни кўчага бошлаб қўйиб, ўзлари ғойиб бўладиганларни биламан, бу шубҳали тоифа ҳақида гаплашмайлик. Кўчага Болтиқбўйи фуқаролари чиқсин, йиғин маданияти уларда кучли. Ўзбеклар ҳеч қачон оммавий йиғинлар билан мустақилликка эришолмайди: кўп қон тўкилиши мумкин. Ўтган йили ёзган шеъримда

Мен кимман, нимаман,
баҳайбат қуртдай
ўрмалаб ўтарман замон тошидан,
бутун борлиғи-ла хом ашё юртда
мен ҳам одамзотнинг хом ашёсиман —

деганимда қисман ҳақ эканимни тан олинг. Бугун ижодини четга суриб, сиёсат билан шуғулланаётган ижодкорларнинг ҳалолларига раҳмат айтиш керак. Катта мақсад йўлида беғараз бўла билиш ҳамманинг қўлидан келавермайди. Хуллас, сиёсат ўйин эмас, қўлидан келганлар шуғулласин, дегим келади-ю, аммо бугун сиёсатдан ташқарида турган одамни менга кўрсатоласизми?.. Фақат кўпчилик ҳукуматга ишончини йўқотди. Биргина мисол: мустақиллик эълон қилган жумҳуриятларнинг аҳволига бир қаранг. Суверенитет давлатнинг сиёсий эркинлигини, ички ва ташқи сиёсатидаги тўла мустақилликни ифодалайдиган тушунча. Эндиликда суверенитети тан олиниши керак бўлган жумҳуриятларни қайтадан суверен республикалар федерациясига (конфедерация ҳам эмас) ҳайдаб киритиш, янги иттифоқ шартномаси билан кишанлаб қўйиш халқларнинг мустақиллигидан чўчийдиганларнинг навбатдаги найрангидир.

Тоғай МУРОД:

«Ёзувчи халққа «ура-ура» гаплари билан эмас, ўз асарлари билан хизмат қилмоғи керак».

(Тоғай Мурод билан мулоқотга чоғланиб, саволларни олдиндан ҳозирлаб қўйгандим. Бироқ ёзувчи ҳадеганда «қолишга» тушавермади — унинг интервью беришга тажрибасизлиги бундай имконнятдан усталик билан фойдаланиб қоладиган айрим ижодкорлар тоифасидан эмаслигини кўрсатди. Мен, унга: турғунлик даврида фаолдингиз, анчадан бери «тинчиб кетдингиз», қанча гаплар юлаяпти, бирор нима дегингиз келмаяптими, дедим. Бироз ўйланиб, аввалига унча қовуштирмай, кейин жонланиб, равон гапира кетди. Улгурганимча ёзиб олдим. Марҳамат ўқинг. МУХБИР.)

— Ҳозир шундай бир давр келди: китобхоннинг ҳам, ёзувчиларнинг ҳам ердан оёғи узилган пайт. Ким минбарга чиқиб бақирса, ким иккита мақола ёзиб, шовшув қилса, шу актив ҳисобланади.

Шеър, асар ёзиб, халқ орасига кира олмаётганларнинг куни туғди — қайта қуриш бошланиб қолди. Уларнинг дарди Орол ҳам, пахта ҳам, халқ ҳам эмас, уларнинг дарди — мансаб, карьера. Мақола ёзиб адабиётга кирмайдилар, мақола ёзиб журналист бўлиш мумкин, Ёзувчи асари билан адабиётни эгаллайди. Ўша бақириб-чақириб юрганлар ҳам анча нарсага эга бўлишди, ҳа-ҳа, шундай. Бироқ Адабиёт қасрига кира олмадилар. Номлари чиқди, халқдан сўрасангиз: ҳа, яхши, ўткир мақолалари бор, дейишади. Лекин халқ на шеър, на ҳикоя, на қиссасини ўқиган.

Рабиндранат Тагор айтмиш Адабиёт — бу улкан бир қаср, демакдир. Улкан қасрнинг эса дарвозаси ҳамиша битта бўлади. Бу дарвозадан ҳамма ҳар хил йўл билан киради. Лекин кира олмай қолувчилар ҳам жуда кўп бўлади. Булар аламидан ана шу қаср теварагида шовқин солиб, «ура-ура» қилиб юради. Олисдан қараган одам бу улуғ қасрнинг эгалари шу бақироқлар, деб ўйлайди. Аслида эса булар адабиёт дея аталмиш кўҳна қасрнинг дарвозасини топа олмай юрган аламзадалардир.

Адабиёт қасрини қандай забт этса бўлади? Адабиёт дарвозасидан қандай кирса бўлади? Асл ижодкорлар Адабиёт қасрини ўз асари билан забт этади. Пиримқул Қодиров 32 ёшида «Уч илдиз» романи билан адабиётни эгаллади. Саид Аҳмад 26 ёшида «Уфқ»нинг биринчи китоби билан адабиётни олди, Одил Ёқубов «Муқаддас» қиссасини ёзганда ҳали 30 ёшга ҳам тўлмаган эди, Ўлмас Умарбеков 25 ёшда «Севгим, севгилим» номли гўзал қисса яратди...

Биз эса 40 — 50 ни уриб қўйдик. Ҳали мана шу оқсоқолларнинг битта ҳам асарини яратолганимиз йўқ. Шундоқ кетаверсак яратолмасак ҳам керак. Чунки вақт қайтиб келмайди. Биз эса худди мана шу оқсоқолларга муносиб ўринбосар бўлиш ўрнига, худди мана шу оқсоқолларимиз устидан кулиб умримиз ўтаяпти, бурнимизни жийириб умримиз ўтаяпти, ҳали бир ишни қилиб қўймасдан турибоқ мана шу оқсоқолларни бир бурчакка суриб қўйиш пайида бўлаяпмиз. Шу оқсоқоллар билан ўзимизни тенг қўймоқчи бўлаяпмиз; ҳатто улар ўтирмиш мансабларни эгаллаш йўлини ўйлаяпмиз. Гўё шу мансабларни эгалласак, ўзимизча, катта ёзувчи бўлиб қоламиз.

Ўзимга келсак, мени ана шу оқсоқоллар қўлимдан етаклаб, адабиётга олиб келган, оқ йўллар, сўзбошилар ёзган, жайдарича қилиб айтганда, оғзимга тупурган, яъни мен уста кўрган шогирдман. Шундай экан, мен фақат асар ёзиш билан машғулман.

Хўш... Сетон-Томпсонни таржима қилдим. «Ёввойи йўрға» асарини. Ҳар қалай тўрт томонга югургандан кўра бу керак, бу — савоб иш. Янги романимни ёзиб битирдим. Номи «Отамдан қолган далалар». Романга материал йиғиш учун олти ой Сурхондарёга бориб, деҳқонлар билан ишлаб келдим. Деҳқоннинг бор фожиа, қувонч ва ташвишларини ўз кўзим билан кўриб келдим. Асар Улуғ Октябрь инқилобидан буён тонгдан шомгача кетмон чопиб, косаси оқармаган ўзбек деҳқони ҳақида. Ҳадемай бирор-бир матбуотга олиб бораман романни.

Шу кунларда бир қисса ёзаяпман, шу кун мавзуида. Қисса тугагач, фаранг адабиётининг энг яхши романи бўлмиш Виктор Гюгонинг «Хўрланганлар» асарини таржима қилишга ўтираман. Бу ҳақда нашриёт билан гапни бир жойга қўйдик.

«Мақсад бор, бироқ унга элтадиган йўл йўқ. Биз йўл деб атаётган нарса беқарорлик, холос».

Ф. КАФКА

ШАХСИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

ЗИДДИЯТЛАР ЧОРРАҲАСИДА

ЕХУД ШУБҲАНИНГ НАФИ ҲАҚИДА

АВСТРИЯДА XX аср бошида яшаб ўтган ёзувчи бу гапни совет воқелигини ёки қайта қуришни назарда тутиб айтмаган, қолаверса, Кафканинг бу сўзини бирор-бир алоҳида тарихий ё хусусий ҳодиса га нисбатан қўллаб, хулоса чиқариш башоратни жўн фикрга айлантириш билан баробар. У барча замонлар ва халқларнинг ЙЎЛИ ҳақида айтган башоратдан зинҳор қайта қуришга соя тушмайди, тушган тақдирда ҳам бу — тозартирувчи нурли соядир. Дарҳақиқат, шубҳага ўрин бор, зеро, восита сифатида қўлланиши кўзда тутилган қайта қуриш бош мақсадга айланиб бораяпти...

Менингча, умуман, ҳар бир инсон шубҳа-гумон ҳуқукидан бенасиб қолмагани маъқул, чунки инсонга хос бу туйғу «ғоя», «идеал» каби кўпроқ эртакка мойил тушунчалар ўрнини эгалласа ёмон бўлмайди, шунда одам алдаш ва алданишдан ўзини муҳофаза этган бўларди, деб ўйлайман. Буюк шубҳа ва тенгсиз гумонлардан юзага келган ғаройиб башоратлар соҳиби Кафкадан сўз очганимнинг боиси бор. Қуйидаги фикр ҳам шу бахтсиз адибга тегишли: «Инсоннинг ожизлиги унинг курашиб енга олишга қодирсизлигида эмас, балки минг машаққат билан эришган ғалабасидан баҳраманд бўлишга ноқобиллигидадир». Ҳа, ҳар етмиш йилда инқилоб хуружи билан ёниб, порлоқ келажак хаёлига берилувчан халқ курашчан Сизифнинг бесамар уринишлари ҳақидаги ривоятни амалда кўрсатиши ҳеч гап эмас. Ё нотўғрими?..

Умуман, шубҳага ҳақим борми? Умуман, бизга шундай ҳуқуқ берилганми? Гумон билан караш иқтиродидан бенасиб бўлиб қолмаганмизми? Келинг, бир иккиланиб ҳам кўрайлик-чи.

Советлар мамлакати ва совет халқигагина хос йўлдан кетаяпмиз: назоратни кучайтириб — демократия сари, тартиб-интизомни мустаҳкамлаб — озодлик томон. Олға!? Буйрук ва таҳдидга асосланган идора усули совет халқига умуман эрк бериш лозимлигини тан олаётир, бироқ айни пайтда интизом шарт, деб ҳисоблайди. Халқнинг фикри ҳам шундай: ишкилиб, тинчлик бўлсин! Шаклантирилган онг меваси! «Сабр-бардошли бўлайлик, вақт-вақти билан ҳаммаси амалга ошади!» Етмиш йил турли тўсиқлар билан олишиб, тақиқларга бардош берган совет фуқароси яна озроқ кутса кутибди-да. Чунки, «халқ ҳали етилгани йўқ», «уларга эрк берсанг, ит эгасини танимай қолади».

Ҳақиқий сўз эркинлиги тушига ҳам кирмаган, ошкораликдан ақли шошган зиёли қайта қуришдан юраги ёрилгудай. Ўпкангизни босинг, сизни ҳам, Чўлпонни ҳам, Фитратни ҳам кўзига суртиб ўқийдиган халқ ҳали пайдо бўлмаган. Қачон пайдо бўлади? «Ишкилиб тинчлик бўлсин, қолгани бир гап бўлар». Бундай онг билан «Фавқулодда ҳолат»ларга кўникиш осон, бу — ўша тиланган тилакнинг ижобати. Бундай онг билан бошқа бирор мамлакат халқига насиб этмаган ўзгача демократия ва ўзгача эрк инъом этилишини кутишнинг завқи ўзгача. Ахир, биз ҳамиша юксак мақсадни кўзлаймиз, унга элтадиган йўлни ҳам йўқ жойдан ахтариб топамиз.

Миршабча тартиб-интизом озодликка олиб бормайди, бундай барқарорлик кимматга тушади, бу охир-оқибат миллатни таназзулга олиб бориши мумкин. Сурункали қарамлик шароитида бирор-бир халқ етилмайди. Бу исбот талаб этмайдиган ҳақиқатлардир. Чунки ҳеч бир мамлакат халқи демократияга, озодликка резинали таёқлар билан кузатиб қўйилмаган, «Халқнинг етилмагани», «совет фуқароларининг демократияга тайёр эмаслиги» пуч даъволар, холос. **Жамият тағин зиддиятлар чорраҳасида.**

Чорраҳада туриб қараган одам, кўнглини гумон тарк этмаган бўлса, тоталитар жамият кўчалари бирбирига нақадар ўхшашлигини кузатиши осон кечади. Хусусан, кўча бошида туриб адоғини кўрса бўлади. Халқ, Миллат, Иттифоқ ҳақидаги бугунги мавҳум қонунлар орқали мавҳум ҳуқуқий давлат сари ҳаракат шундан далолат бермайдими?..

Аслида бундай ҳодисалар замирида инсонни жамоа орқали идора қилиш, колективни инсондан устун қўйишдан манфаатдор бошқарув усули ҳукм суради. Ва, табиийки, бундай шароитда совет фуқаросининг маънавий дунёсини **давлат маданияти** белгилайди, яъни ўша — шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият. Йўқ, мен турғунлик даври маданияти ҳақида эмас, эртанги кун маданиятини назарда тутиб гапираяпман. Чунки биз кечаги кунни ортмоқлаб олиб, келажакка йўл олган одамлармиз. Чунки биз ошкоралик саҳнасига турғунлик даврининг лойига ботган этикларни судраб кириб келдик.

Марказда чиқиб турган адабий-бадиий нашрларни кузатганда, социалистик реализмга кафан бичаётганларнинг даргазаб севинчидан ҳайратга тушасан. Партия, ҳукумат санъатчи, адабиётчиларнинг кўлини бўш қўйиш билан биз ҳали ўзимизга келишимиз қийин. Чунки, «Социалистик реализм» ўлди!», «Совет адабиёти», «Қардош халқлар адабиёти» — тўқиб чиқарилган уйдирмалар!» деган қатъий ҳукмлар кўнгилга шубҳа солади. Бу тушунчаларнинг моҳиятидаги ёлғон эмас, уларни инкор этаётган ҳайқириқлардаги ҳайбат, важоҳат ўйлатади. Ҳарқалай, бир пайтлар Октябргача бўлган адабиётни рад этган қизил қаламчиларнинг авлодимиз-да. Рад этганда ҳам, маъқуллаганда ҳам тилимиз қиличнинг дамидай. Ҳа, бундай илкис ҳаракатларнинг узоқ тарихи, туб сабаблари бор. Бадиий зиёлиларнинг ижтимоийлашиб кетган онгига Белинскийдан тортиб бугунги куннинг энг ёш адабиётчисигача — неча авлод меҳнати сингган. Эркин бадиий тафаккурга изн бериш тулпорни тушовдан бўшатишдай оддий хоҳишистак билан амалга ошиб қолмайди. Биз ичимиздаги девни бир ёқли қилгунча адабиётнинг эмас, социалистик реализмнинг мухиблари бўлиб қолаверамиз. Чунки биз фош этиш, очиб ташлаш машқини олганмиз, энди имкон туғилгач, партия, ҳукуматга қалам ўқталиб, тегирмон билан олишишга шай турган дон-кихотлармиз. Демак, хомтама бўлмайлик, социалистик реализм айрим олимлар бичаётган кафанларнинг ҳали нечтасини кийиб-йиртади. Совет адабиёти хрестоматияси ҳали кўп варақланади. Чунки биз тафаккурда эмас, устбошимизда ўзгариш ясаяпмиз, холос. Чунки партия сафига кираётган эмас, ундан чиқаётганини билдириб қўйишни лозим, деб ўйлаётганлар тоталитар жамиятнинг бориб турган меросхўрларидир. Чунки улар туморсиз, бутсиз, санам сиз яшай олмайдилар.

БУЮК САЛТАНАТ парчаланса, салтанатчалар пайдо бўлса, табиийки, бадиий зиёлиларнинг ижтимоийлашган онги энди миллий туйғулар гирдобига тортилади. Бир Мафкура бошқачаси билан алмашинади, партия билетини топшириб намоз ўқиётгани билан мақтангани каби, «Коммуна» деган бут жойини «Миллат» деган тумор эгаллайди. Сиғиниш давом этади ва бу «миллий уйғониш», «миллатни уйғотиш», дея оқланади. Адабиёт янги мафкура меҳробининг пойида қолиб кетаверади. Миллий уйғониш юз берган тақдирда эса бу муқаддас жараённи мафкуралаштиришдан асраш, ҳаракатни эшикдаги ёзувнигина ўзгартирган ичкаридаги эски бошлиқлар қўлига ўтиб кетишдан сақлаш лозим бўлади. Чиқаётган юзлаб шеърларда «уйғониш»ни сезиб турибман, бироқ шоир кўринмайди. Кимдир, қачондир ичингизга кириб олиб, ҳамон эски ашуласини хиргойи қилаётгандай.

Эскилиги шундаки, бу ашулани жамоа бўлиб куйлаяпмиз, унда коллектив онг зуҳур. Жўр бўлиб халққа хизмат қилиш давом этаётир. Маданиятга хизматчи? Таниқли шоирларга сероб ўзбек адабиётининг **керакли, зарур** шоирларга эҳтиёжи катта. «Санъат — санъат учун», деган, 70 йил қарғаб келинган ҳикматни чуқур англайдиган шоирга талаб кучли. Халқ унақа шеърларни тушунмайди, ҳали савия паст, дейсизми? Унда эски ашулани хиргойи қилаверинг, халқ ҳам бир жойда депсиниб тураверсин. Аслида ҳам шундай — зиддиятлар чорраҳасининг бекати битта — чорасизлик. Боши берк кўчадан чиқишнинг йўли ҳам битта — ортга қайтиш ва янги йўл топиш. Ҳозирги адабий жараённинг таназзули шундан, танқиднинг таназзули ҳам.

Аҳмад ОТАБОЕВ

АДАБИЙ ТАНҚИД — 1991?

Норбой Худойберганов, Салоҳиддин Мамажонов, Умарали Норматов, Озод Шарофиддинов.

Ушбу байрам ҳазиллари ни ҳаваскор рассом Т. ҲАЙДАРОВ чизган.

АДИБ АНДИШАСИ

Яқинда автобусга чиқиб шундай ёзувга кўзим тушди: «Ҳурмат қилсанг, иззат кўрасан. Кексалар ва болали аёлларга жой берилсин!» Яхши даъват! Бу ёзувни ўриндиқда ўтирган ўн икки яшар қизалоқ ҳам ўқиб борарди. Бир пайт бир қўлида чақалоғи, иккинчи қўлида тугуни билан сочларига оқ оралаган аёл автобусга чиқиб атрофга кўз югуртирди, бахтга қарши ўриндиқлар банд эди. Мен ҳалиги қизалоққа қайрилиб қарадим, бироқ у юзини кўча томон ўгирганча кўзларини чирт юмиб олганди. Хуллас, болали аёлга бошқа бир ўрта яшар аёл жой берди. У кўзларини юмиб олган қизалоққа нафрат билан узоқ қараб турди, нимадир дея пичирлаган бўлди. Ҳар ҳолда сени тарбия қилаётган ота-онангга раҳмат, демаган бўлса керак.

Бу воқеани кузатиб туриб, ўзбек халқининг ифтихори бўлган ажойиб инсоннинг ажойиб фазилати ёдимга тушди. Шу лаҳза дилимдан кечди: Бечора Абдулла акам! Қабринг нурга тўлсин!

Биз Абдулла Қодирий билан Эски Жўвадаги мактабдан «Меҳробдан чаён» романинг корректурасини олиб, адибнинг Тахтапулдаги дўстлари Абдуваҳоб аканикига меҳмонга бирга жўнадик.

Эски Жўва яқинидаги бекатдан трамвайга тушганимиз ҳамон ёдимда. Ўшанда, чамамда, Себзордаги бекатдан бир кекса одам чиқиши биланоқ Абдулла акам ўринларидан илдам турдилар, мен ҳам энди тушсак керак, деб ўрнимдан турдим, чунки етиб келдик шекилли, деб ўйлагандим. Бироқ Тахтапул олис эди. Кейин билсам, Абдулла акам ҳалиги йўловчи чол истиҳола тортмасин учун шу лаҳза бекатда тушадиган одам сифат ҳаракат қилган эканлар.

Абдулла ака бир куни бозор айланиб растада «Ўтган кунлар» романини кўриб қолди, китобнинг баҳосини сўради. Сотувчи китобнинг баҳосини бир неча баравар ортиқ айтиб, асарни мақтай кетади. Бироқ Абдулла ака савдолашмай ўтиб кета берадилар. Шу пайт, кимдир, ахир, бу киши сиз мақтаган китобни ёзган Абдулла Қодирий-ку, деган ҳамоно ҳалиги китобфуруш адиб орқасидан чопиб, пул бермасаям китобни тақдим этмоқчи эканини айтади. Аммо ўшанда бошқа бир адиб бўлганда асарни ўзи ёзганини айтиши мумкин эди-да!

Бир куни Абдулла акамни кўргани курсдошим Ғулом Сайдивали билан Эшонгузардаги уйларида меҳмон бўлдик. Шунда курсдошимнинг етим экани, ётоқда яшаши, ҳеч кими йўқлигини билган Абдулла ака бизни кузатаётиб, мен билан бирга кетаётган курсдошимни чақириб қолдилар. Ғулом орқага қайтиб, сўнг менинг ёнимга хурсанд келди. Қўлида бир червон! Ўша кезларда ўн пуд буғдойнинг пули! Дарҳақиқат, хайрия, ёрдамнинг пинҳонийлиги афзал, дейдилар. Андишали, саховатли адиб ўша пулни менинг олдимда беришни андиша қилган; адибнинг бу фазилати ҳам ғоят ибратлидир. Бундай улуғ инсоний фазилатлар қодирийлар оиласига хос хусусият бўлганини бу оилани яқиндан билган кишилар тўла-тўкис тасдиқлашлари мумкин.

Ҳа, тарбия уйдан, оиладан бошланади. Агарда кўчадан бошланганида эди, автобусдаги ўша қизалоқ одобахлоққа даъват этган автобусдаги ёзувга амал қилган бўлар эди.

Раҳмат АЗИЗХЎЖАЕВ

ЯНГИ РУБРИКА:

ҚАРИНДОШИМ, ҚУШНИМ, ҚАРДОШИМ

МАНАС тайёрагоҳи.

Қирғизнинг туб жойи Етти Ўғуз билан Тасма дарёларини, маънавий уйғонишга зориққан миллатнинг чўнг тарихини бирга қадрлаш, инсон тафаккурининг беқиёс жозибаларига имон келтириш учун, Тоголок Молдо маъракаси баҳона, бир ёғи Қобордин-Болқору бир ёғи Хакасиядан, бир ёғи Бошқирдистону бир ёғи Бурятиядан, бир ёғи Украинаю бир ёғи Московдан, бир ёғи Ленинграду бир ёғи Ўзбекистондан, бир ёғи Тожикистону бир ёғи Қорақалпоғистондан, бир ёғи Қозоғистону яна аллақайлардан қўноқлар-шоирлар, адиблар, драматурглар, таржимонлар, манасшунослар ташриф буюрдилар. Ўртада нечанеча тоғ, довон, ўпқон, чўл, саҳро, денгиз, кўл, ўрмон ётибди. Лекин кўнгли яқинга, маданиятлари эмиқдошга, бир Одам Атою Момо Ҳавонинг болаларига табиий тўсиқлар сарҳад бўлолмас экан. Қолаверса, лисонлар, адабиётлар, қўшиқлар амри олийларсиз ҳам борди-келди қилавераді. Уларни Оллоҳнинг ўзи ажратмаса, ҳеч ким ажрата олмас.

...Сунбула чиққан, мезон кирган эса-да, кўк артиб қўйган ойнадай. Сур булутлар қалин туман чалиб ётган Хонтангридан қадимги Пишпекка етиб келмаган ҳали. Хассос табиат ранг олдирмай, ёзнинг сўнгги латофатларини алланечук қизғанчиқлик билан яшил кафтларида тутиб тургандек. Умуман, қирғизнинг табиати қизиқ, расмий жадвалларга сиғмайди. Бу ерда бир вақтнинг ўзида гоҳо тўрт фаслни учратиш мумкин: устарадай ўткир музликлар, лолалар олови хандон яйловлар, оқ ўриклар пишган водийлар, заъфарон қумликлар...

— Кетдик қалъага! — лутф қилишди мезбонлар. — Авваломбор айтиб қўяйлик: Москов деган Россия дегани эмас, Фрунзе дегани Қирғизистон дегани эмас. Адашганнинг айби йўқ. Пойтахтимизни аташда бир хомлик қилган эканмиз. Бу хатони яқин орада тўғриласак керак. Ахир, «Оржоникидзе»ни «Владикавказ» қилишди-ку! Осетиндан нимаси кам қирғизнинг?!

Армонсиз халқ йўқ дунёда. «Айта берса, армон кўп», дейди қирғиз. Ахир «Манас»ни юзага чиқаришнинг, аймоқларга тақдим этишнинг ўзи бўладими?! Манаснинг ҳар бир тирноғидан кир қидирдилар. Гўё ўтмишни таъмирловчи, эл-элатларга адоват уруғларини сочувчи асармиш бу эпос. Тавба! Тўрт қиличнинг учида турган тахтни битта «Манас» билан чил-парчин қилиб бўлармишми?! Шунинг ўзиёқ ҳокимларнинг муваққатлигини билдирмайдими! «Манас»нинг бошига ҳам «Алпомиш»нинг куни тушди. Иккаласини ҳам узоқ йиллар қатағон қилдилар. Ҳолбуки, «Манас» — қирғизнинг номуси ва қомуси. Унинг шажараси ва шижоати. Унинг тарихи ва тақдири.

Мен Тўқтағул Сотилғонов номи ила аталган Қирғизистон давлат филармонияси саҳнидаги Манас тимсолига таъзим адо этарканман, ёзиқ хаёлларимдан ана шу сўроқлар ўтди. Қирғиз ҳайкалтароши Турғунбой Содиқов мужассам қилган сарбаст Манас Оққула устида танасига ёпишган аждаҳони пора-пора айлаётир. Пойда ўсган тўрт машҳури жаҳон манасчи: Саяқбой Қоралаев, Соғимбой Урозбак ўғли, Жопи ўғли Тинибек ва Балиқ ўғли Найманбой ҳайкалчалари. Улар қўмуз чертиб, Манас ботирнинг донғини Талас ва Чуй водийларига, виқорли тоғлар ва кўм-кўк ўтлоқларга ёймоқда гўё.

«Алпомиш»дан «Манас»га салом! — дедим ўзимча.

Кейин кўнглимдан ажиб фикрлар кечди. «Алпомиш» Фозил Йўлдош ўғлидан уч ярим ойда ёзиб олинган бўлса, «Манас»ни Соғимбой Урозбак тилида хатга туширишга тўрт йил сарф бўлган. Биринчиси — 946 саҳифа, иккинчиси — 100 минг саҳифадан ҳам зиёд. Чингиз Айтматовнинг бош таҳририятида чоп этилган беш жилдли «Манас»нинг мухтасар нусхаси ўзи 150 босма тобоқ. Ярим миллион мисра. Уни бутунича ўқиш янги авлодларга насиб этар. Бинобарин, «Манас»га қиёсан «Алпомиш» дарё билан жилғадай. Лекин шуниси шоён диққатга лойиқки, ҳар икки ўлмас адабий ёдгорликнинг муштарак жиҳатлари, бадиий чатишмалари кўп. Негаки, иккови ҳам Ўрта Осиёнинг муқаддас мулки, туркий улуснинг бебаҳо ганжинаси.

Манаснинг руҳи олдида юзимиз шувут, кўнглимиз ғариб бўлиб турар, улуғ аждодга осийлигимиз учун ифтихор-ла боқолмас эдик. Ўз ворисларини тергов қилаётгандай қаҳр сочиб турарди:

— Ой-ой, балдар! Ой балдар! Қорасувдан қаймоқ олганнинг иғволарига учиб нетиб қўйдинглар, жин чалдими сизларни, қуш қонига тўйдинглар. Манжу зиндон қилганда, қирқ жўра буни билганда, Анжияндан Алибек, Марғинондан Маллабек, Қўқондан айри соқол Санжибек қаватига кириб, мени халос этганди-ку, тўй бўлиб кетганди-ку?! Шуми энди оқибат. Қани тўрам Семетей, ўзбекнинг томирдоши, энаси қариндоши?

Мен ичимда шеър тўқирдим.

Қирқ жўрага қилсак хиёнат,
Алп Манаснинг арвоҳи урсин,
Қирқ жўрадан кетса диёнат,
Алпомиш гўрида тик турсин.

Икки ён қўшни-жон қўшни фарзандларининг бўйнига ойболта солган ким? Тарих нега ғўлдирайди? Тилига чечак чиққанми?..

Узр, анча даромад қилвордим. Шу пайт меҳмонларни латиф шоира Олимкон Дегенбой қизининг шахсий дастурхонига чорлашди.

ОҚИНЛАРНИНГ БЕШИГИ

ТОГОЛОК МОЛДО МАЪРАКАСИДАГИ ЎЙЛАР

ўрисчалаб, халқлар қадрияти ҳақидаги афсона украин лаҳжасида шеърлар ўқиди, «Украина да Узбекистан, Галя да Султан» ашуласини айтиб берди. Унга ҳамма жўр бўлди.

Мовий Нева эпкинларидан салом келтирган шоира Майя Борисова қирғизнинг ойна кўлларини, чўқмор тоғларини мадҳ этувчи мисраларини уй соҳибасига лутфан топширди.

— Қирғизда қанча кўл бор?

— Санаб чиқишган: салкам 200 та. Чўнг кўли— Иссиққўл. Сўнгкўл, Чотиркўл унинг баайни невалари. Иссиққўл ҳақида бир ривоят бор, айтиб берайинми? — савол аломати билан қаради Олимкон.

«Қадим-қадим замонда, кун ботмас, тонг отмас томонда бир соҳибқирон ўтган экан. Хон мил-мил бойлиги ва ўта ёвузлиги билан бутун аймоқларга, узоқ-яқинларга овоза бўлган экан, Андоғки, у бир кўчманчининг қора уйида зулфи қолипти, жигартақимини ўпган, пишган қимиздай кўпган бир ойсулув ўсаётганини эшитиб қолипти, жигар-бағри куйипти. Хон совчилар юборипти. Қиз рад этипти. Кўнгил қўйган йигити бор эмиш. Дарғазаб хон: Боғлаб келтиринглар, депти. Эвоҳ, тақдир зарбалари! Хон суворийлари отга ўнгариб келтирипти. Кўнмасдан иложи қанча деб, хон қасрга қамапти уни. Бир думалаб оқ каптар бўп учиб кетолмагач, ёр висолига етолмагач, олий қасрнинг ойнасидан тубсиз ўпқонга отипти ўзини. Шу заҳотиёқ тошқалъа қарсиллаб, тоғлар тарс ажралиб кетипти. Гўё сув тўфони босипти. Қўйчивонлар кўрсаларки, кўшк ўрнида ялангоч қоялар ўртасида кўкдай мовий, биллурдай тоза, ўтдай иссиқ кўл чақмоқланиб ётганмиш. Уни ойқор чўққилар ўраб-чирмаб турганига қарамай, йил бўйи музламасмиш, зилолида сувратлар акс этармиш. Шуйтиб уни Иссиққўл атабдилар.»

— Қирғизда қанча тоғ бор?

— Санаб кўришмаган. Занжирдай уланиб кетаверган. Оқ қалпоқнинг насибасини худойим тоғтошларга, довон ва чўққиларга, дараларга қизил тариқдай сочиб юборган экан. Ушани териб еб юрибмиз. Саволингизга тайинроқ жавоб: жумҳуриятимиз ҳудудининг 95 фоизи тоғлиқ.

Олатов — қирғиз учун муқаддас, илоҳий қудрат. Бу бурунғи юнонлардан қолган энг гўзал ва табаррук одат. Улар Олимп тоғини қанчалик улуғлаган бўлсалар, қирғизлар Олатовга шунчалик сиғинадилар. У қирғизга ўзбекка Ҳисордай, тожикка Помирдай, болқорга Элбрусдай, қорақалпоққа Бўзатовдай қадрли.

Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» романида оқин айтган сўнгги қўшиқ ёдга тушди:

Қоратовдан кўч келар, кўч келганда
Қўлимни ечиб юбор, инижоним Абдилхон.
Олатовдан кўч келар, кўч келганда
Қўлимни ечиб юбор, инижоним Абдилхон.

Қўлимизда бир даста таклифнома. Ҳаммасида Баймбет Абдираҳмон ўғлининг тасвири ва арабча дастхати. У халқ орасида Тоголок Молдо адабий тахаллуси билан машҳур. Ўзбек шеванда бу Думалоқ Мулла деганидир. Жуссаси думалоқдан келгани ва хат танигани учун чўнг устози, доврўқли манасчи Тинибек «Тоголок Молдо бўла қолсин» деган.

«Тоголок отамнинг макони Оқдала қайдасан?» деб, Чуй водийси билан Олатовнинг этагидан Олаарча дарёси ёқалаб Иссиққўл вилояти томон равона бўлдик.

Тўйлашгали бораётганлар: оқинлар, адиблар, манасчилар, рақҳосалар, қўмўзчилар, академиклар, нозирлар, рассомлар, мухбирлар, бастакорлар. Ичимизда Нориннинг гўзали Норингул ҳам бор. Дўстларимиз «Қўноқлар олис йўлида мудраб кетмасин, Ойчурекнинг ҳуснига нон ботириб есин», деган андишага борган бўлсалар керак. Барчинойдек гўзал. Бир қиё боқишла понза рўмолининг учига жами эркак зотини тугиб оладигандек.

«Тоголок Молдо булбулум қайдасан?» деб, кетавердик, кетавердик, кетавердик. Қайда ул, «Чанг бўлган билан Оқдала, чалқайиб ётган барака. Бўз йўрғасини қуш қилиб, Ширдоқбек ботир учган ер, ипак йўли тушган ер, Козукеқурбон Баян ётган ер, эл қўрғаб Тайлоқ ўтган ер, қиз Жанил бўй етган ер»? Ёмон кўздан алҳазар, нари турайин деб, шунча тоғларнинг қаърига кириб кетган экан-да Баймбет оға?

Автобусда гурпанглашиб бораяпмиз. Қирғиз аёллари Валентина отини Фотма қўйиб олишган хакаслик фольклоршунос Шулбоевага тилмочнинг ҳожати йўқ.

Ана шу Фотманинг ҳазин хонишлари юракларга не-не оғриқлар солди, хаёлларда не-не исёнлар ясади. Бу қўшиқлар музлар ва суяклар устида милтиллаб турган чўғларга ўхшарди. Дейдиларким, устихонлар ёнармиш. Эҳтимол, бу 28-йилларда «қулоқ», 37-йилларда «халқ душмани», «миллатчи» қилинганларнинг нотинч арвоҳларидир?

Болқор адиби Ҳасан Шавоевнинг ичидан чуқур хўрсиниқ келди, тўсдай қошлари пирпиради, мужгонларига шабнам тизилди.

— Яраларни янгиладинг, сингил, — деди ғалат бўлиб. — Ичим ёнаяпти, ичим. На савдолар солди болқор бошинга, темир босди кўзи билан қошина, раҳм этмади қарисина, ёшина, олиб келиб урди тоғлар тошина...

ХАСАННИНГ Сталин қатағонида юрти, халқи бошига тушган азоблар тўғрисидаги ҳикояси дилимизни эзди.

Долон! Долон! Долон!

Бу лутфда қандайдир бир ғурур, шавкат бор эди. Қўноқлар тараддудланиб қолди. Қаршимизда тўғарак тарзидаги осмон билан ўпишган тепа. Хон-Тангри чўққисининг ярим белича. Долон — бизча довон. Юксаклиги улкан тошга ўйилган: 3030 метр. У йўл айриткич. Мазкур соқолини селкиллатиб «Ўзим ўлсам, ўлмасдан сўзим қолсин ортимда», деб турарди. Сангтарошликнинг мазкур нодир обидасини ҳайкалтарош Б. Сидиқов, меъмор А. Бовлонқулов яратган экан.

Ҳайкал ортида Тоголок Молдо музейи. Жамоа хўжалиги клубининг иккинчи қавати улуғ манасчи меросига ажратилган. Оқиннинг абадий йўлдоши — қўмузи, байт дафтарлари, арабча настаълиқ хатлари, эски қўқон қоғозлари, довот ва қаламлари, чакмонлари, қўй телпаклари, рўзғор ашёлари. Қўлёзмалар, қораламалар, таҳрирлар, ССЖИ Ёзувчилар уюшмасига аъзолик гувоҳномаси. Қирғизистон фуқаролигига мансублик паспорти. Баёзлари, танланган асарлари. Ҳаёти ва ижодига оид тадқиқотлар. Шеър ва достонлар чоп этилган эски рўзномалар ва жаридалар. Замондошлари ва кейинги авлодларнинг Тоголок Молдо ҳақидаги фикрлари, ўйлари. Ҳатто оқин минган йўрғанинг қалмоқ эгари ҳам бормиш. Мана, буни улуғ манасчига умум эҳтиром деса бўлади!

Молдонинг «Насиҳат шеърлари»га кўз югуртираман:

Тарихни қолдиргали
Оқ қоғозда хат яхши.
Билмас нодон туққандан,
Биладиган ёт яхши.
Йўл-йўловчи минишга
Йўрға қадам от яхши.
Булбул сайраб қўнишга
Сояли дарахт яхши.

Нақадар халқчил, пурнафас! Эл оралаган оқингина шундай ўйлаши ва сўйлаши мумкин.

Тоголок Молдо Шарқ ғазалиётидан баҳра олган, Навоий ва Фузулий девонлари билан танишган, Қуръони каримни қироат қилган, том маънода ҳофиз бўлган. Маърифатли оқинни салафларидан бир неча даража кўтариб турган «сир» шулким, у хат таниган. Тинибек қўлига қалам тутмаган. Тўқтағул мадрасанинг тупроғини яламаган. Саяқбой китоб кўрмаган. Урозбақ дастхат қолдирмаган. Музооке қўмуз чертиб ўтган.

Чорси майдонда оммавий сайил бошланди. Қирғиз дўстларимиз ота мулкида, миллий заминида неки ҳунари бор, барини чевар, кўркам намойиш этди. Оқдалага талай овул ва аймоқлар сафбаста, жўровоз бўлди.

Ой шом егач, бўз уйга қайтдик. Эртаси тонгда халқ шодиёнаси пойтахтга кўчди.

Йўлда қирғиз суханворлиги яна зериктирмади. Тоголок Молдо хусусида маълумотнома тузган Омурбек Долоев Оқдаладан ССЖИ Ёзувчилар уюшмасининг аъзолари Молдобасан, Абдухолиқ Жўрабоев, Шукурбек Бейшеналиев, Дайирбек Қозоқбоев, Садир Сариғулов, Жоомарт Жўрабоев, ССЖИ композиторлар уюшмасининг аъзолари Қашқ Молдобасанов, Ўрозбой Турсунниёзов, Турдибек Чоқиев чиққанини, уларнинг табаррук зотдан суяк сурганини, турли фанлар профессорлари ва номзодлари мўллигини айтиб берди. Молдонинг адабий мероси 200 тобоқ атрофида эмиш. У

Ёш кезда берсиз савлатни,
Қариганда —давлатни,

деб пийри бадавлат яшаб, 1942 йили 82 ёшида оламдан ўтибди.

Азага борган дардини айтиб йиғларкан. Нечундир Майрамхон мунгли ўлтирарди. Кўнглини олмоқчи бўлдим. «Миртемир оғанинг ўрни билиниб турипти, — деди. — Қирғиздан хафамасмисиз?» «Нега энди?» «Ўзган, Ўш ҳодисаларига-да! Гуноҳ жангари ёшларда эмас, салт отнинг бошини ортга бура олмаган катталарнинг бўйнида. Улар бекорга жувонмарг бўлишди. Қотиллар эса орамизда ҳануз ғимирлаб юрипти. Келинг, қулоқчўзма қилиб, яраш-яраш қилайлик. Бир юзингни уришга қўй, бир юзингни ярашга, деган эскиларнинг гапи бор.»

ДАРҲАҚИҚАТ, биз томирдошмиз, тақдирдошмиз. Сўғдиёна, Мовароуннаҳр, Турон, Туркистон болаларимиз. Бир-биримизнинг пешонамизни силамасак, четдан бирон қўл келиб силаб қўймайди. Яхши-ёмон кунларимизга ўзимиз яраймиз. Дўстлик дарахтининг ҳосилидан аъло мева йўқ дунёда. Бирлик, ҳамфикрликнинг ўзи кетмас давлатдир.

Тоголок Молдо маъракаси, бадиият-абадиятга байрами Қирғизистон давлат филармониясидан сафоли кеча билан поёнига етди.

Жоникей қирғизни жондан суймасам,
Убалаб елкага елка қўймасам,
Беш бармоқ устига қазо уймасам,
Миртемир бўлдимми, Султон бўлдимми!

Султон АКБАРИЙ

Фароғат КАМОЛ

ҚИШЛОҚҚА САФАР

1

Қишлоққа қайтаман шаҳардан безиб,
Гарчи соғинч эмас мени бошлаган.
Ҳақиқат излаган барча кўнгилга
Бу кун норозилик юкин ташлаган.

Уни сезмоқдамиз вақт ўтган сари,
Кундан-кун оғирроқ алдовнинг юки.
Исён олдидаги тушкунлик каби
Одамлар дилида ғалат бир ўкинч.

Ёлғоннинг чириган қўрғонин бузиб,
Гўё лол турамиз шу вайронада.
Қайгадир кетмоққа эҳтиёж сезиб,
Ўз-ўзидан қочиб борар ҳар одам.

Узоқ давом этмас бироқ бу ўйин,
Қайга ҳам борардик ўзликдан қочиб.
Гарчи борадиган жойимиз тайин,
Қишлоқ кутиб олар қучоғин очиб.

2

Далалар қорайган, дарахтлар хомуш,
Қорни кутиб яшар жонажон қишлоқ.
Қайдадир галадан қолиб кетган қуш
Чирқираб айланар, излайди қўноқ.

Мен туғилиб ўсган мана шу ватан.
Қичкина парчаси Ўзбекистоннинг.
Бунда меҳнат учун туғилар одам,
Ўйласанг, оғриқдан сирқирар жонинг.

Бу юртда эрк талаб қилиб одамлар
Шиорлар кўтариб чиқмас кўчага.
Уларни қийнамас ҳуқусизлик ҳам,
Содда ташвишлардан турмуши чигал.

Рўзномалар эса шовқин кўтарар
Ялпи қирғин даврин сирларин очиб.
Сургунда ўлганлар суякларидан
Бир чолғу ясалар — Ҳақиқат учун.

Бир чолғу ясалар, басир, гунглар ҳам
Тушунмоғи мумкин унинг тилини.
Машшоқ асримизнинг сўнгги куйи бу,
Рақҳоса алдовнинг сўнгги ўйини.

Чолғуни чаларлар, эшитар барча,
Бир фарёд кезинар — эрккамми сингил?
Бир фарёд кезинар, тушунмоқ учун
Бир қадар эркинроқ бўлсайди кўнгил.

3

Бироқ одамларнинг кўнгиллари банд,
Юк кўтарган одам йиғламас эмиш.
Қайдадир йиғлайди етим Ҳақиқат,
Бизни таъқиб этган овозми, қарғиш?

Надомат чекмоққа қолмаган фурсат,
Кундан-кун ўсмоқда норозилик ҳам.
Бош оққан томонга кетмоқлик учун
Йўриқ излаймиз биз — уйғонган одам.

Қишлоққа қайтаман шаҳардан безиб,
Гарчи соғинч эмас мени бошлаган.

●

Фурсат кўчиб юрар гулдан гулларга,
Чирқираб сайрайди қушлар безовта.
Умиднинг энг гўзал қафасларида
Ҳолдан тойиб борар дунёни мақтаб.

Ғунчалар очилар — Вақтнинг гуллари,
Эрта хазон бўлиб балки тўкилгай.
Ҳасратнинг ёруғ ва пок қучоғида
Фақат ишқ илоҳий гул каби кулгай.

Ўзига бардошлар тилайди диллар,
Уларни кутмоқда самовий талъат.
Бир ухлаб руҳлар-ла қовушар улар,
Гуноҳкор дунёни севмоқлик — бидъат.

Кунларнинг қошида лол турар идрок,
Жим ютиб самовий яшинлар қаҳрин.
Уткинчи умрдан излайди маъно,
Фақат шу даҳрга сиғинган даҳрий.

КУЙНИ ТУШУНИШ

Шарқ куйлари оғир-оғир дардларни сўйлар.
Ҳароратнинг оқиб келган улуғ тўлқини.
Вужудимга урилару дилимни сўрар,
Мендан сўрар ошиқ бўлиб куйган дилимни.

Агар ишқнинг амри эса бажолар бўлсин,
Кўзларимда ғамлар видо айтар дунёга.
Дилни бериб севмоқ асли илоҳий илм,
Шарқ куйлари ошиқ қилар мени оллога.

Ҳалима АҲМЕДОВА

●

Шафқатталаб гадолик етар,
Ҳар пастликка раволик етар,
Гоҳ у, гоҳ бу аролик етар.
Кўнглим, Ҳақнинг қизисан ахир.
Бу ҳаётга қуллигинг басдур,
Йўқ севгига туллигинг басдур,
Ҳазон бўлган гуллигинг басдур,
Кўнглим, Ҳақнинг қизисан ахир.
Сароблардан сўрма савобни,
Қиёматга қўйгин жавобни,
Йиртиб ташла зулматли хобни,
Кўнглим, Ҳақнинг қизисан ахир.
Ёлвориб кўп бўлма овора,
Ёлғон дунё етмайди зора,
Фалакларда сен кутган чора,
Кўнглим, Ҳақнинг қизисан ахир.
Йўллар ёлғон, йўллар кўп хатар,
Ватан излаб кезма дарбадар,
Келаётир биз кутган сафар,
Кўнглим, Ҳақнинг қизисан ахир.

●

Оёғи кишанбанд этилган бургут,
Суратчи олдида турар мунғайиб.
Лоқайдликнинг қули, сонсиз одамлар
Унинг-ла суратга тушар жилмайиб.
Кўзларида уйғоқ бўрон илдизи,
Нафрат-ла боқади одам зотига.
Қайтгиси келади кўксини ёриб
Қасосдил тоғларнинг ҳур ҳаётига.
Қайтгиси келади, қаердасан эрк,
Оёғи кишанбанд этилган, ҳайҳот!
Бўроннинг ўғлини масхара қилар
Бугун ўз наслини еган одамзот.
Булар жодуланган қуллардир, кечир,
Елкасин эзса-да сезмас кишанлар.
Тирикдир, хоини, авлодин суйиб,
Кўксига тақади тилло нишонлар.
Кишанбанд бургутим, ўлгим келади,
Беор чархи дундан кўзимни юмдим.
Сен менга ўхшайсан шу ҳолатингда,
Бўронли кўзингга дилимни кўмдим.

●

ЭЪТИБОРГА

Менга маъюс тикилма қушчам,
Кўзингда йиғлаган тонгларнинг ранги.
Мен умрим тожини ишқимга тутдим.
Бўғзимда ханжарлар жаранги.
Дарахтлар туш сўраган ойдин кечани,
Куйган илдизларин аямай юлдим,
Мозорлар меҳрига ташна дилимни.
Йиғлаб туриб телбадай қулдим,
Менга маъюс тикилма, қушчам.
Гадой топмас ғорлар ҳикоясиман
Маҳталда янчилган мунаввар ёднинг
Машҳарда ёнмаган ниҳоясиман,
Менга маъюс тикилма, қушчам.
Армоним солиб қўй эркнинг жонига,
Мен бу тун нилуфар қонини қуяй
Қисмат хаттонининг сиёҳдонига,
Менга маъюс тикилма, қушчам.

●

Умримнинг уфқида чўкмоқда қуёш,
Қаролик келмоқда гумбазни ўпиб.
Сени қай манзилда излайман бугун,
Бўларму йўқликни излабон топиб.
Ўғлим, елкаларим босмоқда туман,
Ҳорғин фаслим аро кезаётир куз.
Жонимга тош каби ботар ҳазонлар,
Ёлғизлик бу қадар гўзал ва ёвуз.
Наҳанг ютган тилло бешик ичинда
Ухлаб ётармисан қўлларим банди.
Ахир мен чарчадим сени кутишдан,
Соғинчимнинг мовий кўйлаги ёнди.
Ёнди умидимнинг кечки гуллари,
Обод иморатим вайрон этди сел.
Бу дунё сўнггида қолган илинждай,
Умрим қораймоқда, ўғлим тезроқ кел,
Умримнинг уфқида чўкмоқда қуёш...

Яҳё ТОҒА

●

— Ҳаққушим, —
— Ой этагина —
— Бир тухум қўй —
— Чўлпон —
— Ўёнсин —
— Ҳилолу —
— Тонг юлдузи —
— Туғ айлаян —
— Султон —
— Ўёнсин!

●

Магар жисму
ожизинг рағбати
хўракдур санго,
Муродингнинг
ҳосил ўлғони
муборакдур санго.

ИНСОННИНГ КЎНГЛИ

Қарвонсарой эмас
Қўналға эмас
Қизил майдон эмас
Инсоннинг кўнгли
Босқинни бас қилинг
Топтамакни тўхтатинг
энди
Ўзбекистон эмас
Инсоннинг кўнгли

●

Ичимда бир тиғ бор
эрур,
Мен унга қин, соп
тиларман.
Мушфиқим — онамга
умр,
Ўзимга инсоф
тиларман.

●

Недан мунча ғамгин
сўзим?
Билмайман.
Нега қонга тўлар
кўзим?
Билмайман.
Гоҳ йиғлаб
ёшимни
тўхтатолмайман,
Мен нега йиғлайман
ўзим билмайман.

СЎНГГИ ЯПРОҚ

Мана сўзим мани англа
Сўзимнинг кўзина боқ
Кўзимнинг сўзина боқ
Ҳар киприк сўнгги
япроқ
Бандининг ўзина боқ
Ман сўзлайин мани
тингла
Ман бўзлайин бўл огоҳ
Мана сўзим мани англа
Мана маним
маржонларим.
Дўконим растам маним
Мана маним
марваридим
Мулки шикастам
маним
Мана маним хаста
дилим
Мана маним бозорим
Мармартошим мана
маним
Мана маним мозорим

ЯНГИ РУБРИКА

1991 – НАВОИЙ ЙИЛИ

АЛИШЕР 550 НАВОИЙ

Аҳмадрафиқ ҚАМБАРОВ

БИР ҒАЗАЛ ТАРИХИ

АНДИЖОНЛИК адабиёт фидойиларидан Аҳмадрафиқ Қамбаровнинг «Наводир ул-вақое ёҳуд замонамиз фозиллари ҳаётидан айрим ҳангомалар» хотира дафтарини кўздан кечирар экан, Навоий юбилей комитетининг фаол аъзоси, Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси мухбир аъзоси Мирза Абдулло Насриддинов-Бокий домла қаламига мансуб бир ғазалга ва бу ғазалнинг яратилиш тарихи билан боғлиқ бир ҳикоятга кўзимиз тушди.

Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ҳамкорликда яратган бир байтнинг тадрижий давоми бўлган бу ғазал шеъриятимизнинг гўзал намунаси эканлиги билангина эмас, яратилиш тарихининг ибратомуз эканлиги билан ҳам эътиборга лойиқ эди.

Шу нуқтаи назардан мазкур ҳикоятни муштарийлар ҳукмига ҳавола қилишни мақбул деб билдик.

Шоир Хуррам шундай ҳикоя қилган эдилар: 1938 йилнинг 25 декабрь куни янги йилни биргалашиб қутиш ниятида Ҳабибий, Маҳжурий, Анисий, Имодиддин Улфатларни сўроқлаб, укам Муфавваз билан Тошкентга келдик. Улар янгигина ташкил топган Навоий комитетига ишга таклиф қилинган, Тошкентга келганларига уч-тўрт ой бўлган эди. Биз Хадра яқинида бўлган уларнинг ҳужрасига тушдик.

— Янги йилни Ғафур аканикида кутадиган бўлдик, — деди Анисий.

— Хўш, нима сабаб билан?

— Ўзи таклиф қилди. Кеча қўлида қандайдир тугунча билан ишлайдиган жойимизга келди-да, уни баланд кўтариб:

— Мана шу ўн беш минг сўм пул бўлади. «Фарҳод ва Ширин»нинг нашрига олдим, ярмини янги йилни кутгани сарф қиламиз. Ҳаммаларинг борасизлар, — деди.

Дарҳақиқат, янги йилни катта даврада Ғафур акаларнинг хонадонида кутдик. Қайтишда, Тўхтасин Жалиловга кириш ваъдамиз бўлганлиги учун, у кишининг хонадонида бир оз муддат бўлдик-да, эрта келиш шарти билан тушган ҳужрамизга бориб дам олдик.

1939 йилнинг 1 январида кечки пайт Тўхтасин аканикига бордик. Орамизда Бокий домла, Маҳжурий, Собир Абдулло, Анисий, Улфат, Юсуф қори, укам Муфаввазлар бор эди.

Мезбонлар қаторида бизни андижонлик бастакор Комилжон Жабборов, хоразмлик хонанда Шерозий қутиб олдилар. Қўшни артистка Назира Иноғомова, уй бекаси, Ҳолхўжалар хизмат қилдилар. Тўхтасин ака қизиқ-қизиқ ҳикоялари, Шерозий Хоразм усулидаги ашулалари билан бизни хушнуд этди. Суҳбат мазмуни Навоийга, у яшаган давр шеъриятига, Ҳусайн Бойқаро ва Навоий ўртасидаги муносабатларга кўчди.

Шунда Бокий домла султон Ҳусайн Бойқаронинг шеърий заковати, адабиёт аҳлига ҳомийлиги ва бошқа қатор фазилатларига тўхталиб, ўзларига қаттиқ таъсир қилган бир воқеани ҳикоя қилдилар:

Ҳусайн Бойқаро темирчиликдан ўтиб кетаётганларида, болға ураётган хушсурат бир темирчи йигитга кўзи тушиб, Яратувчи қудратига имон келтирдилар бир варақ оқ қоғозга шу мисрани туширадилар:

Тушди дил доманина бир шарари шўр ангиз

Кейин уни ёнида юрган қузатувчиларга узатиб, бир нарса дейишларини айтдилар. Улар парчани ўқиб, ҳайрат бармоқларини тишлаганларича таҳсин ўқийдилар, аммо ҳеч ким давомини айта олмайди. Бу ҳолатни кўрган Ҳусайн Бойқаро варақни олиб, маҳрами орқали ҳазрат Навоийга юборадилар. Навоийдан шундай жавоб келтирилади:

Тушди дил доманина бир шарари шўр ангиз,
Ишқ оҳангари занжири жунун ишлар эди.

— Афсуски, — дея сўзини давом эттиради Бокий домла, — икки буюк сиймо бадеҳаси бўлган бу байт ҳозиргача жавобсиз қолмоқда.

Навбат ҳамшаҳаримиз Комилжон Жабборовга келди. У гижжакни қўлига олиб, устага қаради. (Ҳурмат юзасидан Т. Жалиловни ҳамма уста деб айтарди. — А. А.):

— Нима қилай?

— Яхши билганингни чал,— деб Тўхтасин ака ихтиёрини Комилжон акага берди.

Комилжон Жабборовнинг қўлидаги соз шу пайт сеҳргарга айланди: диллар сел бўлиб эриди, ихтиёрсиз равишда кўзлардан ёшлар оқди. Куй маромига етганда кимдир «дод фалак» деб юборди. Юзимга думалаган ёшдан ўзимга келиб, атрофга боқсам, ҳамманинг кўзи юмуқ, бошлари қуйи, мажнунона ҳаракатда. Биргина уста бармоқлари билан столни чертиб, куй маромига мос ҳолда тебраниб завқланарди. Куй тугади. Эшиқ аста тиқиллади-да, сўнг очилиб, хонага Шаҳодат Раҳимова кириб келди.

Пойтахтга доимий ишга таклиф қилинган Шаҳодат Раҳимова Андижондан тўғри шу ерга келибди. Унинг бу ташрифи ўлтиришга янгича бир файз киритди.

Тўхтасин ака ундан Назира билан жўрликда бирор нарса қилиб беришни сўради. Шаҳодатхон ва Назирахонлар ўринларидан туриб, қўлларига ликобча олдилар-да, «Чоргоҳ»ни бошлаб юбордилар. Шаҳодатхоннинг майин, ёқимли қўнғироқдек овозига Назирахоннинг ўзига хос ширали овози пайвандлашиб кетгандек бўлди. «Чоргоҳ»нинг бетакрор ижросига шоҳид эдик. Кейин Шаҳодатхоннинг ўзи «Чорзарб»ни бошлади. Хаёлимда ниҳоятда осойишта, сўлим ва саранжом бир гулзордамиз. Боғнинг ўртасидаги ҳовуз бўйидаги суффада Амир Умархон. Унинг ёнида қўлига қоғоз-қалам ушлаган канизак. Қалам қароликда канизак қошидан ожиз бўлганидан қош пойига бош қўйган. Унга ҳуши кетган подшоҳнинг қалби ғалаёнда. Қай йўл билан бўлмасин, ўз ҳолини изҳор қилмоқчи. Зукко шоирга илҳом париси кўмакка келади:

Қошингга тегузмагил қаламни,
Бу хат била бузмагил рақамни...

Шаҳодатхонимнинг гўзаллиги, лобарлиги, ширин нафаси ва соҳир Амирий ғазали назокати бизни батамом сеҳрлаб қўйган эди. Мен бир оз ҳушёр тортиб, беихтиёр Бокий домлага қарадим. У киши ҳам ўзгача ҳолатда эдилар: май кайфияти ҳароратими ё қўшиқ таъсирида тугёнга келган қалб нидоси изтиробими, ҳар қалай, ёниқ юз, ўтли кўз домланинг бор «сир»ларини ошкора қилмоқда эди. Дарвоқе, Ҳусайн Бойқаро бадеҳаси олдида таслим бўлган нозик қалбнинг Умархон ғазали сеҳри олдида лол қолмаслиги мумкинмикан?!

Тўхтасин Жалиловникидаги ўша кунги базм тунги соат бирларга қадар давом этди, аммо умрбод қалбларга муҳрланиб қолди.

Шу ўлтиришдан уч кун ўтгандан кейин Бокий домлани хаста деб эшитдик ва у кишининг зиёратига отландик. Уйларига бориб, ҳол-аҳвол сўрадик:

— Тоблари қочдими?

— Тоб қочгани йўқ, ақл қочди, ақл,— дея лутф қилдилар. Ўша кеча ҳудога шукр, бизга телбалик ато қилди. Олти соат нос чекмай бир жойда ўлтириш мумкинлигини биринчи бор бошимдан ўткардим. «Е тавба!» — деб тангирқадилар. Ёнларидан бир варақ қоғоз чиқардилар ва хаста овозда гап бошладилар:

— Ўша суҳбатда икки улуғ зот томонидан айтилган мўъжизакор байт жавобсиз қолиб келаётганлигини айтган эдим. Мен шу кунларда уни давом эттиришга журъат эттим, дедилар ва хижолат тортганнамо бизга ярим табассум ила боқдилар.

Бизнинг бутун борлигимиз қулоққа айланди ва устознинг майин овозда ғазал ўқиқлари сеҳри остида янги бир хаёлот оламига киргандек бўлдик:

Тушди дил доманина бир шарари шўр ангиз,
Ишқ оҳангари занжири жунун ишлар эди.
Тўхтасин томидаким, Зуҳра мақоми анда,
Чолғу бобинда неча аҳли фунун ишлар эди.
Бир пари чеҳраки, бошдин-оёғ офати ҳуш,
Икки жоду кўзи сеҳр ила фусун ишлар эди.
Икки қош ёси-ю кифрикларини наштари, вой!
Қатли ом этмак учун ғамзаси хун ишлар эди.
Боғбон қомати наҳлини чўзиб, боғ ичида
Сарв, шамшодин эгиб, «дол» ила «нун» ишлар эди.
Бир боқишда неча мендекни этиб саргардон,
Ишқ даштида кўзи бирла қуюн ишлар эди.
Лаъли ширин лабининг ёдида юз минг Фарҳод,
Тоғ аро хора кесиб, зору забун ишлар эди.
Дема: занжири жунун-сочини ҳар халқасида,
Мен киби бахти қаро-толеи дун ишлар эди.
Лаби жонбахш, такаллум чоғи жон бермакда,
Минг Масиҳо дамидин анча фузун ишлар эди.
Оҳ, ул бахти саодат кеча кун, нашъасидан
Най наво айлар эди, соз ила ун ишлар эди.
Ул жигар пора, жигар порасидек орқасида,
Сочини ушлар эди, оҳи тутун ишлар эди.
Бели нозиклигин ўлчашда, бошидин эгилиб,
Бир қулоч икки қаро сочи узун ишлар эди.
Бодани лаъли лаби аксида айлаб ёқут,
Қулибон, қатра ичиб, турфа ўйин ишлар эди.

— Офарин! — деди Ҳабибий, — кўп чиройли ёзиптилар, рухсатлари билан бир нусха кўчириб олайлик. Имодиддин ғазалдан нусха кўчиргунча, биз ғазалнинг нақадар юксак савияда эканлигини эътироф этиш билан банд бўлдик.

Нашрга тайёрловчи:
Абдулазиз АБДУҲАМИДОВ,
филология фанлари номзоди

Андижон

ЛАУРЕАТЛАРИМИЗ

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги 1990 йил бошида энг яхши суратлар учун конкурс эълон қилган эди. Йил давомида 30 га яқин сурат келди. Уларнинг энг яхшилари ҳафталик саҳифаларида эълон қилинди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, конкурсга жумҳуриятимизнинг вилоят ва туманларида яшовчи мухбирлардан жуда кам суратлар келди. Кўпгина суратлар бугунги кун талабига жавоб бермайди. Шунинг учун айрим суратлардан фойдаланишнинг иложи бўлмади.

Конкурс ҳаками ҳайъати ҳафталикда эълон қилинган суратларни кўриб чиқди.

Биринчи мукофот Р. Шариповга «Бу кунларга етганлар бор...» (23 март) сурати учун берилди.

Иккинчи мукофотга Н. Муҳаммаджонов «Улоқ» (28 декабрь) сурати учун сазовор бўлди.

Учинчи мукофот В. Тўраевга «Наврўз кунларида» (16 март) сурати учун берилди. Ғолибларни мукофот билан қутлаймиз!

1991 йил ҳам халқимиз ҳаётида чуқур из қолдиради деб умид қиламиз. Шунинг учун муҳарририятимиз таҳрир ҳайъати суратлар конкурсини бу йил ҳам давом эттиришни лозим топди. Барча профессионал ва ҳаваскор суратқашларни конкурсга таклиф этамиз. Ўйлаймизки вилоят ва туманлардаги суратқашлар бу йил фаолроқ қатнашадилар.

Эслатма: Суратлар оқ-қора рангда ялтироқ қоғозда олинган бўлиши керак. Конкурсимизга марҳамат!

ХАЁЛ.

Ш. ИБРОҲИМОВ олган сурат.

СУРАТЛАР КОНКУРСИ 91

ЖАҲОНГА ЮЗ БУРГИН, ВАТАН!

Нурали ҚОБУЛ,
Ўзбекистон халқ депутати

Бугунги кунда қардош жумҳуриятлар нари турсин, Приморье ўлкаси ҳам қўшни Хитой билан чексиз муддатга мўлжалланган шартнома тузиб, халқнинг равнақи учун лозим бўлган барча ташқи алоқаларни қарор топдирмоқда. Бу борада қўшни Қозоғистон жумҳуриятида амалга оширилаётган ишларга ҳам ҳавас кўзи билан қараш мумкин. Ташқи иқтисодий алоқаларни кенг йўлга қўйиш лозимлигини жумҳуриятимиз президенти ҳам таъкидламоқда.

Бундан етти ой чамаси бурун жумҳуриятимизга ташриф буюрган Саудия Арабистонилик ватандошларимиз ҳеч бир гап-сўзсиз ва шартсиз дунё мусулмонларининг фойда учун ишламайдиган «Ал-Барака» банки тармоғини Тошкентда очишни таклиф этдилар ва бу хусусда расмий қоғоз олиб келдилар. Бироқ, бу ишга мутасадди бўлганлардан садо чиқмади. Меҳмонлар ноумид қайтиб кетдилар.

«Известия» ғазетасининг биринчи саҳифасида Олмаотада «Ал-Барака» банкининг филиали очилиб, саудиялик биродарларимиз 70 миллион доллар маблағ қўйганларини ўқиб биз, бу гаплардан хабардор кишилар, хўрсинибгина бир-биримизга қараб қўйдик. Биздан нажот кутиб турган халқимиз эса қайта қуриш шарофати туфайли қўлига тегиб қолган ўн сотих ерга юмалоқ-ёстиқ қилиб уй солиш ва колхоз берган тўрт боғ хашакни сомонхонасига босиб қўйиб, миллий ифтихори бўлган пахтани етиштириш билан банд. Кимларнингдир назарида унинг дунёвий-сиёсий ва иқтисодий ишларга, тижоратларга аралашуви шарт эмас. Гўёки бу халқ бундан буён дунёда дипломатия, халқаро борди-келдилар нималигини билмай ўтиши керакдек.

Ўйчининг ўйи битгунча, таваккалчининг иши битибди дейдилар. Ҳатто вақтисоати етиб, неча ўн йиллардан сўнг ҳам бу маблағ олиб чиқиб кетилмайди. Улуснинг фаровонлигига хизмат қилади. «Ал-Барака» банкининг ўзига хослиги, бу ерда савоб деган эътиқоддан бўлак нарсанинг йўқлиги шундан далолат беради.

Хориждан келаётган ватандошларимиз ўз фирмалари, дўконлари ва турли муассасаларда ишлаш учун туркистонликларни таклиф этиш истагини билдирмоқдалар. Уларнинг бирдан-бир мақсади бизга моддий ва маънавий ёрдам бериш. Улар бизнинг бир тийинимизга муҳтож эмаслар. Чет эл олий мактаблари ва бошқа илм даргоҳларида ўқитиш учун талабалар жўнатишни сўрамоқдалар. Биз эса ҳамон ўз ички ташвишларимиз билан оворамиз. Мана, қўлимда Саудия Арабистонида яшовчи кўп обрў-эътиборли жигарларимиз Абдулғаффор Нур ва Аҳмад Али Туркистонийдан келган табаррук мактуб. Бироқ бу мактубни шу соҳанинг бирорта мутасаддисига элтиб кўрсатишга менда рағбат йўқ. Сабаби: хат, гоя ҳам қумга синган сувдек гойиб бўлиб, ташаббусинг учун жазоланиб қолишинг ҳеч гап эмас. Сабаби: етмиш йил мобайнида халқни Амударёга олиб борса-да, сувсиз қайтариб олиб келган механизмлар эндиликда ўзгача метод, услуб ва оҳанг билан ишламоқда. Уларнинг истагича ўзбек дея аталмиш халқ мангу дунё кўрмай, дунёвий ҳақиқатларни танимай, қорни тўқу усти бутлигига шукур қилиб, шу заминдан бир қадам ташқарига чиқмай яшайверса. Бироқ бундай ўйлаётганлар қаттиқ янглишадилар. Ишончимиз комилки, ҳали ўн минглаб ва юз минглаб юртдошларимиз ташқи дунё билан алоқа ўрнатадилар, Ватан равнақи йўлида фидокорона меҳнат қиладилар. Сабаби: эл-юрт, дунё кўрмай туриб, ўз юртингда дунёвий адолатни ўрната олмайсан. Бу сувчидан тортиб академиккача аён бўлиши шарт ва иккор этилмас ҳақиқатдир.

Сўзим ҳавойи бўлмаслиги учун Саудия Арабистонидан келган мактубни диққатингизга ҳавола этмоқдаман. Бу хусусда халқнинг кўзи очиқ, маърифатли, фозил ва комил кишилари, жумладан, мутахассислар ҳам ўз фикрларини билдиришар. Келинг, олисда бўлса-да, ўз Ватани ва халқи ташвишида яшаётган фидокор инсонлар, қадрли Абдулғаффор ака ва кўп ҳурматли Аҳмадали акаларга биргалашиб жавоб берайлик. Шу аснода чет элга бориб таҳсил олувчи ва илм билан шуғулланувчи дўстларимиз гуруҳи ҳам шаклланар.

ЖАНОБ НУРАЛИБЕК ҚОБУЛГА
ТОШКЕНТ,
ЎЗБЕКИСТОН

Жанобингизга соғлиқ ва сарвақтлик тилаб, маълумингизки, Ватанимиз Ўзбекистон зиёратидан қайтқоч у ўлка учун қандай хайрли фаолиятлар қилиш фикри кўпчиликнинг орзусидир.

Булардан бири эса Ўзбекистондан юксак академик талабаларнинг чет ўлкаларда юртга керакли соҳаларда илмий ва академик ўқиш, фанний текширувлар олиб бориш соҳаларини очиб бериш ва у ўргатувчиларга араб оламидаги олий билим юрт (университет)ларда ер (ўрин) ҳозирлаш дамларини кўнушмоқдамиз.

Унинг учун лутфан бу ҳақда Ўзбекистон маорифи қандай фикрдадир — билсак.

Чунки бундай ишларни ижроси расмий алоқалар билан бошланади.

Нуралибек, лутфан бошда маориф мнинистри(да) бўлуб ва шундай ишларни хоҳловчи кишилар билан сўзлашиб ва уларимизга танланғон илғор академик талабалардан қанча киши ҳозирлаш имкониятини билдирсалар. Ва қайси соҳаларда таълимга ҳозир эканлигини ҳам аниқлаш лозимдир. Унинг учун Сиз дўстимиздан рижо (умид) қиламизки, шу ҳақда тездан бир белги берсангиз.

Агар бу ҳақда қизиқиш бўлса, лозим келган имкониятларнинг ҳамон биз сизларга билдириб, ишга бошлаш мумкиндир. Бу ҳақда керакли ташвишда бўлуб, тездан жавоб кутамиз.

Сизга ва оилангизга бахт ва саодатлар тилаб дўстингиз:

Ҳурмат ила Абдулғаффор Нур ва Аҳмад Али Туркистоний. Жидда. 10.11.90й.

احمد علي تركستاني
شركة الرخام السعودي
ص.ب ١١٨٧ جدة ٢١٤٣١ - المملكة العربية السعودية
A. A. TURKISTANI
SAUDI MARBLE CO.
P.O.Box 1187 Jeddah 21431, Saudi Arabia

ҚАРҒА ҚАРҒАНИНГ КЎЗИНИ ЧЎҚИМАС

ИНСОН, АХЛОҚ ВА ҚОНУН

КУЮНЧАК ГАЗЕТХОН сарлавҳани ўқибоқ: «Қарға қарганинг кўзини чўқимайди» деган мақол бугун ўз аҳамиятини йўқотди. Бугунги қайта қуриш пайтида бир пайтлар бўлиб ўтган ишлар учун бунақа эскирган мақолу маталларга таяниб хулоса чиқаришнинг ҳам вақти ўтди», дейиши мумкин. Начора. Агар куюнчак газетхон ўзининг гапларига ростдан ҳам ишонса, қандини урсин. Лекин, биз шундай бир даврда яшяпмизки, кечаги кунимиздан тўла, чуқур хулоса чиқариб олмагунимизча эртанги ҳаётга ишонч билан қарай олмаймиз. Иккинчидан, биз сўз юритмоқчи бўлган тақдирлар, воқеалар, сансалорликлар жуда ҳам ўтмиш эмас, аксинча, уларнинг заҳрини одамлар бугун ҳам тортишмоқда. Қолаверса, айрим ҳуқуқ-тартибот органларининг адолатсизликларидан жабр кўрган кишиларнинг сони кейинги йилларда кўпайса кўпайдики, камайгани йўқ. Шундай қилиб, биринчи тақдир:

Марғилонлик муҳандис, фирқа аъзоси Эркин Тошматов Алоқа министрлигининг Фарғонадаги 4-махсус қурилиш ташкилотида бош муҳандис бўлиб хизматга келди. Бу 1984 йил эди. У бу ерга келиб кўрдики, ишлар ёмон. Айрим муҳандислар, бош усталар, қўйингки, қўли қингирликка ўрганган киши борки, қурилишнинг ҳам бўйи, ҳам энидан уриб қолишга ҳаракат қиларди. Эркин ака, бундай ишларга кўникмаган одам бош муҳандис сифатида ташкилотда тартиб ўрнатишга киришди. Айрим муҳандисларнинг бажарилган иш ҳақидаги ҳужжатларига кўл қўймади, кўшиб ёзилган ишларни аниқлади... Албатта, бу нарсалар айрим ҳамкасбларига маъқул бўлмади ва улар ҳалоллик қандай бўлишини бош муҳандисга «кўрсатиб» қўйишди: пора ёуштиришди. Бош муҳандисни касал ётган жойидан турғизиб келишиб, бир кун олдин кўл қўйишни рад этган бажарилган иш ҳақидаги (наряд) ҳужжатлар орасига 200 сўм пул қўйишиб, ортларидан Марғилон шаҳар ички ишлар бўлими БХСС ходимларини етаклаб киришди. Хуллас, Эркин Тошматовни шу куни қамоққа олишди. Уйини тинтув қилиш пайтида, уйдан овчилар пичоғи (ҳурматли ғазетхон, мана шу пичоқни ёддан чиқарманг) топилди. Фарғона область суди уни ЎзССР ЖК 152-моддасининг II қисми ва 210-моддасининг III қисми билан айблаб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этди. Ўзбекистон ССР Олий Суди ўзининг 1983 йил 14 февралдаги ажрими билан ҳукмни ЎзССР ЖК 152-моддаси II қисми бўйича айблов қисмини бекор қилиб, ишни яна қайта тергов қилиш учун қайтарди. Бир терговчининг ўрнини бошқаси эгаллади. Тергов пайтида қурилиш ташкилоти тафтиш қилиниб, Э. Тошматовни четлаб ўтилиб, яъни унинг имзосисиз 13, 225 сўм талон-тарож қилинганлиги маълум бўлди. Яна суд. Бу сафар вилоят суди Э. Тошматовни 3 йилга озодликдан маҳрум этди. Пора олгани исботланмади деб топиб, 152--моддани бекор қилди. Унинг гарданида энди 210-модданинг III қисми — уйида овчиларнинг пичоғини сақлагани айби қолган эди. Яна қайта тергов, яна суд. Эркин Тошматовга сиз энди бир йил ўтириб берасиз, дейишди ва у бир йил ноҳақдан ноҳақ ўтирди. Чунки, Тошматовлар хонадонидан овчиларнинг пичоғи чиққанди. Бу пичоқни ким топиб олганини-ю, ким сотиб олгани ҳам номаълум эди. Пичоқ — пичоқ-да. Ҳар бир хонадон учун керак буюм. Бунинг устига уни, ҳатто ўша овчиларнинг пичоғини ҳам 1982 йилгача дўконларда эркин сотиб олиш мумкин эди. Буни овчилар дўконининг сотувчисидан тортиб, Олий Суднинг раисигача билишарди. Лекин, шунга қарамай, Эркин Тошматовни бошқа айби топилмагач, ўша пичоқни «асрагани» (аслида Э. Тошматовлар оиласи бу пичоқни ишлатишган — сабзи арчишган, нон тўғрашган ва ҳоказо) учун бир йил муддат беришди. Ўзларини билмаганга олишди. Чунки, орган ходимлари, терговчилар Тошматовга порахўр деб айб қўйишган. Лекин бу «айб»нинг таги бўшлигини уларнинг ўзлари ҳам билишар эди. Шу боис яна қандайдир (асоссиз бўлса ҳам) айб зарур эди. Шу пайт орган ходимларининг кўзига «ярқ» этиб пичоқ учраган... Тафсилотлардан энг охиргиси шуки, Ўзбекистон ССР Олий Судининг 1990 йил 29 апрелда бўлиб ўтган пленуми шундай қарор қилди: Тошматов Эркин Абдураҳмоновичга нисбатан ЎзССР ЖК 210-моддаси III қисми билан қўзғатилган жиноий иш юзасидан Фарғона область судининг 1982 йил 10 декабрдаги ҳукми, ЎзССР Олий Судининг жиноий ишлар бўйича судлов коллегиясининг 1983 йил 14 февралдаги ажрими ва Президиумнинг ана шу судни тасдиқлаган 1987 йил 19 майдаги қарори бекор қилинсин ва ЎзССР жиноят процессуал кодекси 5-моддаси, 2-бўлимига асосланиб унинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги учун мазкур иш тўхатилсин».

Эркин Тошматов билан унинг бошига тушган савдолар хусусида суҳбатлашар эканман, редакциямизга ноҳақ қамалгани хусусида ариза ёзган Наманган область Уйчи районда истиқомат қилувчи Аҳмаджон Жамолиддинов, Марғилон шаҳрида яшайдиган кекса отахон Мухторжон Абдусатторовнинг тақдири ҳақида ўйладим. А. Жамолиддинов 1978 — 1983-йиллар мобайнида қамоқда ўтирган. Судлар қайта-қайта бузилган ва ҳар сафар биринчи суд ҳукми ўз кучида қолаверган. Судларнинг обрўсини судлар сақлаб қолаверган. Мухторжон Абдусатторов эса 1976 йил 5 йил муддатга қамалган. Камерада ётган жойига киритилган бир каллакесарнинг калтаги остида қилмаган ишини қилганман, олмаган пулини олганман, деб ёзиб қамалиб кетаверган. Мухторжон ака ҳам, Аҳмаджон ака ҳам ўзларини айбдор деб билишмайди. Ўз виждонлари қаршисида пок. Лекин, одамлар-чи? Одамлар нима дейди? Уларни мана шу саволлар қийнайди. Агарки, дўконда эркин сотилган битта пичоқни деб ноҳақ қамалганини исботлаш учун Эркин Тошматовга нари-бериси билан 10 йил вақт кетган экан, бўйинларига катта миқдордаги пулларни илиб ноҳақ қамалган (ўзларининг ёзишларича) А. Жамолиддинов билан М. Абдусатторовнинг Э. Тошматовга ўхшаб Олий суд Пленумининг оқловчи қарорини чиқаришларига қанча йил керак? Умуман бундай қарорга эришиб бўлармикан?

Мана шундай пайтларда ўйлаб қоласан одам. Адолатнинг мезони борми? Бор бўлса; қандай қарич билан ўлчанади? Бор бўлса, нега одамлар адолат қидиришади? Нега бизнинг бугунги турмушимиз ғариб, нотавон? Нега қарға қарганинг кўзини чўқимайди? Нега ўша адолат посбонлари осмондан чалпак ёғиб ҳақиқат қилишганларида ҳам чала ҳақиқат қилишади?

ДАЪВОИМИЗ ҚУРУҚ бўлмаслиги учун яна Эркин Тошматов тақдирига қайтамиз. Унинг оқловчиси, юрист Р. Абдурасулов редакцияга ёзган хатида шундай дейди: «Агарда ҳақиқатан ҳам ҳар бир нарса ўз номи билан аталадиган замонлар келган бўлса, бу жиноий ишни (**Э. Тошматов ишини — Е. Х**), ҳам ўз номи билан баҳолаш керак. Уни «айби исботланмагани учун» ётқизилди, деб эмас, бу ишни, Тошматовга нисбатан қилинган провакация — ифвогарлик, туҳмат, деб баҳолаш ва айбдорларни жазолаш керак бўлади. Ана ўшанда ҳақиқат тўла тикланади. Унгача бу — чала ҳақиқатдир».

Оқловчининг фикрларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон ССР Олий судининг пленуми ҳам Э. Тошматов ишни юзасидан тўла ҳақиқатни тиклامаган. Нега Э. Тошматовга пора «беришни» уюштирганлар ўз жазосини топмаган? Агар иккинчи судда Э. Тошматовнинг пора олгани исботланмаган экан, нега туҳмат қилганлар жавобгар бўлмаган? Нега у ёки бу орган ходимига, терговчига судда ўз исботини топмаган жиноятни тиркагани учун, пок бир одамнинг кўлига кишан солиб сазойи қилгани, шаънини булғагани, туҳмат қилгани учун жазо берилмайди? Нега бизда алоҳида бир тақдирларни ҳисобга олмаганда, кўпинча район судининг ҳукмини область суди, область судининг ҳукмини Олий суд кўр-кўрона тасдиқлайверади? Нима сабабдан бир иш йиллаб қайта тергов қайта суд қилинади? Икки оёқ бир этикка келиб қолганда эса қайси бир суд «айби исботланмагани учун» деган тутуруқсиз, бетайин модда билан сувдан силлиқ қутулиб кетаверади? «Айби исботланмаган» инсон, йиллаб идорама идора югуриб товонлари ёрилган, кўнгли ўксик, юраги вайрон инсон эса бир парча жонсиз қоғозни ушлаганча чорраҳада қайси йўлга юришни билмай туриб қолаверади? Минглаб мана шундай туҳмат, лоқайдлик, бепарволик қурбони бўлган одамларнинг тақдири учун жавоб берадиган бирон бир кимса борми?

Бу саволлар, бу фиғонлар бир меники эмас. Уларни ҳақиқат излаб ноҳақликларга, чала ҳақиқатларга йўликаётган юзлаб, минглаб жабрдийдалар беришмоқда.

— Йигирма йил партия сафида бўлдим, — дейди Эркин ака биз билан суҳбатда. — Партия ва ҳукумат кўрсатмаларини амалга ошираман, ташкилотда тартиб-интизом ўрнатаман, давлат маблағининг талон-тарож қилинишига йўл қўймайман деб, нопок одамларга ёмон кўриниб туҳматга учрадим.

Эркин аканинг оқловчиси Р. Абдурасулов шундай ёзади: «Партия коммунистнинг ҳалоллигини, тўғрилигини била туриб, нега унинг тарафида турмайди. Тўғри бўл, ҳалол ишла деб тарбиялаб, йўл кўрсатиб, бир кун келиб ҳалоллиги оқибатида бирор балога гирифтор бўлганда — томошабин бўлиб «бу ёғини ўзинг биласан, энди...» деб турган партия ташкилотини нима деб аташ мумкин...»

Р. Абдурасуловнинг мактубини ўқиб ўтириб шундай бир ривоят ёдимга тушди: Бир етим бола бўлган экан. У ўсиб-улғайгач онасидан сўрабди:

— Ҳамманинг отаси бор, нега менинг отам йўқ?

Онаси жавоб берибди:

— Болагинам, сенинг ҳам отанг бор эди, лекин у дарёга чўкиб кетган.

Бола яна сўрабди:

— Ўша дарёда кўприк йўқмидики, отам ундан ўтса?

Она жавоб берди:

— Бор эди, бироқ у жуда ҳам узоқдайди.

Бола айтди:

— Агар у ҳозиргача йўл босганда ҳам, наҳотки кўпиккача етмаган бўларди?

Она кулиб деди:

— Албатта, у шуни ўйлаганида чўкмаган бўларди...

Турғунлик йиллари да партиямизнинг жуда кўп раҳбарлари кўприкдан ўтиш ўрнига сувга чўккан ўша одамга ўхшаб иш тутишди. Энг ачинарли жиҳати шундаки, улар ўзлари билан бирга партиянинг обрўсини, коммунист деган номни ҳам сувга чўктирдилар. Турғунлик йиллари шундай бўлди дейлик. Лекин, ҳозир-чи? Эркин ака оқлангандан кейин ҳам бир қанча муддат ишга жойлашолмай юрди. Чунки, унинг меҳнат дафтарчасида фалон пайтда қурилиш ташкилотига бош инженер бўлиб ишга кирди ва фалон ишдан кетди, деган ёзув йўқ эди. Бундай ёзувсиз эса бирон жойда ишга қабул қилмайди. Қурилиш ташкилоти йўқотилган. Бошқармада эса «Сизнинг бош инженер бўлиб тайинланган пайтдаги буйруқ йўқолган эди» деб жавоб беришди. Мана, етти йилдирки, Э. Тошматовнинг меҳнат дафтарчаси аросатда. Бирор жойга иш сўраб борса, меҳнат дафтарчасини сўрашади. Унда эса ёзув йўқ. Бошидан ўтган воқеаларни айтиб беради. Қанийди, шу билан ўша жойга ишга қабул қила қолса. Йўқ, қабул қилишмайди. Меҳнат дафтарчангизни тартибга солиб келинг, дейишиб мулойим кузатиб қўйишади...

Хайриятки, дунёда яхши одамлар бор! Эркин ака ўшаларнинг ёрдами билан ишга жойлашди. Лекин, меҳнат дафтарча эса ўша-ўша — ёзувсиз!

БИЗНИНГ ТУЗУМИМИЗДА ишингиз органга, амалдорларга тушмасин. Бир пайтлар органга иши тушган одамнинг боши кетган бўлса, бугунги кунда ундай одамнинг боши омон қолса ҳам, бошқа ҳамма нарсадан — обрўсидан, иш жойидан, ҳатто Эркин Тошматовга ўхшаб меҳнат дафтарчасидаги ёзувидан ҳам маҳрум бўлади. Қарғалар қарғаларнинг кўзини чўқимайди!

Еқубжон ХУЖАМБЕРДИЕВ

ҚАНОТСИЗ ҚЎШИҚЛАР

Биз болаликда қайси қушиқларни айтардик? Укаларимиз, болаларимиз-чи?! Гапнинг нишабини яна болалар қушиғига буриш учун қўлимга қалам олдиму, иккиланиб қолдим. Негаки, Эркин Воҳидов айтганидек, ошкоралик туфайли қўлга киритган ютуқларимиздан биттаси — «дод» дейишни ўргандик. Лекин «дод» деганимиз сари эшитадиган қулоқ, эътибор берадиган одам топилмаяпти. Боиси, бизга жўровоз бўладиганлар кўпайиб қолди. Мутасадди ўртоқлар бу ҳолга фикрлар хилма-хиллиги деб қарашяпти. Шундай бўлса-да, барибир, болалар қушиқлари ҳақида сўз юритишга жазм этдик. Зора, бирорта мўмин-мусулмон болалар учун хизмат қилиш кони савоб эканлигига имон келтирса.

Менинг тенгқурларим бу дунёга армон билан келган. Оталаримиз урушда, оналаримиз сочига эрта оқ тушган, дастурхон қуп-қуруқ. Ана шундай шароитда юракда бир дунё умид билан яшаганмиз. Сабаби, эртага ишонч кучли эди. Биз армонларни нолалар билан, изтиробли қушиқлар билан енгардик. Қўш ҳайдаган одам ҳам ўзича мингирлаб қушиқ айтарди. Бугдой ўрими, уни янчиш пайти, борингки, йўлга отланган ҳар бир йўловчининг ўз хиргойиси бўларди. Бизнинг болалигимиз, айтган қушиқларимиз бугунгидан батамом фарқ қилади. Ахир, бекинмачоқ, чиллак ўйин пайтларида ҳам қушиққа ўхшаш бир нарсани қуйлардик. Ёки бошимиз устидан қўш қанотли тайёра ўтиб қолгудек бўлса, варрак учираётган болалар бор овоз билан осмонга караб:

Осмондаги самолёт,
Қанотингни пастлаб ўт.
Қанотингга хат ёзай,
Кремлга ташлаб ўт,

деган онларимиз ҳам бўлган. У йилларда бунақа тайёралар, асосан, тарғибот ишлари билан шуғулланарди. Далаю даштларга, боғу роғларга заҳру заққум сочмасди. Шаҳар устида айланар экан, «Пашшани қиринг!», «Озодаликка кенг йўл» сингари чақириқлар битилган варақаларни ташларди.

Нима бўлганда ҳам, бизда ёруғ кунларга умид катта эди. Бунинг бош сабаби — хонадонда олган тарбиямиз бақувват эди. Узун қиш кечалари танча атрофида тиқилиб ўтирар эканмиз, бувиларимиз бизга нене эртакларни айтиб беришмаган. Жойлари жаннатда бўлгурлар кўп эртак, чўпчак, матал, чистон, топишмоқларни билишарди. Ана ўшалар бизнинг авлод қалбига меҳр-шафқат уруғини экиб кетишган. «Ёрилтош»ни бошлашса, биз ҳам қўшилишиб қўшилардикда...

Ёрилгин тош, ёрилгин-а,
Мен опамни кўрайин-а.

«Уч оғайни ботирлар»ни тинглаганда, ботирликни ҳавас қилиб, ака-укалар аҳиллигини ўйлардик. Бу ҳар бир ўзбек хонадонида бўладиган табиий бир ҳол эди. Биз узоқ йиллар бесавод деб келган боболаримиз, момоларимиз ибратли ҳикоятларни қулоғимизга қуярди. «Ёр-ёр» оҳанглари, лапар, алла, ялла ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Қўшиқ айтиб аламни, ҳасратни енгишни ўргатишарди. Сир эмас, биз болалар озми-кўпми аза қўшиқларини биларди. Нақадар доно эди улар. Бизни ҳаётга ана шундай тайёрлашарди. Биз, қишлоқи болалар достон, эртаклар эшитибгина қолмасдан, дала-даштда қўйэчки боқар эканмиз, тол навдасидан ўзимизга тол таёқ ясаб, унинг бўйини мушт орасида ўлчаб, қуйидагича айтадиган қўшиқларимиз ҳам бор эди:

Тол таёқ, толмин таёқ,
Юз минг қўйни боққан таёқ.
Бир илонни ўлдириб,
Эга бошини еган таёқ.

Удум, ирим шунчалик эдики, охирги сатрдан чўчирдик. Чунки эгасининг бошини ейдиган таёқ кимга керак. Ё уни синдирардик, ёки бошқа таёқ ясардик.

Халқимиз бесабаб қўшиқ тўқимаслигини ана энди ҳис қиляпмиз. Шаҳар кўрган баъзи акаларимиз мана бунақа қушиқларни ҳам куйлашарди:

Тақ-тақа поезд келади,
Лўм-лўм моможон,
Ичи тўла қиз келади,
Лўм-лўм моможон.

Биздақалар дарров бу сатрларни илиб олардик. Кўп ўтмай, ўзимиз хиргойи қилардик. Ўқувчилик йилларида эса бир қолипдаги ашулаларни айттиришган экан. Синфимиз болалари билан қачон байрамга чиқмайлик: «Ассалом рус халқи»ни, «Москва оқшомлари»ни ижро этардик. Ҳали-ҳанузгача унинг сўзини, мусиқасини ёд биламиз. Бизнинг-ку, пойдеворимиз бор эди. Адашиб, йиқилиб-сурилиб бўлса-да, аста-секин уйғониб, нимжон ҳисларни тирилтираяпмиз. Аслимизга қайтиб, миллий мусиқамизни тавоб қиляпмиз.

Хўш, бизнинг болалар қайси қушиқ, қайси куйни билади. Куни-кеча эди боғча болалари тилидан мана бу қушиқни эшитганим:

Чай пили,
Ложку мили
По турецки
говорили
Чаби-чалаби...

Кичкинтойлар бу қушиқни айтиб, устига-устак аъзойи-баданини ликиллатиб ўйинга тушарди. Нимасини яширамиз, улар қаторида ўзимизнинг болаларимиз ҳам бор эди..

Ана ўша кичкинтойлар кейин мактабга, олий ўқув юртларига бордилар. Ўзбекона қиёфада европача фикрлаб, ўзгалар қушиғини айтишди, рақсларга тушишди. Дадил айтишим керакки, буларнинг барчаси зимдан режалаштирилган иш эди. Ўзбек қушиғига, мусиқасига, тилига беписандлик ана шундан бошланган. Буларнинг ҳаммаси кўз ўнгимида бўлиб ўтди. Биз буни кўра била туриб, ўзимизни кўрмаганга олдик. Ҳар бир авлод, қачондир «Менинг болалик қушиқларим қани?», — деган саволга жавоб излайди. Ўзи бормиди, дегувчилар ҳам топилади.

Мана, бир неча йиллардан бери, болалар қушиғи оби ҳаводек зарур, деган сўзлар такрорланади, куюнчак нутқларда айтилади. Кузатишимча, болалар қўшиқлари йўқ эмас, бор. Бу соҳага жонини фидо қилган ва қилаётган шоир, бастакорлар ҳам анча-мунча. Фақат уларга эътибор йўқ. Айтайлик, Ёзувчилар уюшмаси қошида бир пайтлар қўшиқ кенгаши ишларди. Ана шу кенгаш ишлаган йилларда бирор марта болалар қушиқлари ҳалолу поқиза муҳокама қилинган эмас. Доим кейинги сафарга қолдириларди.

Болалар қушиқларига кимдир эгалик қилиши керакми? Наҳотки, ҳайрли ишни қўллаб-қувватлайдиган, савобталаб бирорта ташкилот топилмаса. Тўғри, айтганимиздек, фидойилар бор. Фақат уларни тан олгимиз, эътибор бергимиз келмайди. Мен бир-икки мисол билан фикримни ойдинлаштирмоқчиман.

Фидойилардан бири шоир Пўлат Мўмин бўлса, иккинчиси, толмас бастакор Шермат Ёрматовдир. Қайси бир анжуманни хурсанд қилиш керак бўлса, хушовоз булбулчаларни дарров йиғиб келишади. Лекин ана шу «Булбулчалар»нинг оркасида камсуқум шоиру бастакорлар турганини биров хаёлига келтирмайди.

Ҳалол гапни айтиш керак. Қарийб ўттиз йилдан бери Шермат Ёрматов бир этак болани етаклаб, уларга қўшиқ ўргатиб, куй басталаб юрибди. Янглишмасам, ҳар ойда бир марта ойнаи жаҳонда «Қўшиғим, жон қўшиғим» деган эшиттиришни ҳам олиб боради. Ёш дўстларимизга янги қўшиқ ўргатади. Худди шунингдек, Аваз Мансуров деган истеъдодли бастакор ҳам бор.

Амалий таклифим шундай. Болаларга қўшиқ ўргатиш, уларнинг дунёсига кириб боришнинг яна бир йўли бор. Ойнаи жаҳонда болалар бастакорларининг ижодий кечаларини ўтказишни одат қилиш керак. Ана ўшанда ота-она, болачақа ўзига маъқул куй-қўшиқни хонадонига олиб киради. Русларда Владимир Шаинский деган бастакор бор. Ҳурмат-иззати ҳам, обрў-эътибори ҳам жойида. Шермат Ёрматовга ҳам худди шундай муносабатда бўлсак, биров бизни уришадими? Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деганлари шу бўлса керак. Худди шу фикрларни шоирлар ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Шу ўринда болалар шоир ва бастакорларига бироз гинам ҳам бор. Улар фақат пойтахт ва унинг атрофи билан ўралашиб қолмасдан, область ва районларга, қишлоқ мактабларига чиқиб, ўз қуй-қўшиқларини болалар даврасига олиб киришлари лозим. Ўз шоири, ўз бастакори борлигини чекка жойдагилар ҳам ҳис қилсин.

Бизда меҳр-шафқат, ҳазил-ҳузул қўшиқлар деярли йўқ. Бизнинг болалик қўшиқларимиз ранг-баранг эди. Гарчанд уларни уста шоирлар ёзмаган эса-да, бутун бошли халқ яратгани учун дилга яқин эди. Рамазон қўшиқларини ҳозир қайси бола билади? Қоронғу тушар-тушмас, тўда-тўда бўлиб рамазон айтгани чиқардик. Ҳар бир ҳонадонга мос таърифларимиз бўларди.

Бу уйнинг орқасида
ой кўринар,
Бу уйнинг эгаси-чи,
бой кўринар.

Ёки:

Офтоб чиқди оламга,
Югуриб бордим холамга.
Холам айтди ўтин тер, —

кабиларни бир эсланг.

Қани ўша эркалатма, ўйинқароқлигимиз ифодаси бўлган қўшиқлар. Нега энди болалар боғчаларида тилдан-тилга кўчиб келаётган умрбоқий қўшиқларни ўргатиш мумкин эмас. Демоқчиманки, қўшиқ эшитишга болаларни тайёрламоқ керак. Бизни ўз муҳитимиз тайёрлаган. Куйга, қўшиққа меҳримизни оширгган.

Бугун дийдаси қаттиқ болалар кўпайиб кетди. Уларга панду насиҳат кор қилмай қолди. Қўлимиздан келганча, яхши хислатларимиз заминини шудгор қилиб, беҳмеҳрлик уруғини экиб боряпмиз. Ўзимиз уларга етимхоналар... ҳар хил уйлар эшигини очиб қўйганмиз. Бу ҳолга келишимизнинг асосий сабаби болаларимизнинг маънавияти, руҳий олами ўта ғариблигида, дир.

Яна бир таклиф. Болалар қушиғининг маркази ташкил қилинса. Ҳар ҳолда, мушт бир ерда тугилади. Ана шунда болалар қушиқлари ҳам қанот пайдо қилади. Ҳозиргидек қаердан учишини, қаерга қўнишини биломай, оворai саргардон бўлиб юравермайди. Умри қисқа, арзон гаров қушиқлар камаяди.

Сафар БАРНОЕВ

ҲАҚИҚАТНИ БИЛСАК ЭДИ



МАНГУ ОБИДА



Алексей ЖДАНОВ суратга олган

Бухоро шариф ўзининг бир неча юз турли хил обидалари билан элу элатларга донғи кетган. Ҳаттоки, жумҳуриятимизнинг асосий саёҳат шаҳарларидан бирига айланди. Лекин ҳозирги кун тарозуси билан ўлчайдиган бўлсак, кундан-кунга нураб, файз-таровати кетаётган, неча асрлик обидаларнинг аҳволи жуда аянчли ҳолатда. Тарихимиз зарварақларидан ўрин олган обидаларнинг аҳволи хусусида жумҳуриятимиз газеталари, журналларида жуда кўп гапирилди, лекин аниқ чора тадбирлар ҳақида ҳеч ким сўз қотиси йўқ.

Қайта қуришнинг бешинчи йилини ҳам яшаб бўлдик ҳисоб. Бошқа соҳалар каби, меъморчилигимиз ҳам парокандаликка учради, десак муболаға бўлмайди. Шуни ҳам рўйи-рост айтиш даркорки, нафақат Бухоро, балки обидалар кони Самарқанд, Хевада ҳам аҳвол айтарли даражада эмас.

Яқинда қўҳна Бухоро шаҳрига боргач, у ердаги обидаларни кўриб, қалам тебратишга мажбур бўлдим. Вилоят раҳбарлари обидаларни сақлаш бўйича анчамунча иш қилишгани сезилмоқда. Шаҳардаги нураб ётган Файзулла Ҳўжаев уйини тезкорлик билан таъмирлашмоқда. Талайгина маблағ сарф қилиб таъмирланаётган уй-музей яқин ўртада сайёҳларни қабул қилса керак. Лекин бир фикр мени тинч қўймайди. Таъмирлаш ишлари учун ажратилаётган барча маблағ қаёққа кетаётган экан? Вилоят раҳбарларидан бири шундай жавоб қилганди: «Тушаётган маблағдан бор-йўғи тўрт фоизигина нураб ётган обидаларни таъмирлашга ажратилади...» Шу ўринда менда бир таклиф бор. Маблағнинг деярли ҳаммаси марказга кетар экан, эҳтимол, ота-бобомиздан қолган ҳашар усулига ўтармиз. Жумҳуриятдаги барча меъморлар бутунлай сафарбарликка чақирилиб, барча шаҳарларимиздаги обидаларни сақлаб қолиш имконини қидиришимиз зарур. Барчаси амалга ошгач, сайёҳлардан тушадиган маблағлар хусусида ҳам ўйлаб кўриш даркор...

Ҳашар деймизу лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Бухоро шаҳридаги айрим масжид, мадрасаларнинг аниқ номини ўша яқин ўртада яшайдиган аҳолининг ўзи ҳам билмайди. Масалан, шаҳардаги кичик бозор яқинида нураб ётган эски иморат бор. Илгарилари бу ерда мадраса бўлгани кўрониб турибди. Лекин унинг аниқ номини ҳеч ким билмас экан. Сўраб-суриштирсак ҳаттоки, ёшлари анча ўтиб қолган қариялар ҳам мум тишлаб қолишмоқда. Шуниси, қизиқки бундан бир неча йил бурун мазкур мадраса аввал ётоқхона, озиқовқат дўкони бўлган, айни кунда эса бу ер холодильник тузатадиган устахонага айлантирилган. Мадрасани шифтлари тушиб, деворлари нураган, тўсинлари тушган, қийшайган ҳолда кўриб алланечук бўлдик.

Тўғри, балки обидаларнинг нураб кетишига инсонлар айбдор эмасдир. Табиий офат бўлгандир, йиллар саноғи ҳам обидаларга путур етказган бўлиши мумкин. Лекин бир нарсага ҳайронман. Ахир, бир неча метр баландликдаги миноралар пастак обидаларга нисбатан бир мунча яхшироқ сакланган (билмадим, агар инсоннинг бўйи ўша минорадек бўлганда, балки уларни ҳам асл ҳолича кўрмасмидик?..

Маълумки, Бухоро шаҳри баланд-баланд деворлар билан ўралган бўлиб, улар истеҳком ўрнини ўтарди. Негадир, бир неча асрлар давомида пишиқ-пухта турган деворлар эндиликда кемтик жойлари кўпайгани учун кўримсизгина бўлиб колган. Эшитишимча, кулоллар деворни бузиб, уйларига ташиб, буюм ясашаркан. Демак, тарихнинг ҳар бир зарварағидан бир ашё ясалса, қўлимизда бирон бир тарихий воқеани англатувчи буюм турарканда. Зеро, Бухоро атрофидаги истеҳком-деворнинг жуда кўп қисми сақланиб колган, жилла қурса ўша қисми келгуси авлод учун ҳадя этилса яхшироқ бўларди.

...Узоқдан кўриниб турган дарвозанинг табақалари очилиб, асрлар тарихига кириб кетаётгандек бўламан. Метиндек сақланиб турган кўрғон дарвозасини амир аскарлари очиб, меҳмонларни кутиб олаётгандек туюлади менга... Булар фақат менинг ўй-хаелим. Агар бирон тадбиркор киши топилса, тарихни эслатувчи ана шу жойларни таъмирлаб, келаётган сайёҳларга кўрсатиш учун сахна тайёрлаб, кичик театр очиши ҳам мумкин. Шунда, ҳеч бўлмаса, тарихимизни, ўзлигимизни бироз сақлаб қолишга имкон туғиларди (маблағ ҳам кўпаярди).

Шаҳардаги кўпгина обидалар олдига қўйилган турли шиорлар, кўрсатмалар шундоқ ҳам файзсиз бўлиб бораётган ёдгорликларнинг ҳуснига доғ туширмоқда (суратда ана шулардан бирини кўриб турибсиз). Илгари мавжуд бўлган 360 та мадрасанинг сони ҳозир анчагина камайган. Шуниси аянчлики, уларнинг аксарияти илмий методик марказга, турли ашёлар билан савдо қилувчи дўконларга, суратга тушириш устахонасига айлантирилган.

Бухородаги энг кўркам иморатлардан бири Мағоки атторон масжиди ҳисобланади. Масжид XII—XVI асрларда бунёд этилиб, кейинчалик кўмилиб кетган. 1934—35 йилларда В. А. Шишкин бошчилигида ўтказилган қазилмалар туфайли ана шу масжид халқимизга қайтарилди. XIII асрда яшаб ўтган ҳазрати Баҳовуддин мақбараси ҳам бундан бир неча асрлар илгари бунёд этилган. Мақбара анчагина кўримсизлашган, уни 1981 йилдан таъмирлаш бошланган. Бироқ, таъмирлаш ишлари жуда сўст олиб борилмоқда. Бунинг сабаби битта: маблағ йўқ. Шуниси диққатга сазоворки, маҳаллий аҳолининг айтишича, ҳазрати Баҳовуддин мақбараси Маккаю Мадина каби муқаддас жой ҳисобланар экан. Баланд нақшинкор устунларнинг бироз кийшайиб, ёрилиб кетганлигини ҳисобга олмаганда, мақбара теварагидаги айвонлар ҳали анча мустаҳкам. Лекин бу аҳволда улар ҳам яна қанчагача етиши мумкин? Илгарилари ҳазрати Баҳовуддин мақбарасини зиёрат қилгани келганлар учун дам олиш жойларини топиш муаммо бўлиб турарди. Эндиликда мақбара яқинида меҳмонхона қад ростламоқда. Меҳмонхона чойхона услубида қурилиб, у ерга қўнган меҳмонлар (шуни айтиб ўтиш керакки, мақбара ҳовлисига хорижлик меҳмонларнинг кириши тақиқланган. Бу ерга фақат мусулмонлар киритилади) сўриларда ўтириб чой ичиб, тамадди қилишлари мумкин. Меҳмонхонани қуриш эса мақбарага келганлар ташлаб кетаётган эҳсонлар ҳисобига қурилмоқда.

Мақбара ҳудудига кирадиган баланд гумбазли иморатни таъмирлаш ишлари ҳам жуда сўст олиб борилмоқда. Гумбаз ўртаси зилзилалар туфайли ўпирилган. Эндиликда у ерда таъмирлаш ишларини олиб бораётган «Усто» бирлашмасининг меъморлари қўлдан келганча иш бажаришмоқда. Лекин «қуруқ» қўл билан нимага эришиш мумкин?

Замон айланиб, йиллар ўтмоқда. Ҳақиқат чархпалаги гоҳ тўғри айланар, гоҳ чаппасига. Шу боис обидаларнинг бугунги қиёфаси ҳақида бироз ҳақиқатни сўзлашга жазм қилдим. Ана шу ҳақиқат обидаларимизни сақлаб қолиш учун қанчалар ёрдам бериши менга коронғу. Шундай бўлса ҳам фурсат ўтиб, уларнинг бугунги қиёфаси яхши томонга ўзгарар, деб ўйлайман.

Дилшод ЖАЛОЛОВ,
журналист

МУСАВВИРНИНГ ЯНГИ АСАРИ

Тасвирий санъатда тарихий мавзуни ёритиш беадад изланишлар эвазига амалга ошадиган масъулиятли вазифалардандир. У мусаввирдан чуқур билим, бой тажриба ҳамда юқори мутахассислик малакасини талаб этади. Шунинг учун тарихий воқеабанд композициялар яратувчи рассомлар сони бармоқ билан санарли.

Эллик йилдан зиёд вақтдан буён мўйқалам тебратаётган таниқли ўзбек рассоми, профессор Малик Набиев ана шу мураккаб жанрда самарали ижод қилиб келмоқда. Тасвирий санъат ихлосмандлари унинг «Абу Райҳон Беруний портрети», «Спитамен кўзғолони», «Муқанна қўзғолони», «Бой билан хизматкор», «Самарқанд ҳунармандлари кўзғолони», «Абу Али ибн Сино», «Заҳириддин Муҳаммад Бобур» каби асарларини яхши билишади.

М. Набиев куни кеча ўзининг «Амир Темур» портрет асарини ниҳоясига етказди. Рангтасвирда саркарда кийимидаги жаҳонгирнинг дам олиб, хаёлга чўмиб ўтирган қиёфаси ўз аксини топган. У ўтирган хонадаги муҳит ўша даврга хос кўринишда, барча майда тафсилотлари билан кўрсатилган. Асосий эътибор образнинг ички қарамақарши хусусиятини, руҳий оламини очиб беришга қаратилган. Муаллифнинг айтишича, унда фақат қаттиққўл саркарда, ҳоким подшоҳгина эмас, балки маданият, меъморчиликни ҳам қадрлаган, кўплаб улкан иншоотларни барпо этишда бош-қош бўлган, мураккаб шахс сиймосини мужассамлаштириш мақсади кўзланган.

«Мен бу мавзуни кўпдан буён дилимга тугиб юрган эдим, — дейди рассом. — Аслида Амир Темур портретини рангтасвирда ишлаш ғояси ўн йиллар наригисида пайдо бўлганди. Аммо унда ҳали Амир Темур портретини яратиш у ёқда турсин, бу ҳақда ёзиш ҳам тақиқланган эди... Шундай катта тарихий шахсларнинг халқ тақдири, ўтмишида ўзига яраша ўрни бўлган, албатта. Уларни одамлар хотирасидан ўчириб ташлаш мумкин эмаслигини замон кўрсатмоқда. Кечагидек ёдимда: Амир Темур гўри очилганлиги, антрополог-ҳайкалтарош М. Герасимов Темурнинг калла суяги асосида ҳайкал-портрет ишламоқчи эканлигидан хабар топган эдим... Балки ўша кезлардаги бошимдан кечирганларимни унутолмаганим ушбу асарни яратишимга туртки бўлгандир».

Тўғри, бундай портретни яратиш мўйқалам устасидан жуда катта масъулият талаб этганлиги табиий. Шунинг учун ҳам у Амир Темур сиймосини гавдалантирувчи рангтасвирни ягона, мукаммал намуна деб даъво қилаётгани йўқ. Уни шу туркумдаги бошқа асарларда иложи борича янада такомилига етказмоқчи.

— Портретни баҳоловчи ҳакам бу — ҳамкасблар, санъатшунослар, тарихчилар... қисқаси, кенг халқ оммаси, — дейди мўйқалам соҳиби. — Шу сабаб ҳали рангтасвир дастгоҳида турган портретни тез-роқ уларнинг ҳукмига ҳавола этиш ниятидаман.

Баҳром ТОЖИЕВ

ИНСОНИЙЛИК МАДҲИ

Маннон Уйғур номидаги Тошкент Санъат институти рассомлик факультетининг методик хонасида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг ташаббуси билан «Инсонпарварлик, меҳр-шафқат —халқ хизматида» мавзуида плакатлар танлови бўлиб ўтди. Танловда 40 дан ортиқ муаллифнинг 60 дан зиёд иши намойиш этилди. Муаллифлар асосан мазкур институт, Беньков номидаги республика бадиий билим юрти, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг бадиий графика факультетида таълим олаётган талабалардир.

Мазкур танлов жюри ҳайъати аъзоси, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти ташкилий ишлар бўлими мудири Анвар Ёқубхўжаев кўргазма ҳақида бундай деди:

— Ҳар йили жумҳуриятимиз рассомлик ўқув юртлари талабалари ўртасида Қизил-Ярим ой мавзуидаги республика плакатлар танлови ўтказилиши яхши анъанага айланиб қолди. Навбатдаги танлов Қизил Ярим ой жамиятининг 65 йиллигига бағишланди. Бу йил танловда биринчи марта вилоят ёш рассомлари ҳам қатнашдилар. Танлов ғолибларига 16 та пулли мукофот таъсис этилди. Намойиш қилинаётган асарлардан кўриниб турибдики, Орол муаммоси, СПИД хавфи, табиат муҳофазаси ёш ижодкорларни бефарқ қолдирмаяпти.

— Танловда асарларнинг қайси жиҳатларига эътибор берилди?

— Асосий эътибор асарларнинг бадиий жиҳатларига ва мавзуига қаратилди. Ғолиблар яширин овоз бериш йўли билан аниқланди. Тошкент Санъат институти III курс талабаси Қурбоной Матмуродованинг «СОС» номли иши биринчи даражали мукофотга лойиқ деб топилди. Қолган ўринлар В. Бакиров, Р. Усмонов, З. Тошпўлатов, Тиловов, Шайкумиров, В. Ульянов, Сумаку, Кокоткин, Акбаржонова каби талабаларга насиб этди.

Дилбар ОМОНОВА

«ТОМОША» МОСКВА МЕҲМОНИ

Яқинда пойтахтимизда ўтган болалар театрлари фестивалида «Томоша» болалар театр-студияси ҳам қатнашиб, кўпчилик мутахассислар ва томошабинлар эътиборини қозонганди. Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси ташаббуси билан тузилиб, ҳозирги кунда республика Болалар фонди қошида фаолият кўрсатаётган бу студия 3 январдан 15 январгача Москвада ўтказиладиган Халқаро театр фестивалида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Шуниси қувонарлики, бу Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон регионидан қатнашаётган ягона коллективдир. Нодира Қурбонова раҳбарлигидаги театр студия қатнашчилари ўз программаларини Москва Ёш томошабинлар театри саҳнасида намойиш этадилар. Безакларни таниқли рассом Г. Брим қайта ишлаб берган мазкур кутубхонага ўз китобларини тақдим этдилар.

Б.БУРОНОВ

Умаржон ТОҲИРОВ:
ЭЪТИҚОДЛИ БЎЛАЙЛИК

1. — Йил якунланди. Шу билан умрнинг бир бўлаги ҳам. Ҳозир сарҳисоб даври. Шу маънода ўтган йилдан кўнглингиз тўлдими?

— Ўтган йилда хотиржамлик кам бўлган бўлса-да, поклонишга интилувчи қучларнинг сони ошганини сездим. Инсонлар бир озгина эътиқодсизликдан эътиқод сари юз бурдилар. Лекин бу ҳали дарёдан томчи. Томчилар кишида умид уйғотди. Чунки:

Томчилар, томчилаб
томсангиз,
Тошни ҳам тешарсиз, бу
тайин.
Томчилар, жам бўлиб
олингиз
Кун сайин, ой сайин,
йил сайин.

Гапдан ишга ўтадиган вақт келди. Ниятлар кўп. Шу ниятларни тартибга солиш керак. Мен учун от йили тайёрланиш йили бўлди. Кўп ишлар амалга ошмади. Мана шу босқичда туриб ҳали кўп нарсалар қилишга улгурмаганимни англадим.

2 — Остонада турган йил янги эзгу ниятларни ҳам олиб келиши тайин, келгуси режаларингиз қандай ва янги йилдан нималарни кутаяпсиз?

— Бу йилдан умидимиз катта. Бизни кенг кўламдаги ишлар кутиб турибди. Чет эл фирмалари «Усто» бирлашмасини кўргазмалари билан қатнашишга таклиф қилмоқда. Биз, усталар ўтмиш ва ҳозирги кун санъати орқали ўзбек халқининг номини дунёга танитишда озгина бўлса-да, ҳисса қўшсак, кўпроқ ўз-ўзимиз билан ўралашиб қолмасдан, афғон, турк, араб, эрон халқ амалий санъати билан яқиндан танишсак, деган ниятимиз бор. Янги йилда мана шу режаларимиз рўёбга чиқишига умидланамиз. Фурсатдан фойдаланиб, ҳар бир хонадонга халқ амалий санъати, у билан бирга эзгулик, осойишталик кириб боришини истайман.

ЎЗБОҚ ХАБОРОТИ

Амударё районидаги «Ўзбекистон» номидаги ўрта мактаб қошидаги «Орол» кутубхонаси тобора янги-янги китоблар ҳисобига бойиб бормоқда.

Маълумки, бу кутубхона 1988 йилда Оролни сақлаш қўмитасининг раиси П. Шермуҳамедов ташаббуси билан ташкил этилган ва унинг ўзи шахсий кутубхонасидан 1000 дона китобларни мазкур мактаб ихтиёрига топширган эди. Шундан сўнг Ч.Айтматов, В.Распутин, А.Нурпеисов, Д. Қуғултинов, Т. Қайипберганов жумҳуриятимиз ёзувчиларидан 60 нафари

Қувасой шаҳридаги «Мўён» давлат хўжалиги клубида шаҳар агросаноат комплекси касаба уюшмаси томонидан ташкил этилган «Алла» кўрик-конкурси бўлиб ўтди. Конкурс шартига кўра ҳар бир иштирокчи 10 минут вақт ичида ўз санъатини намойиш қилишга улгуриши керак. Ҳакамлар ҳайъатининг қарорига кўра бош совринни шу давлат хўжалиги вакиллари қўлга киритишди. Иккинчи ўринни Ильич номидаги давлат хўжалигидан Ш.Қурбонова эгаллади. Энди улар Фарғона шаҳрида ўтказиладиган вилоят конкурсида қатнашадилар.

У.ҲАБИБУЛЛАЕВ

«ЭҲТИМОЛ, ТАСВИР ЎША ТОНГДАН БОШЛАНАР...»

ЁДНОМА

Бешафқат ўлим Ўктам Усмоновни орамиздан олиб кетганига бир йил бўлди. У ниҳоятда қисқа умр кўрди, айни кучга тўлган, ижод қиладиган паллада оламдан ўтди.

Ўктам Усмонов қисқа умри давомида анча ишлар қилишга улгурди. Унинг «Гирдоб» романи, қисса ва ҳикоялари, хусусан сўнгги асари — «Кишан» ўқувчиларининг дилидан жой олган, адабий танқидчилик уларни ижобий баҳолаган эди. Адибнинг «Гирдоб» романи унга шуҳрат келтирди. Бу асар асосида ишланган кўп серияли видеофильмни томошабинлар қайта-қайта кўрдилар, ҳозир ҳам бажонидил кўрадилар.

Ҳақиқий ёзувчининг иккита умри бўлади, дейишади. Биринчиси — ҳаётлигидаги умри, иккинчиси — вафотидан кейингиси. Иккинчи умри асарлари ҳисобига бўлади. Бу умрнинг чегараси йўқ, ўқувчилар унинг асарларини неча йил ўқисалар адибнинг умри шунча йил давом этаверади. Ўктам ака иккинчи умрининг дастлабки пиллапоясидан ўтди. Адиб умрининг давомчилари унинг фарзандлари ва асарларидир.

Ўктам ака жамоат ишлари билан қаттиқ банд бўлишига қарамай бирор кунини ҳам ёзув столига ўтирмай, ижодий режаларини қоғозга туширмай ўтказмас эди. У «Гирдоб» романининг иккинчи китобини бошлаган, дастлабки бобларини ёзиб тугатган эди. Адибнинг рафиқаси Шарифа Абдураззоқова яқинда редакциямизга бир қалин дафтар келтирди. Унда «Гирдоб» романининг иккинчи қисмининг режалари, қайдлари, образларга баъзи характеристикалар, воқеалар қандай ривожланиши, сюжет ва конфликт қурилиши ҳақида муаллиф мўлжаллари ёзилган. У билан танишган одам Ўктам ака ижодга нечоғли масъулият билан ёндашганидан воқиф бўлади. Бу қайдларнинг ўзи ҳажм жиҳатдан ўртача бир қиссача келади.

Қуйида ана шу қайдлардан айримларини сизнинг эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз. Бу бир томондан Ўктам Усмонов меҳнатидан далолат бўлса, иккинчи томондан ёш ёзувчилар учун ибрат ҳамдир.

М. ҲАЗРАТҚУЛОВ

* * *

«Гирдоб»нинг иккинчисида зилзила воқеаси ва унинг қаҳрамонлар тақдирига у ёки бу даражада таъсири ҳам кўрсатилса... Яхшилаб ўйлаш керак... Эҳтимол, тасвир ўша тонгдан бошланар...

* * *

Балки, М. Жабборович кўп жиҳатдан тўғри (аслида) одам бўлиб чиқар... Масалан, Азизнинг хотин жанжалида объектив тарзда унинг ёнини олиб чиқар. Азиз буни умрида кутмаган... (Мана шундай кутилмаган ҳаётий ҳолатлар кўп бўлгани маъқул).

* * *

Азиз аввал нима деса хўп дейдиганлардан бирортасини ўзига яқин йўлатмасликка қатъий аҳд қилган эди. Аммо кейин, аста-секин... Аслида сенга қараб турадиган, «лаббай»чилардан кўра тўғрисўз, ҳатто қўрс, ўжар, танқид ҳам қиладиган, танқидни ҳам кўтарадиган кадрларни кўтариш керак. Хато қилса — бу ҳали фожеа эмас. Ўша хато жараёнида уларни тоблаб, тарбиялаб бориш зарур. **Воқеаларга сенинг кўзинг билан қарамайдиган одамларни атрофингга йиғишдан сира қўрқма.** «Хўп-хўп»чилар эса — қўрқоқ, ўта эҳтиёткор одамлар... Охирқибатда ўзларининг шу «тубан» ҳолатлари бўғзига келиб, норозилик туйғуси яширинча қўпаяди уларда. Шу сабабли сал ишинг юришмадими, биринчи бўлиб ўшалар сотиб кетишади, ўша ҳақоратли аҳволларидан бирдан қутулмоқчи бўлиб қоладилар... Азиз шуларни билиб, ўз бошидан ўтказиб, қанча-қанча азобларга тушганига қарамай... директор бўлгач, аста-секин ўшаларнинг домига тушади...

* * *

Азизнинг «даққи» бўла бориш сабаблари очилиши керак. Биринчидан, ташкилий ишлар, «одамларга яхшилик қилиш», «мана бу ишни қилиб олай, илмий ишни ташлаб жинни бўлибманми... улгураман», иши унгани сари яна эртаю-кеч қизиқиб, ҳарсиллаб ишлаши... Иккинчидан, одамлардан кўрган озори аста-секин уни «қотира» бошлайди; илк туйғуларини ўлдира бошлайди. У сийқага айланади...

* * *

Ҳар бир одамни — персонажни ёзаётганда конкрет одамни кўз олдига келтириш зарур. **Албатта!**

* * *

Салтанат. Азиз билан оралари бузилиб, бир неча бор, ойлаб бошқа-бошқа яшаган пайтларида қандайдир эркинлик сеза бошлайди. Шунча йил кир ювиб, овқат қилишдан нари ўтмагани, фақат Азизга қараб ўтиргани, айниқса кучи ғийбатга, бошқаларга ҳавас қилишга етгани ҳозир ўзига таъсир қила бошлайди. Характерида фаоллик. Боғчага тарбиячи, кейин мудира. Сиртдан институт. Ҳатто ўзига унча кўнгилдан ёқмаса ҳам, ўзи ҳам унча тушунмай, «мода» учун — кандидатлик... ё ёқлайди ёки ташлаб кетади... Аммо энди топиш-тутиш яхши, тўқ. Эҳтимол, орадан бир неча йиллар ўтгач, Йўлдош яна бир «ошиқ» бўлиб юрганда, уни мутлақо бошқача кўз билан қараб, ҳайратга тушади: «нимасига қизиқувдима унинг...» (Қилиқлари, ҳатто кўриниши ҳам уни ичдан ижиргантиради).

* * *

Муҳиддин Жабборович. Қариб қолган. Азиз Қосимов директор бўлгандан кейин орадан ярим йил ўтгач, пенсияга чиқиб кетади. Институт ишларига мутлақо аралашмай қўяди. Бу ҳатто Азизни ҳайрон қолдириб, бироз ташвишлантиради. Ҳарқалай, у кўчадаги одам эмас. У билан баҳслашса ҳам одам нимадир ўрганиши мумкин. Аммо партия учётида институтда қолган. Ҳатто қайсидир қўшни институтда — қишлоқ хўжалик институтида соатбай ишласа ҳам... (Ўмуман, уставга кўра шу мумкинликни — аниқлаш керак). Бир-икки марта Азиз Қосимов «ўтган ишлар — ўтди», деганидек «жест» қилиб ҳам кўради (айниқса, амалга ўтириб, самодовольний бўлиб олганидан сўнг), аммо домла ўша-ўша, изини бермайди... Гаплар юради: у мемуар ёзаяпти, деган...

* * *

Эски нарсаларнинг ҳаммасига ҳам менсимай қараш тўғри эмас...

* * *

Беҳзод Афғонистонда ўлганда бутун инсоний фожиа ҳолатини «ёгдириш» керак асарга. Катта таассурот берадиган, ўйлатадиган эпизод.

* * *

Маҳамат чатоқнинг қизини Азиз олиши керак. Маҳамат чатоқ қаршилик кўрсатади аввалига... (Яхшилаб ўйлаш). Анови гўзал аёлга ишқибозлиги ҳам ана шунда «маънавий айб» бўлиб чиқади. Аммо Азиз унга қачон уйланади, буни ўйлаш керак. Ўртада, ахир Беҳзоднинг ўлими, Салтанатнинг «истерика»си бор. Қайси бири тўғри — уйлагандан олдинми ёки кейинми?..

* * *

(Зоя Аббосова) — Зулхумор Аҳмедовна — Ломоносов университетини битирган. Жуда замонавий. Айни пайтда одми, европача ўйлайдиган «файласуф». Мол-дунё йиғиш, ундан ҳатто ҳайратланишни билмайди. Ишга берилган. Шу бугуни фойдали, қизиқ ўтса бўлди. Ҳатто уйида кўпинча овқат ҳам қилмайди, вақти йўқ. Бутерброд... Тушлик пайтида рўпарадаги кафе-лағмонхонадан кострюлда... шуни иситиб. Балки отаси урушдан кейин, 40-йиллар охирида кўкрагидаги осколкасини олиб ташлаш вақтида ўлади (отаси детдомда ўсган). Онаси рус аёли — 1966 йилда, зилзила йили, учинчими, тўртинчи силкинишда юраги чидамай ўлади. Харьковда холаси бор, аммо Зулхумор (Зоя) уни кўрмаган, онасининг ҳикояларидан билади, эски бир фотоси ҳам бор. Онаси ўлганда узун телеграмма юборади — боролмаганини ҳам айтади. Кейин онасининг қандайлигини роса таърифлаб жуда мунглиғ тат ёзади... Унинг характери қизиқ, унда юз хотир, «катта»ларни «ҳурмат», айниқса улардан ҳайиқиш йўқ — тортишилган масала ҳақида нима ўйласа тўппа-тўғри айтаверади...

(— Нима учун биз аёлларни ўтмиш ўлчови билан ўлчаймиз? «Меҳробдан чаён», «Ўтган кунлар»да юз йил аввалги одамлар тасвирланган! Наҳотки шу давр ичида одамлар, хусусан аёл зоти ўзгармаган бўлса?! Баъзи эркакларимиз ҳозирги хотин-қизлардан ҳам ўша Раъно, ўша Кумуш «иффати»ни талаб қилмоқчи бўладилар. Унда уларнинг ўзлари ҳам Отабекдек қўл қовуштириб турсинлар...).

Шу фикрларни Зоя Аббосовага боғлаш мумкин. Зоя — озгина коньяк ичиши, ҳатто чекиши ҳам мумкин...

Одатда кўп болалик оилада ота ўлиб, рўзғор қари онага қолса, кўпинча катта қиз рўзғорбоши бўлиб, ўзини «унутади», оилага отадек бўлиб қолади (Саёҳат). Эҳтимол, Зоянинг ҳам иккита сингласи бўлган (ҳозир иккови ҳам турмуш қуриб кетган). Шуларни боқиш. Эркак зотидан йироқ — одати унинг. Одамови...

* * *

Эҳтимол, Йўлдош кейин махинациялар учун (йирик) қамалиб кетадими?.. Хотини, ўша бир вақтлар Салтанат ҳавас қилган, унинг олдида камситилган Салтанат; Йўлдошнинг ўша хотини «боламни боғчага жойлаб беринг» деб, Салтанатга ялиниб келадими?! Йиғлайдими унинг олдида ўтириб? (Бу воқеа Салтанатнинг жуда кучли ички изтироб ва ўйларига сабаб бўлиши керак).

* * *

Вақти келиб, Азиз директорлик пайтида институтни танқид қилишса салгина (газетада) — ёқмайди. «Шунча иш қилинаётганини кўришмайди... Тирноқ остидан кир қидиришибди...» Расул Оллоёрович мийиғида кулиб қўйди: «Қалай экан...»

НИЛУФАР — 50 ЁШДА

Танбур куйлаганда «Чўли Ироқ»ни
Кўргандек бўламан Қайсу Широқни.
Танбур куйлаганда «Чўли Ироқ»ни
Тотгандек бўламан аччиқ фироқни...

Дардчил элимизнинг Қайсу — Лайлоларини, Фарҳоду — Ширинларини, Широқдек баҳодир ўғлонларини марвариддек назм тизимларига тортиб, нозли-назокатли эҳтирос билан куйлаб келаётган шоирамиз Нилуфар ижодий балоғат ёшига кирибди.

Шоира назми мусиқавий гўзал, дилларнинг дардли алласидек гоҳ маҳзун, гоҳ хушнуд, шуниси билан элга манзур хонандалар шоира қаламидан тўкилган изҳори кўнгилларини кўп қадрлайдилар, севиб-севиб куйлайдилар. Бу — бежиз эмас...

Кўпларнинг бошига етган машъум уруш Нилуфарбону падари бузруквори Ҳабибулло акани ҳам олиб кетди. Ёшликданоқ ҳаёт машаққатларини тотиб кўрган Хадичаи Кубаро (шоирамизнинг асл исмлари) Тошкент дорилфунунида таҳсил олиб юрган талабалик йилларидаёқ қўлига назмбахш қаламини олди. Дастлабки шеърлари «Қизлар дафтари» баёзида 70-йиллар бошида чоп этилди. Назми кўзга яқин эди, назарга тушди. Орадан йиллар ўтди. Алоҳида-алоҳида китоблар дунёга келди. Китобларидан фарзандлари кўпми, фарзандларидан китоблари кўпми, бари бирдай суюкли бўлди. «Гул рози», «Соғиндим», «Сени излайман», «Баҳорга илтижо»лар муштарийлар баҳри дилини очгудек мажмуалар бўлди. Озарбойжон, тожик, қозоқ дугоналари шеърларини, уйғур адиби Тоҳир Яхъё китобини ўз тилига ўгирди.

Нилуфарбонунинг ўзбек шеъриятида қутлуғ излари бор. Юқорида айтганимиздек, у айни ижодий балоғат ёшига етди. Ҳали шоира дилида назм булоғи тингани йўқ, аксинча, янада тиниқроқ, равонроқ, юклироқ бўлди. Олдинда ишлар кўп, умрлари узоқ бўлгур Нилуфарбону ҳали кўп ғазаллар битгай, дилларни шод этгай.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР ЮЮШМАСИ БОШҚАРУВИ ҲАЙЪАТИ

АДАБИЁТИМИЗ ТАРҒИБОТЧИСИ

Таржима халқларни яқинлаштиради, бир-бирини янада яқинроқ англашга, дўстлашишга қўмаклашади. Хорижда адабиётимизга қизиқувчилар давраси кундан-кун кенгайиб бормоқда. Бонн дорилфунунининг профессори доктор Карл Райхл ҳам шулардан биридир. Уни ҳақли равишда ўзбек адабиётининг Германиядаги жонкуяр таржимони ва тарғиботчиси дейиш мумкин. Олим 1978 йилда «Ўзбек эртакларн»ни олмон тилида нашр эттирди. Шуниси диққатга сазоворки, профессор Райхл эртакларни бевосита ўзбек тилидан олмон тилига ўгирган. Райхл ўзбек тилини мустақил равишда, китоблар ёрдамида ўрганган. Номзодлик ишини инглиз тилидан, докторлик ишини эса инглиз адабиётидан ҳимоя қилган олимга ўзбек тилини ўрганиш нега керак бўлиб қолди деган саволга, у шундай жавоб қилади: «Инглиз халқ эпосларини янада чуқурроқ ва мукаммалроқ ўрганиш учун унга шаклан яқинроқ бўлган бошқа бир халқ эпоси билан қиёслашга тўғри келди. Шу мақсадда мен ўзбек достонларини танладим. Мақсадимни амалга ошириш учун олис юртда турсам-да, мустақил равишда ўзбек тилини ўргана бошладим. Тўғри, аввалига анча қийин бўлди, кейин эса ишлар юришиб кетди. Қиёслаш учун айнан ўзбек тилини танлаганимдан ва шу туфайли ўзбек адабиёти ва халқига меҳр қўйганимдан бениҳоя бахтиёрман».

Бонн дорилфунуни талабаларига ўрта аср инглиз адабиётидан сабоқ берувчи олим ҳозирги пайтда ўзбек адабиётининг немис ихлосмандларига шу адабиёт дурдоналарини иложи борича мукаммалроқ етказиб беришга астойдил бел боғлаган. У 1985 йили «Равшан» достонини таржима қилди ва юқори сифатли матбаа усулида чиройли қилиб чоп эттирди. Достондаги образлар, қаҳрамонларнинг мардлиги, қофия, мазмун таржимада ўз ҳароратини сақлаб қолиши учун таржимон кўп тер тўкди. Олим 1981 ва 1983 йиллар ЎзФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти таклифига биноан Ўзбекистонга келган эди. Яқинда олим Ўзбекистонга яна ташриф буюрди. У ўзбек фольклоршунослари билан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Таржима ва адабий алоқалар марказининг ходимлари Муҳаммад Али, Жамол Камол, Йўлдош Парда, Муҳаммад Исмоил, Шариф Холмурод ва бошқалар билан учрашди. Учрашувда ўзаро ҳамкорлик ва дўстликни мустаҳкамлаш йўлидаги амалий тадбирлар белгилаб олинди.

Ғанижон МАҲМУДОВ,
филология фанлари номзоди

ОДАМЛАРГА ЭШ БЎЛИШ ОРЗУСИДА

Исми жисмига монанд от йилимиз шу даражада шитоб билан ўтдики, сўнгги кунларига етиб келганимизни сезмай ҳам қолдик. Воқеалар, мунозаралар, баҳс ва тортишувлар, иқтисодий танглик, ҳувиллаб ётган дўконлару осмонга чиқиб олган нарху-наволар... санаб адоғига етиб бўлмайди. Бари-бари одамлар ҳаётига, кайфиятига таъсир қилмай иложи йўқ. Сабаби, йил давомида редакциямизга келган хатлар, шикоятлар, мулоҳазаларда одамлар кайфияти ойнадай равшан акс этиб турди.

Йил давомида сиз мухлисларимиздан 19 мингдан ортиқ хат олдик. Очиғини айтавериш керак, бу ўтган йилдагидан бироз кам. Лекин ҳозир рақамлар кетидан қувадиган, юқори кўрсаткич учун курашадиган лайт эмас. Муҳими, уларга эътибор бериш, унумли фойдаланиш. Одамлар дардини тинглаб, мушкулини осон қилиш.

«Ҳафталикнинг ҳар бир сонини қизиқиб ўқиб бораман, бирор сони назаримдан четда қолмайди» (М. Ашурова, Қизилтепа). «Ҳафталикнинг янги сонини ондек азиз қилиб кутаман, ундан қанчадан қанча маънавий озиқ оламан», (Н. Нуъмонова, Наманган). «Мен бир неча йиллардан бери ҳафталик мухлисиман. 1991 йил учун ҳам обуна бўлдим. Эски ўзбек тили ва уни ўрганишга доир берилган барча мақолаларни зўр қизиқиш билан ўқидим», (А. Турдиалиев, Тўрақўрғон).

Хатлардан бундай сатрларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам миннатдорчилик мактубларидан иборат эмас. Шундай мактублар борки...

«Ушбу мактубимни ҳафталикда эълон қилинг, — деб ёзади Китоб районидан И. Шодиева, — токи бизнинг замонамизда ўз жигаргўшасига қўл кўтарган, унинг ўлиб кетишига, иккинорасиданинг етим бўлиб қолишига сабабчи бўлган тошбағирлар борлигини одамлар билишсин. Воқеа бундай бўлган эди. Қўшнимизникида тўй бўлаётганди. Эримнинг уч-тўрт ошна-оғайнилари бизникида ўтиришди. Ичиб маст бўлиб қолган қайнотам қайноғам билан уришиб кетди. Эрим укасини ажратиб уларни келиштирмоқчи бўлди. Бу ёқдан кичик келинимиз ҳам «эрим уряпти» деб йиғлаб келди. Эрим буларни қўйиб, уларни тинчитиш учун чиқиб кетди. Кетма-кет боламни қўтариб кетидан борсам, не кўз билан кўрайки, эрим уйнинг ўртасида чўзилиб ётипти. Эрим ўлиб бўптию булар «сен қилдинг, йўқ, сен қилдинг» деб ҳамон муштлашиб ётишибди. Агар муштлашиш ўрнига тезлик билан биринчи ёрдамни кўрсатишса балки ўлмасмиди деб армон қиламан. Эримнинг маъракаларига ўлимига сабабчи бўлганлар бирор сўм пул билан ҳам ёрдам беришмади. Мен болаларим учун нафақа ололмаяпман. Бирор йўл-йўриқ кўрсатувчи йўқ. Болаларим учун наҳотки, ёрдам ололмасам. Мен энди нима қилай, ёрдам беринг».

Аёл мактуби кўп нарсаларни ёд этишга ундайди. Ота-болалар ўртасидаги меҳр-оқибат, инсонийлик туйғулари, одамгарчилик нега бунчалик камайиб кетяпти. Нега орамизда бунчалар тошбағирлар бор. Нега инсон умрини узайтириш, мадад бўлиш ўрнига акс йўл тутамиз, ўлимни тезлаштирамиз? Ахир инсон қалби саҳоват учун, меҳр-мурувват учун яралган эмасми?

Шаҳрисабзлик Ш. Мўминов ўз мактубини «Ҳақиқат борми?» деб бошлайди. Худди шу савол билан бошланадиган мактублар ниҳоятда кўп. Биз уларнинг кўпини ҳафталик саҳифаларида эълон қилдик. Қатор камчиликларнинг тузатилишига, адолат тикланишига эришдик. Редакция аралашуви билан кўпгина ноҳақликлар барҳам топди, қонунсиз ишдан бўшатилганлар ўз ўринларини қайта эгалладилар. Бир неча қочоқ алиментчилар қўлга тушди, мероС масаласидаги тортишувлар одилона ҳал этилди.

Ўз-ўзидан равшанки, мактубларда ўртага қўйилган ҳамма муаммоларни биргина редакциянинг ўзи билангина ҳал этиш мушкул. Шу боис, хатларнинг бир қисмини текширишга жўнатамиз. Редакция хатига эътибор билан қараб, вақтида жавоб йўллаган ташкилотларга миннатдорлик билдириб, шуни ҳам айтиш керакки, хатдан қутилиш учунгина ёзилган юзаки, ўта сийқа, қуруқ жавоблар ҳам кўп, улар ишни баттар чигаллаштиради, холос.

Яқинда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига бир йил тўлганини нишонладик. Ҳали ҳануз жойлардан келаётган расмий жавобларнинг кўп қисми рус тилида ёзилаётгани ҳам одамни ажаблантиради. Баъзи идораларда давлат тилида иш юритишга ўта бефарқ қарамоқдалар.

Шуни ҳам қувонч билан таъкидлаш керакки, ҳозирги газетхон ижтимоий-сиёсий ҳаёт муаммоларига бефарқ қаролмайди. У ўз фикр ва мулоҳазаларини дадил баён этади, баҳслашади.

«Қачон радиоактив манбалар билан ифлосланган маҳсулотларни келтиришга чек қўйилади?» (С. Акбаров. Андижон). «Дўкон кассасига ғишт олиш учун пул тўлаган эдим, мана олти ой бўляптики, ҳалигача ғиштдан дарак йўқ» (С. Азимова. Тошкент), «Дўконларни айланиб на биронта калиш, на биронта маҳси тополмадим, қачонгача чайковдан бирни бешга оламиз». (А. Эргашев. Қувасой). «Одамлар шундай локайд бўлиб кетганки, токи юқорироққа чиқиб арз қилмагунингча ҳеч ким дардингга қулоқ солмайди». (Д. Аюбова. Ильичевск), «Уни ноҳақ тергов қилдилар, бу дунёда ҳақиқат йўқлигидан куйиб кетдим», (М. Аҳмедова. Фарғона), «Колхоз ҳисобчисини ички ишлар бошқармаси одамлари олиб кетишиб, кечаси хушсиз ҳолда касалхонага олиб келишган. Ҳақиқатни очиш учун ёрдам сўраймиз» (Ў. Охунов. Андижон). «Чилонзор ноҳия ижроқўми қилган иш бизни шикоят ёзишга мажбур қилди. Биз яшаб турган уйимизнинг ўрнига кўргазмалар павильони қурилиши керак деб деворларимизни буза бошладилар. Уйда ёлғиз келинимиз бўлган. Хўп, майли уйимиз керак экан, биз ҳаммамиз уйда пайтимизда тушунтириб айтишса бўларди-ку. Ҳозир ҳаммаёқ вайронага айланиб қолди. Ноҳия ижроқўмига ким бундай ҳуқуқ берган», (Йўлдошев, Тошкент).

Халқ манфаатини ўйламаган, одамлар мушкулини ҳал қилишга интилмаган айрим раҳбарларнинг баҳосини халкнинг ўзи беради.

Ҳафталигимиз ишга аралашгач, кўпгина чигал ишлар ечилиб, адолатли хулоса чиқарилди, кўпларга ёрдам кўрсатилиб тўғри йўл топиб олишида ҳафталик мададкор бўлди. Муҳими, ҳафталикни ўзига яқин олиб дардини, бошига тушган мушкулини тўкиб солганларнинг кўплари ноумид қолмадилар. Янги йилда ҳам одамлар хизматида бўлиш, уларга ёрдам қўлини чўзиш, ҳаётдан мамнун яшашлари учун имкони борича уларга эш бўлиш орзусидамиз. Бу орзунинг амалга ошишида эса яна сиз азиз газетхонларга суянамиз ва бизга хат йўллаб йил давомида мулоқотда бўлган газетхонларга миннатдорчилик билдирамиз.

Муҳаббат ТУРОБОВА,
хатлар ва оммавий ишлар бўлими мудири

«ҚОЗОҚ АДАБИЁТИ» САҲИФАЛАРИДА

ҚАЙНАР ФОЖИАСИ

«Қозоқ адабиёти» ҳафталиги 1990 йилги 48-сонида жумҳурият ҳудудида жойлашган Семей атом синовлари ўтказиладиган полигони шу чоққача маҳаллий халққа етказиб келган офатлар кўлами ҳақида янги маълумотлар ва ҳужжатларни эълон қилди. «Депутатдан хат келди» деб номланган рукн остида Қозоғистон ССР халқ депутати, ёзувчи Анвар Олимжоновнинг мурожаати ҳам берилган. Унда адиб ўзига хат йўллаган «Қайнар» совхози халқининг аччиқ кўз ёшлари, чеккан дард-аламлари ҳақида сўзлайди. Ҳамон радиация азобини тортиб ётган одамларни ўз кўзи билан кўриб, сир тутиб келинаётган жиноятларни фош этади. «Қайнар» совхози ва қишлоқ шўроси раҳбарлари, қаҳрамон оналарнинг имзоси қўйилган ҳужжат ҳам газетада эълон қилинган. Унда айтилишича, 1953 йили Семей полигонида ер устида атом синови ўтказилганда Абирали туманидаги Қайнар қишлоғида қолдирилган 42 киши номма-ном айтилган, уларнинг ўша пайтда ким бўлиб ишлаганлиги кўрсатилган. Энг даҳшатлиси шуки, шунча одамдан бугун бор-йўғи тўрт кишигина ҳаёт. Қолганларининг аксарияти, 37 киши эса рак касалига дучор бўлиб вафот этган.

Ҳафталикда, шунингдек, Қайнар қишлоғида сўнгги пайтларда оққон — қон таркибининг бузилиши туфайли ҳаётдан кўз юмган 17 кишининг, ўз жонига қасд қилиб ўлган 14 кишининг, рак касаллигидан азоб чекиб ўлган 170 кишининг ҳам рўйхати берилган. Маълумотнома сўнггида айтилишича, ҳафталик редакциясига шу қишлоқда яшовчи оилаларнинг руҳий жиҳатдан носоғлом, яъни ақли ожиз бўлиб туғилган фарзандлари рўйхати ҳам берилган. Бироқ, қатор радиация қурбонлари номманом айтилган жойда бу мурғак болаларининг ота-оналари кўнглини яна бир бор вайрон этмаслик умидида бу рўйхат эълон қилинмаган. У Соғлиқни сақлаш маҳкамаларига ҳавола этилади.

Семей атом полигони ишга тушганидан буён ўтган 40 йил вақт ичида унинг атрофидаги биргина Қайнар қишлоғидан шунча одам ўз умрини яшамай радиация офатидан қазо топган. Ҳафталик муҳарририяти томонидан берилган шарҳда айтилишича, полигондан 150 чақирим масофадаги овулдардаги марҳумларнинг 17,3 фоизи, 120 чақирим беридаги аҳоли орасида вафот этганларнинг 29,1 фоизи, 60 чақирим масофада жойлашган овуллар аҳолиси орасидан ҳаётдан кўз юмганларнинг 87,1 фоизи шу чоққача номаълум бўлган касалликлардан ўлган, бу нарса ҳозиргача сиру жумбоқ бўлиб қолаётир, Қайнар қишлоғи эса ажал қуроллари синови ўтказиладиган полигонга янада яқин жойлашган. Шунинг учун ҳам бу ерда радиациянинг ҳалокатли таъсири жуда юқори. Ҳафталик бу фожиавий маълумотлар ва ҳужжатларни жумҳурият Олий Кенгаши сессиясида кўриб чиқишга чақиради.

●

Қозоғистон жумҳурияти Олий Кенгашининг яқинда ўз ишини якунлаган сессияси Қозоғистоннинг Мустақиллик декларациясини эълон килди. Унга биноан жумҳурият ҳудудида атом портлатишлари, ядровий синовлар ўтказиш, бундай иншоотларни қуриш қатъиян тақиқланган.

Қиссадан ҳисса шуки, қозоқ дўстларимиз, қўшни жумҳурият жамоатчилигининг бундай олижаноб ҳаракатлари биз учун ҳам ибратлидир. Қорақалпоғистон жумҳурияти халқ депутати, Ўзбекистон Оролни асраш қўмитаси раиси Пирмат **Шермуҳамедов**нинг гуҳоҳлик беришича, Қорақалпоғистон ҳудудида ҳам кимёвий моддаларни синовдан ўтказадиган иншоотлар қурилиши олиб борилмоқда. Ўз-ўзидан шундай савол туғилади: Хоразм, Тошовуз, Қорақалпоғистонда яшовчи минг-минглаб кишиларнинг Орол денгизи қуриши билан боғлиқ экологик қиёматдан жабр кўраётганликлари каммиди? Наҳотки, бутун жаҳонда атом ва уруш хавфини бартараф этиш, мамлакатлар ўртасида ҳарбий устунликни эмас, балки ишончни мустаҳкамлаш, қирғин қуролларини кескин камайтириш юзасидан янги қадамлар қўйилган бир пайтда бизда бундай иншоот қурилиши шартмикин? ДДТ, бутифос сингари ўнлаб ажал дорилари етказаётган жароҳатлардан буткул қутулмай, алюмин заводи, Чирчиқ, Фарғона, Олмалиқ ва Навоийдаги ўнлаб атроф-муҳитни булғовчи, инсон саломатлиги, келажак авлодлар баркамоллиги учун жиддий хавф-хатар туғдирувчи корхоналар ишини ўнгламай, муҳитимизни, тупроғимизни, ҳавомизни соғломлаштирмай, яна бунинг устига олтин ва уран каби ноёб топилмалар қазиб олинаётган жойларнинг хатарли экологиясини тузата олмай турган пайтимизда кимёвий моддалар синовдан ўтадиган янги иншоот тикланишига нима дейиш керак? Бунга норозилик билдирмай, жим қараб ўтиришнинг ўзи келгуси авлод олдидаги мудҳиш жиноят эмасми!

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ФАКУЛЬТЕТЛАР БИРЛАШМАСИН

Газетанинг шу йил 7 декабрь сонида «Ошкоралик арафасида» номли суҳбат эълон килинди. Унда менинг ҳам фикрларим ёзилган. Аввало, тасвирий санъат соҳаси муаммоларига эътибор берилгани учун редакциядан миннатдормиз. Лекин Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг бадиий графика ва чизмачилик факультети ҳамда М. Уйғур номидаги Санъат институти рассомлик факультетини бирлаштириб, Бадиий академия очиш керак, деган мулоҳаза унчалик тўғри эмас.

Эҳтимол, Бадиий академия очиш фикри жуда яхши фикрдир. Лекин буни икки институтнинг факультетларини бирлаштириш ҳисобига қилиш керак эмас.

О. ЭГАМОВ,
М. Уйғур номидаги Тошкент Санъат институти рассомлик факультети декани

Ғулом КАРИМОВ

Ўзбек совет маданияти оғир жудоликка учради. Атоқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунунининг профессори, филология фанлари доктори Ғулом Каримов ҳаётдан кўз юмди.

Ғ. Каримовнинг бутун ҳаёти ўзбек совет педагогикасининг шаклланиши ва тараққиёти билан бевосита боғлиқ. 1909 йилда Тошкентда туғилган Ғ. Каримов 19 ёшидан бошлаб муаллимлик фаолияти билан шуғулланди: ўрта мактабда, Хева педтехникумида, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида, 1952 йилдан сўнгги нафасигача Тошкент дорилфунунида ўқитувчи, доцент, профессор бўлиб ишлади. Кўп йиллар мобайнида А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим, Қориниёзов номидаги Педагогика фанлари илмий текшириш институтида директор лавозимларида хизмат қилди. 30 йилдан ортиқ давр мобайнида ТошДД ўзбек адабиёти кафедрасини бошқарди.

Ғ. Каримов 60 йилдан зиёд илмий-педагогик фаолияти давомида беш фан доктори, ўттиздан ортиқ фан номзодлари ва юзлаб юқори малакали филолог-мутахассислар тайёрлади. 300 га яқин илмий-методик асарлар яратди. Улар орасида кўплаб монографиялар, олий ва ўрта ўқув юртлари учун дарсликлар, матншуносликка оид кимматли асарлар, ўзбек классик ва совет ёзувчиларининг ижодини атрофлича таҳлил этган нодир тадқиқотлар мавжуд. Айниқса олимнинг йирик ўзбек демократ шоири Муҳаммадаминхўжа Муқимий ҳаёти ва ижодига бағишланган бир неча ўн йиллик йирик тадқиқоти маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. У ўзбек демократик адабиётининг ҳамма томонидан эътироф этилган энг йирик мутахассиси, бу соҳада мактаб яратган олим эди.

Ғ. Каримовнинг илмий-педагогик хизматлари партия ва ҳукумат томонидан юксак тақдирланди. У икки марта «Ҳурмат белгиси» ордени, кўплаб медаллар, Фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди.

Ажойиб инсон, меҳрибон устоз, доно маслаҳатгўй Ғ. Каримовнинг ёркин хотираси қалбларимизда мангу сақланади.

БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ



«ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ»

Носируддин Бурҳониддин Рабғузийнинг халқ орасида «Қиссасул анбиё» номи билан машҳур «Қисаси Рабғузий» асарининг биринчи қисмини «Ёзувчи» нашриёти нашрдан чиқарди. Асар пайғамбарлар, авлиёанбиёлар ҳақидаги турли хил ривоят, ҳикоятларни жамлаганлиги, шунингдек, умуминсоний фалсафанинг энг нозик нуқталарини қамраб олганлиги билан турли халқларнинг мўътабар ва табаррук китобларидан саналиб келинган.

Асарни Ўзбекистон ССР ФА си Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтининг ходимлари нашрга тайёрлашди.

Қиссанинг иккинчи қисми 1991 йил босмадан чиқади. Шунингдек келгуси йилда нашриёт Сулаймон Боқирғонийнинг шеърлар ва достондан иборат асарини, «Халқ китоблари» туркумидан «Иброҳим Адҳам» киссасини, «Қиссаи Машраб», «Ҳазрат Али ҳақида тўрт қисса» китобларини ҳам чоп этади.

Ш. ҲАСАНОВ

Маданият ходимлари малакасини ошириш жумҳурият олийгоҳи раҳбарияти, фирқа ва касаба уюшмаси ташкилотлари олийгоҳ санъат кафедраси мудири, доцент З. Каримовага отаси **Ғулом КАРИМОВ** вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг раҳбарияти консерватория музика назарияси кафедрасининг доценти З. Каримовага отаси — филология фанлари доктори, профессор **Ғулом КАРИМОВ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Рассом М. ИЎЛДОШЕВ

Ассалому алайкум ҳурматли чойхўрлар!

Вақтни тез ўтишини қаранг. Кечагина 1990 йилни кутиб олгандик. Бугун аллақачон 1991 йил бошланибди. Сал кечроқ бўлса ҳам табриклаб қўяй: Байрамларингиз қутлуғ бўлсин! Лаббай? Ўзингизни ҳам дейсизми? Раҳмат.

Хўш, айтинглар-чи, эски йил нимаси билан қўпроқ эсингизда қолди?

— Жумҳуриятимиз ўзини мустақил деб эълон қилди.

— Яхши. Яна.

— Талонлар, карточкалар...

— Тўғри, тўғри.

— Магазинларнинг бўш пештахталари...

— Бунисн ҳам тўғри.

— Мажлисбозликлару қуруқ ваъдалар...

— Яшанг, 'отангизга раҳмат. Кўнглимдагини, э, йўғ-е, Оллоёрнинг кўнглидагини топиб айтдингиз. У ҳам 1990 йилда ваъдабоз, ёлғончи раҳбарлардан куйибди. Ҳатто бир туманда бу ваъдабозлар халқни йиғиб дардини тинглаш ўрнига, навбатни қўшиққа бериб ўзлари жуфтакни ростлаб қолганининг гувоҳи бўлибди. Мана, ўзингиз ҳам бир ўқиб кўринг.

●

ОЛЛОЁР

НАВБАТ ҚЎШИҚҚА

БИЗ САНЪАТ ГУЛЛАБ-ЯШНАГАН даврда яшаяпмиз. Санъат бизнинг ютуқларимизни мадҳ, камчиликларимизни эса аёвсиз фош этмоқда. Айниқса қўшиқлар! Мен радиода берилган бир эшиттиришда: «Қишлоқда ҳаммом йўқ, бироқ шахмат-шашка бор!» деган бир қайнови ичида гапни эшитиб, сал бўлмаса ҳожатбарорликда биринчи ўринга санъатдан кўра спортни қўйиб юборишимга сал қолувди. Бироқ, худога минг қатла шукр-ким, яқинда бир йиғилишда бўлдиму, ҳожатбарорликда спортга қараганда санъатнинг, хусусан, қўшиқнинг ошиғи олчи эканлигига амин бўлдим. Хуллас, фалон куни раҳбарлар раиятнинг арзларини тинглар эмиш деган гап тарқалиши билан ҳамқишлоқларимизнинг пайтавасига қурт тушди. Бизни ҳам йўқлайдиган бор экан-ку, деб белгиланган кун ва соатда одамлар тўп-тўп бўлиб қулубга йиғила бошлади.

Бир пайт «Келишди! Келишди!» деган овозалар қўпди. Шу пайт икки йигитча ўзи билан овоз тарқатувчи катта-катта қутиларни кўтариб кириб саҳнанинг икки томонига қаққайтиришди. Микрофон ҳам қўноққа чиққан макиёндай баланд тагликка мингашди. Иккинчиси ҳайъат ўтирадиган тўрдаги столга қўндирилди.

Одамлар дув этиб ортга ўгирилганларини кўриб, ҳожатбарорлар кепқопти-да деб ўйласам, қайда, бири чирманда, бошқаси тор қўлтиқлаган икки йигит қўлларини кўксига қўйганча тўрга ўтиб қолишди. «Концертми, нима бало?!» — деган норози тўнғиллашлар эшитилди.

Хонанда торини узоқ тингирлатиб созлагач, микрофондан ўпич олмоқчидай яқин келди ва «Келмади»ни бошлаворди. Ваъда берган ёрнинг келмаганлигидан нолиётган хонанданинг хонишлари одамларнинг кайфиятига мос тушди-қўйди. Уч-тўрт одам ҳатто хиргойи қилганча уни қувватлаб турди.

Хониш оёқлаб қолганда беш-олти савлатли киши тўрга ўта бошлади. Буни қаранг: «Келмади»га маҳлиё бўлиб, «валинеъмат»лар келиб қолганларини сезмай ҳам қолибмиз.

— Ўртоқлар, азиз ҳамқишлоқлар, — деди оқсоқолимиз Нормат ака. — Сизларнинг арз-додларингизни тинглашга мана мутасадди ўртоқлар қошингизда мунтазир. Санъаткор укаларимиз ҳам хизматга шай. Битта-битта арзлар айтилаверади, бизлар эса уларни қайд қилиб боравермиз. Қани, ким биринчи бошлайди?!

Узоқ жимликни Майрам хола бузди:

— Майлими, мен бошласам?

Оқсоқолнинг розилигини олгач, жавраб кетди:

— Йигирма йилдирки, ўн жон шиферсиз уйда кун кечирамиз. Ёғингарчилик бўлса, тамом, чаккага қўйиш учун қўшнилардан тоғора тўплайман. Уларникиям меникидан бешбаттар. Баҳор келди деганча аҳвол шу.

— Яшанг хола, — оқсоқолнинг бу мақтови унинг биринчи бўлиб арз қилганига бўлдими ёки шунча йилдан бери чидаб келаётганигами, билолмадим. — Шифер берамиз, иложи бор. Энди навбат қўшиққа!

Хонанда йигитлар ҳам шай туришган экан, дарров «Яна келар сен кутган баҳор!» қўшиғини бошлаб юборишди.

— Мен шифер-пифер сўраб, ўзимнинг дардимни айтгани келмаганман, — деди қўшиқ тугаши билан қоровул Муҳаммад ака. — Жамоатчиликнинг талабини баён қилмоқчиман, холос. Магазинларда совун йўқ. Шакар танқис. Кепти деб эшитамизу, магазинга борсак тўртта одам олади, қолганларга шафтолиқоқи. Неваралар нонуштада шакар деб хархаша қилади. Иложи бўлса, шакардан қўлларворсангизлар.

— Иложи борми? — оқсоқол ёнида ўтирганларга қаради. Улардан бири бор дегандек бош силкади.

— Кўрдингизми, иложи бор экан. Демак, шакар бўлади. Энди, навбат қўшиққа!

Хонандалар бу гал «Шириним» қўшиғини айтишди.

— Ўн беш йилдан бери оқма газ опкеламиз, деб ваъда берганлари берган. Ўша гап чиққан йили туғилган болаларимиз ҳозир ўрта мактабни битиряпти. Қачонгача алдайсизлар?!.

Бу аччиқ саволдан кейин навбат яна машшоқларга берилди ва «Алда мени» деган қўшиқни мириқиб тингладик.

— Қишлоққа битта замонавий тиббий ёрдам биноси зарур. Ҳозиргиси қорин оғриқ билан тумовга чалинсанггина корингга ярайди.

— Бунинг ҳам иложи бор! — деди оқсоқол. Сўнг хонандаларга қаради. — Навбат қўшиққа!

«Мен дардимни кимга айтаман?!» қўшиғи таранглашган асабларни бироз бўшатди.

Битта арз ва биттадан қўшиқ эшитиб, икки соатдан мўлроқ ўтирибмиз. Якунловчи сўздан сўнг яна навбат қўшиққа берилди.

«Даврага туш, даврага туш» қўшиғи бошланиши билан оқсоқолнинг ўзи ҳайъатдан тушиб келди ва томорқа беришларини илтимос қилган сувчи Матқобил акани ўйинга тортди. Кейин уларнинг ёнига йўлларни асфальтлаш зарурлигини талаб қилган Шойим шофёр қўшилди. Томидан чакка ўтувчи Майрам хола ўртага тушганда эса тоза қийқириқ бўлиб кетди. Ҳа, қўшиқ бир зумда дилдаги гина-кудратларни, пештахталарнинг бўшлиги ва йўлларимиз ўнқир-чўнқирлигини унуттирди, арз-додларни қайгадир қувди. Ҳаммомнинг ўрнини босган шахматшашкага йўл бўлсин, санъат турганида.

Дарвоқе, ўша куни ўйин билан овора бўлиб, ҳожатбарорлар даврадан чиқиб кетганларини ҳам сезмай қолибмиз. Ўшандан бери бу йиғилишда эшитган қўшиқларни ҳар куни радиода қайта-қайта тинглаймиз, аммо берилган ваъдалар ижроси-ю ваъда берганлардан дарак йўқ.

БАЛКИ УЛАР қўшни касабаларда арз тинглаб, ҳар арздан сўнг навбатни ҳожатбарор санъатга беришаётгандирлар:

— Навбат қўшиққа!!!

●

— Қалай, зўрми? Оллоёр баъзи раҳбарларнинг нақ гирибонидан олган-а? Айтинг-айтинг бундай алдоқчи раҳбарлар эски йилда қолиб кетсин-да. Агар улар Янги йилда ҳам учраб қолса Оллоёр нима қилади, биласизларми?

— Нима қилади?

— Чатоқ қилади.

— Чатоқ деганингиз нимаси. Аямасдан сўкадими?

— Йўқ.

— Урадими?

— Тополмадиларингиз.

— Пичоқ ўқталиб тавбасига таянтирадими?

— Йўғ-е, нималар деяпсизлар? Шунча чойхўр бир бўлиб шу саволга жавоб тополмадиларингиз-а. Нима қиларди, яна битта ҳажвия ёзиб яхшигина қалам ҳақи ишлаб олади. Лаббай? Оллоёр қалам ҳақи ишлашнинг хавфли йўлини танлабди дейсизми? Тўғри айтасиз. Ҳозир ким кўп, ваъдабоз раҳбар кўп. Уларнинг бири бўлмаса бири бир кун Оллоёрнинг «кўзига кўрсатиб» қўйиши мумкин. Ўзини хавф остига қўйиб юргандан менга айтмайдими, қалам ҳақи ишлашнинг осон йўлини ўргатиб қўярдим. Бунинг мингта йўли бор. Дейлик, Янги йилни баҳона қиласиз-да тўртта ҳажвчига шундай саволлар билан мурожаат қиласиз:

1. ПОРАХЎРЛАРНИНГ НОРОЗИЛИК МИТИНГИ БЎЛИШИ МУМКИНМИ? ҚАНДАЙ ВАЗИЯТДА?

2. КАЛВАК МАХСУМ ТИРИК БЎЛСА, СИЗНИНГЧА НКВД ҲАҚИДА ҲОЗИР НИМАЛАР ДЕГАН БЎЛАР ЭДИ?

3. ХИЗР БОБОНИ КЎРСАНГИЗ НИМА СЎРАРДИНГИЗ?

Турсунбой АДАШБОЕВ:

1. Бўлганда қандоқ? Улар ўзларининг мурдор ишларини хаспўшлаш учун қулай вазиятни кутиб ўтирмай митингга отланадилар. Башарти, «Заҳматкаш халқим!» қабилидаги сўзларни бот-бот такрорлаб, сохта куюнчаклик қилсалар, бу ҳар қандай шароитда ҳам «ришвани тап тортмай олаверамиз» деган маънони англатади. Ошкораликми, ошкоралик-да...

2. Э, хумпар-эй! Боқий дунёда ҳам демўкратиями-ей, қайта қуришми-ей деган шов-шувлар кўпайиб кетибдику! Сира тинчишмас экан-да занғарлар! Тошпўлат тажанг хумса бир хабар ол-чи, не гаплар, анаву шапкалик қизилвошлар йўқолибдими-йўқми, деб ҳеч қўймади, чиқиб келдим. Эҳ, аттанг! Бемаза қовуннинг уруғидай кўпайиб кетибди-ку. Фақат номи уч ҳарфга жизми ўзгарибди. Моҳияти эса... Бу қўтир-пўтир гардишингга... демоқдан ўзимни аранг тийиб изимга қайтдим.

3. Ассалому-алайкум Хизр бобо! Дуруст! Форсигўй шоиримиз Карим Девона айтгандай «Баҳор нав». Сиздан тилаганим бирорта бошпана ёки бўлмаса бозорда сотилмайдиган, дўконда топилмайдиган, сархонасини Риштон кулоллари ишлаган чилим. Хабарингиз борми-йўқми биз томонларда бозор иқтисоди деган гапларнинг хумор бостисига мос пахта тутатиб наяки-паяки қилиб...

— Инсоф билан диёнат анқога шафе бўлган бу олам саҳнида истакларингни бажо келтирмоққа ожизман.

— Хўш, нима қилай Хизр бобо?

— Бардош қил, бўтам! Бар-дош!

●

Анвар ОБИДЖОН:

1. Шу тузумда шундай туравераганимиз дурустга ўхшайди. Акс ҳолда, митинг ҳам гапми, ҳатто «порахўрлар қўзғолони» бошланиб кетмаса деб қўрқаман.

2. Инкивиди дедиларми? Калимага яроқсиз бўлғон сўзни айтиб таҳоратни бузишга буздик, сўғинроқ оғизмизниям аччиқтошда чайиб, ва яна тилга мушкулкушод ўқитиб, ва яна бурунга исриқ уриб, Баҳоваддин балогардон пиримга етти танга кўтарғон бўлайлик.

Одамнинг уволи тутгурлар! Э, онаизорнинг қарғиши уриб, болочоқнинг ичикиши оёғингдан тортгурлар! Ҳазрат Жулқунбойнинг бошига ўшалар етди. Сал ўтиб маниям изимни искаб қолдилар-ку. Жума намози куни Кўкчага борғонимни биламан, мачитни туйқус ямлама (облава) қилишди. Тўнни четга отиб, бошни яланглатиб, ковушда душман сифат кўринмаслик учун биров остонага ечғон маймоқ патинка бошқарувини зиммамга олиб, кўзойнак шишасидан бирисини қовоққа қистириб, Кагановични кўриб ол дегандек тура бердим. Ҳайтовур бу хийлам қўл келиб, ҳовлида изғиб юрғонлар мани танимай ўтишди.

Дарвозадан чиқишда қизил белбоғим асқотиб қолди. Уни бўйинга кашшофча турмаклаб, тўғри қоровул саллотнинг устига бордим, «ман шўро мактабида биянербаччатикман (пионервожатий), талабаларни мачитдан ҳайдашга ипалнамўчинман», дедим. Ҳукуматнинг ғазабидан қўрқиб қулоққа беркинмоқ илинжида келғон пашшани ҳайдаб эдим, буни қоровул ўзича тушуниб, манга чес берди...

Шу-шу. Хуруччўпнинг даврига довур истансада пойизнинг ғилдирагини мойлаб, куним шапканинг тагида ўтди. Пажарнўй ҳовузда қўл ювиб темирйўл косиблари ҳайитида калбаса еганимнинг гуноҳини энди ким орқалайдур, худо билади.

Мунақа замонлар бор экан-у... Э, инкивидингни бети қурсин! Мандек зотни не куйларга солмади бу онаси ҳадисдан хатлаганлар.

3. Ҳарқалай, калиш сўрамаган бўлардим.

Сухроб ОЧИЛОВ:

1. Мумкин. Агар... серқарору серқонун ҳукуматимиз порахўрликни савоб сифатида расмийлаштириб, ҳожатбарорлардан режа талаб қила бошласа ва бунда ҳожатталаб (пора берувчи)лар сусткашликка йўл қўйсалар.

2. Шубҳасиз, у ҳам ўзгарган бўларди: энди масжидга имомликнимас, Олий Кенгашга депутат бўлиб олишни орзу қиларди. Бу мавзу ҳақида эса «амиркон маҳсидек ғижирлайтурган» овозда дерди: «Энкибиди-ку... Эмбиди бўлиб кетган. Так штў...»

3. Бундай пайтда совун билан шакар сўраш инсофдан бўлмас. Мен ундан ижроқўмнинг қўлидан келмайдиган нарсаларни сўрар эдим. Халқимизга. «Экиш, йиғишни у билади, — асраш, сотишни ўргатинг. Мутелик, қашшоқликни у билади, — эрк нелигини, яшашни ўргатинг, — дердим».

●

Абдураҳмон ИБРОҲИМОВ:

1. Мушук текинга офтобга чиқмайди-ку, порахўр бечора бепора митингга чиқадими? Чиққанда ҳам, тарки одат — амри маҳол, милисадан ўқловидек-ўқловидек пора олишмагунча тарқашмаса керак! Ҳозирча уларнинг бунга вақти йўқ, ишлари юришган, қўл-қўлга тегмай «луқмаи ҳалол»дан оп ётишибди.

2. Шўрингга шўрво тўкилсин, ҳой мусулмонлар! Тўрт тарафингда қўриқчи: у ёнингда партинай, бу ёнингда шапкакўш соллот, аммо ҳаргиз орқангга эҳтиёт бўл — оргунни хуфияси! Нима қилай ул бепарҳезлар бирла замоннасозлиғ қилғоним эвазига сиз билан юз кўришиб турибман. Бильъакс, ўшал мусанниф жияним мулло Жулқунбой сингари камина ҳам бевақт дорулбақога риҳлат этган бўлардим. «Деворни ҳам қулоғи бор» демишлар машойиҳлар, худобехабарларни чангалидан эсон-омон қутулғач оғизга сўк тўлдирғон эрдим. Баҳарҳол ҳозир бир нарсани айтмоққа ўзимда жасорат сездим. Эшитдимки илгари туғуруқхоналарда оналарни сутларига оргунни бепарҳез одамлари ҳар турли куфрона дам уруб, ул нопок сутни эмғон баччаи норасидалар ота-оналарини орқасидан хуфиялик қиладурғон бўлиб улғайган эркан. Каминанинг рафиқалари доялиқда илмлари том, ой куни яқин хотун-қизларингиз бўлса чақиринг, азтаҳдил оллоҳ йўлида ёрдам қилур. Фақирни ҳурмати, рафиқани қуруқ қайтармассиз, агарчандики бул фурсатда обиявғонга ҳам кўп зориқибдурмиз... Бағдазон арз шулки, алдамчи замонага инонуб кўп гуфтигў қилманг, баҳарҳол аёлманд одамга тинчлик ғаниматдур.

3. Гўшт сўрамайман, чунки эндигина этсиз таомга ўргандик, янги уст-бош керак эмас, бир кун у ҳам эскиради. Мабодо Хизр бобога йўлиқиб қолсам халқни бошлаб юрган серкаларимизга тўғри йўл кўрсатишларини сўрар эдим, халос!

●

Жаволлар сизга ёқдими? Биз доимо шунақа зўр йўлини топиб юрамиз. Керак бўлиб қолса ҳажвий асарлар қаҳрамонларидан ҳам Янги йил интервьюларини олаверамиз. Шудай сеҳрлаб қўямизки, қаҳрамонлар китоблар саҳифаларидан чиқиб бизга интервью берганини ўзи ҳам сезмай қолади. Ишонмайсиз? Нега ишонмайсиз? Ўқиб кўрай дейсизми? Марҳамат, биз унақа қизғанчиқ эмасмиз.

БАЙРАМ ИНТЕРВЬЮЛАРИ

ТОШПЎЛАТ ТАЖАНГ:

Қизилбош[1]нинг чойхонасига кирсам ҳаммаёққа ажинақўйлакнинг қийқимларини илиб ташлабди. Бу нима жиннилик, десам: «Янги йил кириб келяпти. Тошпўлат ака», дейди». Манга қара, хумсо, кеча ёнғоқнинг тагида ухламаганмисан, десам, ул баччағар: «Бу обрўопоча янги йил», деб галавамни айлантирмоқчи бўлади. Обрўопа чўққонинг ичагини ебти, деб койидим. Эй, Тошпўлат ака, замондан орқада қолибсиз», деб яна кексақорилик қилди, қизилбош. Манам унга фасоҳат аҳлининг тили билан айтдим: замонинг мани орқамда қолғон. У манга етгунча ман Истанбулда бўламан. Шунга ўхшаш яна бир-иккита ноҳуш гапларни айтганди, куфрлигим тутиб, ажинакўйлак қийқимларидан тортиб, деворга осиб қўйган Англусининг тасқара сувратигача яксон қилиб ташладим.

Мана санга Обрў опангнинг янги йили, хи-хи-хи...

ФАРМОНБИБИ

Байрам яхши, байрамни ғалваси ёмон. Қанақа ғалва дема! Мени хонадонимда ортиқча чиқимдан гап очилган куни албатта ғалва чиқади. Битта палов дамлаб, дастурхонга яна озгина ноз-неъмат сочиб қўйиш савоб, ичкиликка бало борми, ёқсанг битта олча мураббо пиширишга ярамайдиган арчага бало борми? Ўғилларимни йиғиб, ароқ тугул шампонгаям пул йўқ, ана, қўлингдан келса, мени воянни тирбуналга бер, дедим.

Ҳаммаси кўнди-ю, ҳалиги артис ўғлим ҳалиям тихирлик қип турибди. Ҳа, майли, жуда бўлмаса, эрим Азимшердан қолиб кетган кўкнорини эзиб бераман. Мендан нима кетди, шу бола байрамда бир яйраса яйрасин.

ЗАЙНИШЕВ:

Шамси Тўраевични байрам баҳонасида бир табриклаб қўйсаммикан? Перустройкада ишдан урилганлар яна фарқага олиниб, амалга миндирилаётганмиш. Балки бизни шефниям эрта-индин «Хайрҳайюв» қилиб биронта идорага опкетишар.

Амал беришса-ку хўп-хўп, беришмаса, буёқда совғага куйиб қолаверамизми?

Йўғ-ў, нафасни иссиқ қилайлик. Амалпарастларнинг қайтадан куни туғаётгани шундоқ қўриниб турибди. Буни шундан билиш мумкинки, кейинги пайтларда ҳатто автобусларнинг ичига ҳам «Катталарга жой бер!» деб ёзиб қўядиган бўлишди.

МИРЗАҚАНД:

Байрам, байрам, дейсан ўзинг умрингда бирор марта уни нишонлаш учун бозор-ўчар қилганмисан? Ҳукуматингаям тан бермадим, календарнинг ярми қизилу магазинида ачиган пийваям йўқ. Ундан кўра календарингни, ёппа қора қилиб магазинларни «Чашма»зорга айлантириб қизартирвор. Кейин йилига уч юз олтмиш беш кун байрам қилишни мана бизга қўйиб бер...

Бас, энди, бор, тенгинг билан гаплш. Оғзингдан лемонатнинг ҳидини келтириб, кўнглимни айнитма.

●

Шунақа, Мирзақандга ўхшаганларга фақат бир шиша «Чашма» бўлса. Ахир бундай яхши кунларда фақат ётиб олиб ичмай, чойхонага чиқиб яхши гаплардан, Янги йил хандаларидан эшитиб ҳам туриш керак. Табибларимиз бир мириқиб кулиш тўртта тухум еган билан тенг дейишади-ку. Айниқса товуқлар ҳам қайта қуриш қилиб тухум туғмай қўйган шу кунларда кулиш жуда фойдали. Ким кулдиради, дейсизми? Нормамат Тоғаев. Марҳамат, навбат Янги йил хандаларига.

ЯНГИ ЙИЛ ХАНДАЛАРИ

ДАРДЛАШИШ

— Ўғлим, бу машина сеникими?

— Меники.

— Бироз кечикаяпман, мени ғириллатиб шаҳарга етказиб қўй.

— Ўтиринг, шаҳаргача ўн сўм берасиз.

— Ўғлим мен Қорбобоман...

— Сиз Қорбобо бўлсангиз, мен кооператив бобоман, отахон.

1 Тошпўлат тажанг томонидан чойхоначига берилган исм.



Қизиқчи Ҳожибой ТОЖИБОЕВ

Қизиқчи Абдураҳмон СИДДИҚОВ

Ҳазилларни Т. ҲАЙДАРОВ чизган

Ҳафталигимизнинг кейинги сонларидан бирида рассом ҳақида мақола ўқийсиз.

БАҲОНА

— Вой, ўлмасам, дадаси, ҳалитдан нега столнинг тагида думалаб ётибсиз!?

— Жж-жим, ҳалақит берма, янги йилни пойлаяпман.

ШИЛҚИМНИНГ СУЯНЧИҒИ...

Шилқим:

— Ҳой, Қорқиз, марҳамат қилиб мен билан рақсга тушсанг!

Қорқиз:

— Менга кўпам шилқимлик қилаверманг, Қорбобомга айтиб, боплаб адабингизни бердириб қўяман!

Шилқим:

— Адабимни бердириб бўпсан! Анави Қорбобони айтаяпсанми, у менинг дадам-ку.

ҚОЧАМИЗМИ?

— Обид, тур, янги йил яқинлашиб қолди.

— Нима, қочамизми?

ҚЎМСАШ

— Шу янги йил яқинлашаверса, нуқул бундан йигирма йил олдинги ҳаётим ёдимга тушиб, ўша дамларни соғиниб қўмсайвераман-да.

— Йигирма йил олдин ҳаётингизда қандай қувончли воқеа юз берганди, дадаси?

— Йигирма йил олдин сенга уйланмагандим-да, азизам!

Нормамат ТОҒАЕВ

Энди навбатни Нуриддин Яҳёевга берсак. У кишм байрам баҳона бир-икки кишига ҳазил қилмоқ ниятида экан.

ДЎСТЛИК ҲАЗИЛЛАРИ

Ёзувчи Неъмат АМИНОВГА!

«Не кунларга қолдик» деб,
Анча ўйлаб қолдингиз.
«Муштум»ни мақтаб-мақтаб,
Сўнг, бозорга солдингиз.

Қизиқчи Муҳиддин ДАРВЕШОВГА!

Овозидан одамлар,
Уни яхши танийди.
«Отасининг қилганин»,
Қилса дейди, қанийди?!

Ҳазилкаш Н. ЯҲЁЕВ

●

Шоира Кавсар Турдиева 1990 йилда спортдан эришган ютуқларимиздан илҳомланиб «Пахтакор» ва «Андижанка» (нега «Анджанка») спортчиларини Янги йил билан табриклабди.

«ПАХТАКОР»га

Ишқибозлар қўлига,
Гўё гуллар тутдингиз,
Ва ниҳоят энг олий
поғонага ўтдингиз.
Энди эса, акалар,
режалардан сўзлангиз,
Энг юқори ўриннинг
Биттасини кўзлангиз!

«АНДИЖАНКА»га

Қизлар ичра чемпион
Бўлганлари озку-я,
Чемпионлик аслида
Ингитларга хоску-я!
Не бўлса-да, мардликда
Ингитлардан ўтдингиз.
Ғолибликнинг нишонин
Қўлингизга тутдингиз.

Кавсар ТУРДИЕВА

Ўзларингиз яхши биласизлар, Янги йилда совға улашиш анъанага айланган. Бу йилги совғаларни топширишни андижонлик муаллифимиз М. Ҳайдаровга топширгганмиз. Демак, навбат Маҳмуд Ҳайдаровга.

ШУМ БОЛАНИНГ СОВҒАЛАРИ

ҚОРОВУЛГА: Туни билан тинмай чалинадиган қўнғироқли соат.

ПОРАХЎРГА: Иккала қўлини маҳкам боғлаш учун занжир.

АРОҚХЎРГА: Елимдан ясалган пиёла.

ЧАЙҚОВЧИГА: Битта ҳам чўнтаги йўқ тўн.

ИҒВОГАРГА: Ёзмайдиган қалам ва рангсиз сиёҳ.

АМАЛПАРАСТГА: Типратикан териси қопланган курси.

ҚАССОБГА: Ўтмас пичоқ ва тўғри ўлчайдиган тарозн.

ТАФТИШЧИГА: Таги тешик халта.

САЕҚ ОТАРЧИГА: Ишламайдиган микрофон.

МЕҲМОНХОНА НАВБАТЧИСИГА: «Хуш келибсиз! Жой бор!» жумласини ёдлаб олган тўтиқуш.

●

Ҳурматли чойхўрлар.

Шундай қилиб 1990 йил ҳам тарихга айланди. Ҳазил-ҳазил билану, лекин ҳаётимизда у ҳам яхши ишлар қолдирди. Масалан, биз 1989 йилга қараганда икки мингта кўп ҳат олдик. Бу хатларга жамланган ҳажвия, шеър, пародиялар ва бошқа жанрлардаги энг яхши асарлардан фойдаландик. Айримларини келгуси йилда бирор кунимизга яраб қолар деб ғаладонга ташлаб қўйганмиз. Яна бир қисмидан эса фойдаланишнинг иложи бўлмади. Ишонамизки, бунинг учун муаллифларимиз биздан хафа бўлишмайди. Биз улардан янги асарлар кутамиз. Хуллас, 1990 йилда бизни йўқлаб хат ёзган барчага раҳмат. Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!

ШУМ БОЛА

Рассом И. ЗОИРОВ

Рассом Ш. СУБҲОНОВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Жумҳурият Маданият назирлигининг ҳафталиги

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
Издается на узбекском языке

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Ҳафиз АБДУСАМАТОВ, Усмон АЗИМОВ, Ҳамидулла АҚБАРОВ, Рамз БОБОЖОН, Одил ЁҚУБОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Тоҳир ШАМСИЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Тўлапберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Малик ҚАЮМОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Пиримқул ҚОДИРОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ (масъул котиб).

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: Тошкент — 700083, Ленинград кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: бош муҳаррир — 33-52-91, 32-57-42; бош муҳаррир ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул котиб — 33-49-93; котибот — 32-58-49; БЎЛИМЛАР: ижтимоий-сиёсий — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; назм ва наср — 32-55-78; санъат — 32-56-48, 32-54-56; хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-49; шум боланинг чойхонаси — 32-54-71.

Жума кунлари чиқади. Баҳоси 25 тийин

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларига қайтарилмайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашри ётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64593. д. 4732

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12